O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.JS

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2007** йил, **19** октябрь, жума № **42** (2221).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **19** октябрь, **2007** год, № **42** (2221).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена договорная

Пахтачиликда сўнгги йилларда эришаётган бундай ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало, халқимизга азалдан мансуб бўлган омилкорлик, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, ўз ери, ўз юртига меҳр қўйиб, эртанги кунга ишонч билан яшаш туйғуси, ҳаётга фаол муносабатнинг кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, одамларимиз онгу тафаккурида юз бераётган муҳим ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун мамлакатимиз ҳаётида барчамизга мамнуният ва қувонч етказадиган ажойиб бир кун. Юртимиз пахтакорлари 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Том маънода улкан ва шарафли меҳнат натижаси бўлмиш мана шундай ютуқ билан сиз азизларни, бутун халқимизни бағримга босиб, чин қалбимдан самимий қутлайман ва муборакбод этаман.

Сизлар эришган бу муваффақият ўзбек деҳқони, ўзбек фермерининг бор куч-ғайрати, азму шижоати ва қатъиятини мўл ҳосил етиштиришдек эзгу мақсадга бағишлаб, йил ўн икки ой давомида ер билан тиллашиб, кунни тунга улаб, табиат қийинчиликларини мардона енгиб қилган фидокорона меҳнати, кўп йиллик тажриба, отабоболаримиздан қолган пахтакорлик касбининг сиру синоатидан оқилона фойдаланиш маҳсули эканини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Шу билан бирга, эришилган бу беқиёс ғалаба замирида аввалambор бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли туб ислоҳотларимизнинг ижобий самараси мужассам десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Нега деганда, бу йилги улкан ҳосил Ўзбекистон тарихида биринчи марта 100 фоиз қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг мутлақ янги шакли бўлмиш хусусий фермер хўжаликлари томонидан яратилди.

Бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи галда, меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлик даражасининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимиз бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача қарийб 26 центнерни ташкил этиб, етиштирилган ҳосилнинг ўтган йилги 74 фоиз ўрнига 86 фоизи биринчи навларга топширилгани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Пахтачиликда сўнгги йилларда эришаётган бундай ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало, халқимизга азалдан мансуб бўлган омилкорлик, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, ўз ери, ўз юртига меҳр қўйиб, эртанги кунга ишонч билан яшаш туйғуси, ҳаётга фаол муносабатнинг кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, одамларимиз онгу тафаккурида юз бераётган муҳим ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Табиийки, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, деҳқонларимизнинг машаққатли ва олижаноб меҳнатини муносиб қадрлаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган катта ишларимиз ҳам бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, пахтачилик соҳасида истиқболли, серҳосил ва эртапишар навлар яратиш, уларни ҳар қайси ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий илғор технологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, фермер хўжаликларини молиявий ресурслар, янги техникалар, минерал ўғит ва зарур воситалар билан таъминлаш, ҳосилни турли зараркунандалардан ҳимоя қилиш, теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш каби ўта муҳим чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилгани ҳам бу ғалабага эришишда асосий омил бўлганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига ўзининг салмоқли улушини қўшган, шартнома режасини биринчилар қаторида адо этиб, барчага ўрнак бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро, Андижон ва Сурхондарё, Жиззах вилоятлари пахтакорларининг меҳнат жасорати айниқса таҳсинга сазовордир. Қолган вилоятлар ҳам ўз мажбуриятларини бажариш арафасида турганини мамнуният билан айтиш зарур.

Ҳар гектар ердан ўртача 30-35 центнердан ошириб ҳосил олган Амударё ва Нарпай, Денов ва Сариосиё, Шўрчи ва Пахтаобод, Вобкент ва Пахтакор, Косон ва Қарши ҳамда бошқа қатор туманлардаги кўплаб фермер хўжаликлари бу кўрсаткични 50-55 центнерга етказгани ҳам мард ва фидойи деҳқонларимизнинг қандай буюк марраларни эгаллашга қодир эканининг яна бир амалий тасдиғидир.

Ана шундай интилиш ва саъй-ҳаракатларимиз туфайли бугунги кунда ўзбек пахтаси ўзининг юқори сифати ва рақобатбардошлиги билан жаҳон бозорида мустаҳкам ва муносиб жой эгалламоқда. Пахта толаси савдоси билан шуғулланадиган йирик хорижий компанияларнинг уч йилдан буён Тошкент шаҳрида ўтказилаётган халқаро пахта ярмаркасида фаол қатнашиб келаётгани ва бу борада эришилаётган амалий натижалар шундан далолат беради.

Бугунги хурсандчилик дамларида барчамизни мана шундай ёруғ кунларга етказиб, эл-юртимизни ўз паноҳида асраб, марҳаматини аямасдан, ҳамиша йўлимизни очиб бераётган Оллоҳ таолога шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Сиз, азизларни мана шундай меҳнат зафарларингиз билан табриклаш асносида мен ерга кўз тикиб яшайдиган минг-минглаб, балки миллионлаб инсонларни, уларнинг ўз пешона тери, ҳалол меҳнатидан даромад топиб, шунинг ҳисобидан оила тебратиш, фарзандларини уй-жойли қилиш ҳақидаги орзу-ниятларини ўзимга доимо яққол тасаввур қиламан. Ҳеч муболағасиз, бугун омборларимиз мўл ҳосилга, кўнгилларимиз шодликка тўлган мана шу қутлуғ кунни барча деҳқонларимиз ўз муродига етган кун, деб аташ мумкин.

Айни пайтда, бу муҳим ғалаба саноатимизнинг қайта ишлаш соҳаларини қимматбаҳо хомашё билан таъминлаш, мамлакатимизнинг бойлигига бойлик қўшиш, шу тариқа Ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мўл ҳосил етиштириш билан бирга, аҳоли турмуш даражасини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий масалаларни ечиш, жамиятимизда меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини кучайтиришдек олижаноб ишларда фаол иштирок этиб келаётган фермерларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман ва уларнинг меҳнатини юксак қадрлайман.

Иқтисодиётимизда ҳал қилувчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва унинг самарадорлигини ошириш негизида ушбу соҳани замонавий босқичга кўтариш биз учун устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Айниқса, кўп йиллардан буён деҳқонларимизни қийнаб келаётган энг мураккаб ва долзарб муаммо бўлмиш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, жуда катта маблағ ва моддий ресурсларни талаб қиладиган бу масалани тубдан ҳал этиш янги йилда давлатимиз за ҳукуматимизнинг асосий эътибор марказида бўлишини таъкидлаб айтмоқчиман.

Бизнинг аграр соҳадаги дастур ва режаларимиздан алоҳида ўрин олган бундай амалий мақсадлар яқин келгусида ўэнининг ҳосили ва мевасини беради, иншоолло. Шахсан мен қишлоқ хўжалигини юксалтириш, шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаётини фаровон, оғирини енгил қилишни ўз фаолиятимнинг асосий мазмуни, деб биламан ва бу масалани Ватанимизнинг нафақат бугунги, балки эртанги тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраман.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Сизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини бугунги катта ғалаба билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо омон бўлинг!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



*Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.*

***Ҳушёрмиз, сергакмиз ҳар лаҳза, ҳар он!***

## ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 октябрь куни давлат ташрифи билан Туркманистонга келди.**

Давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президентининг Ашхободдаги саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар – Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳаммедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳаммедовнинг яккама-якка суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч ва ҳурмат асосидаги икки томонлама манфаатли ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди. Ашхобод саммити Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари муштарак эканлигини кўрсатиши қайд этилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатлар янги давр талаблари асосида ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Хусусан, Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномада (1996 йил), Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномада (2004 йил) икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, халқаро интеграция жараёнларини ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимиз дунёнинг аксарият давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Туркманистон ҳам ташқи дунё билан турли соҳаларда ҳамкорлик учун очиқдир.

Президентлар ёқилғи-энергетика соҳаси Ўзбекистон ва Туркманистон учун янги имкониятлар очаётганини таъкидладилар. Мамлакатларимизда энергия манбаларининг йирик конлари бор. Дунёда нефть ва газга талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда бундай омил ҳамкорликдаги лойиҳалар учун яхши асос бўлиши табиий. Хусусан, жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон, Туркманистон, Россия ва Қозоғистон ўртасида Каспий бўйлаб янги газ қувури барпо этиш ва Марказий Осиёдан Россияга нефть-газ узатиладиган мавжуд қувурни реконструкция қилиш борасида эришилган келишув муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилиши учун барча имкониятлар мавжуд. Зеро, мазкур мамлакатлар бир-бирини яхши биладиган ишончли шериклардир. Бундай шароитдаги ҳамкорлик уларга нафақат молиявий-иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам келтириши шубҳасиздир.

Каспийбўйи қувури Марказий Осиёдан Россияга узатиладиган газ ҳажмини қарийб икки баробар ошириш имконини беради. Одатда қувур ётқизиш ишлари йирик сармоявий ҳамкорликни назарда тутади. Мутахассислар бу ҳамкорлик негизида қувур ўтган жойларда инфратузилмани, сайёҳлик ва экология соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**



## МАДАНИЙ НУТҚ ТАРБИЯСИ

Халқ, хулқ ва нутқ каби бениҳоя нозик оламларнинг маъно-моҳиятини теран идрок ва инкишоф этмоқдай машаққатли масъулиятни елкага олган, бу масъулият юки остида эзилиб-эзилиб, аммо ҳузур нелигини билмай изланган, фанний ва бадиий тасаввур тамойилларини талқин этмоқ бобида қилни қирқ ёрган ойдин ақл эгалари сўзлаш қобилияти ва гўзал нутқ қудрати бемисл бир неъмат эканлигини такрор ва такрор таъкидлаганлар. Гўзал ва нафис нутқ сезгиси ҳамда унга азалий ихлосу эҳтиром анъанаси, айниқса, кўҳна Шарқда жуда қадим замонларга бориб тақалади.

**(Давоми 8-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДАГИ МОҲИЯТ

Танишим Бобоқул Муродов билан яқинда учрашиб қолдим. Ўғли муддатли ҳарбий хизматда. Ҳол-аҳвол сўраган бўлдим: «Аскар хат ёзяптими, шарт-шароитлари, хизматлари ҳақида сўраяпсизми?». Аскар отаси шуни кутиб тургандек, узоқ сўзлади. Ўзи хизмат қилган даврни эсга олди.


**(Давоми 8-бетда).**

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**

## "ШЕВРОЛЕ" ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган "General Motors Europe" компанияси президенти Карл Петер Фостер ва "GM Daewoo Auto & Tehnology" компанияси президенти Майкл Гримальди 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Рустам Азимов ва Қувондиқ Санақулов билан учрашди. Музокараларда "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти негизида "Шевроле" автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

**(Давоми 8-бетда).**


2 ЯКУНИЙ СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИДАН
НАТИЖАЛАР ҚУВОНАРЛИ


4 КЎРГАЗМАЛИ МАШҒУЛОТ
МАШҚЛАРДА ОШМОҚДА МАҲОРАТ


10 IV ВСЕМИРНЫЕ ВОЕННЫЕ ИГРЫ
ПЕРВЫЕ МЕДАЛИ СООТЕЧЕСТВЕННИКОВ


11 ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ
ТЕАТР – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:

# ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ўз ҳудуди орқали ўтадиган Туркманистон-Хитой газ қувурини барпо этиш лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватлайди. Бу мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш баробарида Ўзбекистон газининг экспорт йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Президентларнинг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Ислом Каримов Ашхобод саммити мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги кенгайиб бораётганидан яна бир далолат эканлигини таъкидлади.

Гурбангули Бердимуҳаммедов Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркманистоннинг энг ҳурматли ва энг фахрли меҳмони деб билишини, томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қарашлари, кўрилган халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқинлигини қайд этди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиётнинг қатор соҳалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ёқилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиги, кимё ва металлургия саноати, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш, сайёҳлик каби йўналишлардаги ҳамкорлик устувор аҳамият касб этиши таъкидланди. Масалан, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида транзит юк ташишда ўзаро хизмат кўрсатишда амалий ҳамкорлик қарор топган. Мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркманистонга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннани ташкил қилади.

Аммо савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасидаги имкониятлар тўлиқ ишга солиняпти, деб бўлмайди. Товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони икки томонни ҳам қониқтирмайди. Ваҳоланки, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, халқаро дарё, йўловчи ва юк ташиш алоқаси тўғрисида ҳужжатлар имзоланган. Умуман, иқтисодий ҳамкорликка оид йигирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

Музокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби вазифаларни топширишга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам. У маданият, таълим, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркманистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қариндошлик ришталари билан мустаҳкам боғлангани ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқулининг ҳайкали очилгани икки халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

2004 йилда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган объектларда хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркманистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланган. Мамлакатларимиз илм-фан ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик борасида ҳам ўзаро келишувларга эришган.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартномани, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартномани, Ўзбекистон-Туркманистон қўшма баёнотини имзоладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон ташқи ишлар вазирликлари ўртасида Давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Туркманистон Маданият ва телерадиоэшиттириш вазирлиги ўртасида 2010 йилгача мўлжалланган ҳукуматлараро маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Туркманистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Божхона қўмиталари ўртасида ахборот алмашувини ташкил этиш тўғрисидаги идоралараро протокол имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳаммедов музокаралар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, бугун эришилган келишувлар келгусида Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини таъкидладилар.

– Музокараларда ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга келишиб олдик, – деди Ислом Каримов. – Имкониятларимиз таҳлили ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш ва қўшма корхоналарни кўпайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам улкан салоҳиятга эга эканлигини кўрсатди.

– Биз ўзаро муносабатларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркманистоннинг яқин дўсти деб биламиз, – деди Гурбангули Бердимуҳаммедов. – Бугун имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлигимизнинг кўламини кенгайтириб, унинг ривожига янги суръат бахш этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан «Руҳият» саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу ерга Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Гурбангули Бердимуҳаммедов Туркманистон-Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш, икки мамлакат халқларининг дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги буюк хизматлари учун Ислом Каримов «Ҳурматли эл ёшуллиси» унвони билан тақдирланганини эълон қилди ва мамлакатимиз раҳбарига уни тантанали равишда топширди.

Маросимда ўзбек ва туркман санъаткорлари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири, Ашхобод.**

## ОНА-ЮРТ ХИЗМАТИГА ШАЙМИЗ ДОИМО

Якуний синов машғулотларидан

# НАТИЖАЛАР ҚУВОНАРЛИ

Якуний синов машғулотларининг биринчи босқичига жалб этилган ҳарбий қисм ва бўлинмалар учун жорий йилнинг энг муҳим имтиҳонлари ортда қолди. Демак, ўқув йили давомида орттирилган билим ва тажриба намойиши, тайёргарлик турлари бўйича кўрилган ҳозирлик, ақл, куч ва ирода синови орқали, юрт посбонлари янада чиниқдилар.

Тўғри, якуний синовлар давомида фақат «аъло» кўрсаткичлар қайд этилиши мушкул. Лекин шунга интилиш бор жойда муваффақият ўзини куттириб қўймаслиги, сидқидилдан қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериши аниқ. Катта лейтенант Камолиддин Нурбеков командирлигидаги бўлинма ҳам айнан шундай, яъни, илғорликни қўлга киритган жамоалардандир.

Ҳарбий қисм шахсий таркибини якуний синовлардан ўтказган масъул офицерларнинг умумий натижалар, ютуқ ва камчиликлар таҳлилига бағишланган йиғилишида юқорида номи тилга олинган офицер бошчилигидаги взвод илғорлар қаторида санаб ўтилди. Ижтимоий сиёсий тайёргарлик бобида юрт посбонларининг шахсий ҳамда умумий натижаларга кўра, мазкур жамоа ҳарбий қисмда пешқадам бўлди.

– Ғалабамиздан, албатта, жуда хурсандман, – дейди катта лейтенант Нурбеков. – Муддатли ҳарбий хизматчилар қайд этган натижалар, айниқса қувонарли. Йигитлик бурчини ўташга чақирилаётган Ватан ҳимоячиларининг савияси, билим даражаси тобора ошиб бораётгани яққол сезилмоқда. Оддий аскарлар – Анвар Маманазаров, Ойбек Муртозов, Фахриддин Раҳмонов, Фурқат Эшбоев ва Элёр Юсуповлар бу борада сафдошларига ўрнак бўлдилар. Сир эмаски, армия кўрган йигитлар орасида хизматни шартнома асосида давом эттиришни, ўз ҳаётини ҳарбийлик билан боғлашни истовчилар кўпчиликни ташкил этяпти. Взводимизда ҳам талабгорлар талайгина.

Дарвоқе, мазкур бўлинманинг нафақат ижтимоий-сиёсий, балки тайёргарликнинг бошқа турлари бўйича ҳам юқори натижаларни қайд этгани синовларга ҳар томонлама ҳозирлик кўрганидан далолат беради.

– Муҳандислик тайёргарлиги бўйича посбонларнинг билим ва кўникмаларидан мамнун бўлдим, – дейди масъул офицер Жуманазар Ёраҳмедов. – Тўғри, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин уларнинг аксарияти якуний синов машғулотлари жараёнида бартараф қилинди. Шу ўринда катта лейтенант Зокир Ғойипов ва шартнома бўйича хизмат оддий аскари Олим Турсунбоевларнинг тиришқоқликларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Маълумки, айнан илғорларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига у ёки бу жамоа, бўлинма пешқадамлар сафидан ўрин эгаллайди. Улар сафдошларига намуна ва ўрнак қилиб кўрсатилади. Айнан уларга тенглашишга, муваффақиятларини такрорлашга интилади фидойи посбон. Биз хизмат сафари билан бўлган ҳарбий қисмда якуний синов машғулотлари мобайнида ўзини ҳар томонлама кўрсатиб, қуроллдош дўстлари ҳурматини қозонганлар қаторида шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар – Жасур Жумабоев, Шуҳрат Каримов, Олтинбой Қиличев, Неъмат Жуманиёзов ва Баҳром Ориповлар ҳам илғор посбонлар сифатида тилга олинди.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.**
Суратларда: **якуний синов машғулотларидан лавҳалар.**




# ФИДОЙИЛИК, ЖОНКУЯРЛИК ИЛҒОРЛАРГА ХОС

Рация орқали командирнинг буйруғи янгради:

– Биринчи рақамли мўлжал. Оралиқ масофа 1700 метр. Ўт очиб, шу ерда жойлашган душман кучини яксон қилиш керак.

– Буйруқ қабул қилинди.

Ўз вазифасини яхши билувчи ҳисоб командири шунқорларга тегишли буйруқларни берди. Саноқли сониялар ичида жанговар қурол шай ҳолатга келтирилди. Яна оз фурсатдан сўнг эса координаталари юқорида келтирилган шартли душман тор-мор қилингани ҳақидаги маълумот берилди. Кичик сержант Шокир Пўлатов етакчилигидаги посбонлар бу сафар ҳам қўйилган жанговар вазифани юқори даражада бажариб, қўмондонлик томонидан билдирилган ишончни оқлади. Аввало ўзига, қолаверса қўл остидагиларга нисбатан талабчан кичик командир шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар – Арслон Жумақулов, Баҳром Холматов ва Исмоил Юсуповларга ўз миннатдорчилигини билдириб, уларнинг руҳини янада кўтариб қўйди. Дала-ўқув шароитидаги якуний синов машғулотларида муваффақиятга эришган жамоа янги куч ва ғайрат билан тайёргарликнинг навбатдаги турида ҳам зафар қучиш мақсадида астойдил киришди...

– Ниҳоясига етган якуний синов машғулотларида жамоамиз эришган натижалардан мамнунман. Фақат «аъло» ва «яхши». Кўрилган пухта ҳозирлик ўз натижасини берди. Айниқса ўқ отиш, жисмоний ва тактик тайёргарликлар бобида ўрнак бўлдик.

Миллий армиямиз сержантлар корпуси вакилининг қўл остидаги йигитларга бераётган баҳосини ўзига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ахир бежизга уни гуруҳнинг энг илғор ҳисоб командири, дея эътироф этишмайди.

Дарвоқе, муддатли ҳарбий хизматни ўташдан олдин касб танлаш борасида бир қарорга келмагандир, у. Лекин «ҳаёт мактаби»да ўтган ҳар кун собиқ оддий аскарнинг ҳарбийликка бўлган ҳурмат ва қизиқишини орттириб борди. Муддатли ҳарбий хизмат муддатининг якунланишига қадар эса юрт посбони аллақачон бир қарорга келди. Яъни, ҳарбийча ҳаёт, муҳит, ҳатто эгнидаги либос ҳам унга жуда қадрдон бўлиб қолди.

Кичик сержант Шокир Пўлатов сингари касбига, вазифасига меҳри баланд Ватан ҳимоячилари мувваффақиятга эришиши табиий. Чунки уларнинг саъй-ҳаракатлари, фаолияти фидойилик, жонкуярликдан куч олади.

**Катта лейтенант**
**Учқун САИДНАЗАРОВ.**

# ИТОГИ РАДУЮТ

Итоговая проверка является серьезным испытанием для любого подразделения и части. Строгие проверяющие беспристрастно оценивают не только внешний вид и боевую выучку личного состава, но и состояние тыла, техники и вооружения, воспитательную работу командиров и начальников по поддержанию уставного порядка и укреплению воинской дисциплины и многое другое, из чего в конечном итоге и складывается боевая готовность части.

Как показывают первые итоги контрольной проверки, в подавляющем большинстве воинских частей и подразделений военнослужащие показали высокие результаты в боевой учебе по всем проверяемым дисциплинам. Как сообщают наши нештатные корреспонденты, на сегодняшний день наилучших успехов добились подчиненные майоров К. Раджамова, У.Шарипова и Д. Исмаилова.

Примечательно, что офицеры и сержанты проявили в ходе контрольных занятий высокую личную примерность и настоящие лидерские качества. Так, во взводе капитана Н.Раджапова проверяющие отметили высокую профессиональную подготовку лейтенанта Ж.Мамиржанова, ставшего в ходе проверки примером для личного состава подразделения.

В подразделении капитана С.Эшбабаева настоящими лидерами воинского коллектива показали себя младшие сержанты М. Авазов, И. Шамурадов и М. Турдиев, получившие только хорошие и отличные оценки.

Во многом благодаря высоким организаторским качествам командира группы старшего лейтенанта Э. Бурнашева, старательным и умелым действиям младших сержантов Б. Ержанова, Ф. Аллаёрова и У. Мадрахимова по итогам проверки в число передовых вышло подразделение капитана М. Салимжанова.

**Соб.инф.**

Кузги чақирув –2007

# ФАРҒОНА ЎҒЛОНЛАРИ ХИЗМАТГА ТАЙЁР



Ватан юкига елка тутиш – унинг тинчлигини асраш, ободлигига ҳисса қўшиш шу юрт фарзандлари учун муқаддас бурч. Ўғлонларимизга бу борада ҳавас қилса арзийди. Чунки улар том маънода Ватан ҳимоячиси. Юртимиз сарҳадлари улар билан мустаҳкам, мустақиллигимиз барқарорлиги мана шу забардаст қўлларда. Айни кунларда ҳам йигитлик бурчини ўташ учун интилиб турган ўғлонларимиз ҳаётида ҳаяжонли дамлар. Яъни ҳарбий хизматга тайёрлаш – синов онлари вилоят мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида давом этмоқда.

Йилдан йил мукаммаллашиб бораётган бу жараёнда ҳар томонлама етук йигитларимиз юзгача чиқади, уларга шарафли касб эгаси – Ватан ҳимоячиси бўлиш насиб этади. Биз Фарғона вилояти мудофаа ишлари бошқармасида бўлганимизда чақирув жараёни билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Ҳозирда қайси бир чақирув пунктида бўлманг, ижобий ўзгаришлар – ислоҳотлар жараёнидаги янгиланишлардан дилингиз равшан тортади. Айниқса, тиббий чақирув комиссияси аъзоларига яратилган шароит, керакли тиббиёт анжомларининг мавжудлиги, малакали мутахассисларнинг жалб этилиши бугуннинг талаби асосида ҳал этилган. Ушбу вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ҳам айнан шундай мукаммал шароитга дуч келдик. Вилоят тиббий чақирув комиссияси аъзоларининг хизмат фаолияти билан танишувдан сўнг, комиссия бош шифокори жарроҳ Раҳматжон Аҳуновни суҳбатга тортдик.

– Мана, олти йилдан буён чақирув жараёнида бевосита иштирок этиб келаяпман, – дейди бош шифокор саволларимизга жавоб қайтарар экан. – Шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, йигитларимиз саломатлигида жуда катта ижобий ўзгаришлар бор. Бунга асосий сабаб, уларнинг хизматга бўлган юксак иштиёқи, яъни ҳарбий хизматга лойиқ бўлиш учун ўғлонларимиз ўз саломатлигига жиддий эътибор қаратишмоқда. Чунки улар олдиларида саломатликлари билан боғлиқ улкан синовлар мавжудлигини чуқур англаб етишмоқда. Ўтган йиллар давомида энг кўп учраб келган организмда йод етишмаслиги – бўқоқ касаллиги ҳам айни дамда 80 фоизга камайганлиги қувонарли ҳолдир.

Шифокорларимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, тиббий комиссия аъзоларининг барчаси кўп йиллик тажрибага эга етук мутахассислар. Булардан ички касалликлар шифокори Турғун Мусабоев, қулоқ, бурун ва томоқ бўйича мутахассис Авазбек Нишонов, руҳий касалликлар шифокори Фахриддин Умаров, кичик тиббиёт ходимлари Ойгул Усаинова, Элдор Алимжоновларни фидойи хизматчи сифатида тилга олишимиз мумкин. Мен бўлажак аскарларнинг саломатлигига масъул шифокор сифатида, уларда учраб турадиган ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқарувчи стресс ҳолатлардан сақланиш, ўз вақтида овқатланишга эътибор беришларини маслаҳат бераман. Истагим ҳар бир йигитга ҳарбий либос кийиш насиб этсин.

Ҳа, йигитлар учун арзимас саналган баъзи касалликлар уларнинг Ватан посбони бўлишдек эзгу мақсадини ортга суриши мумкин. Шу сабабли саломатликка доимо эътиборли бўлмоқ лозим. Шунингдек, уларнинг олдида турган яна бир қатор довонлар мавжудки, бу борада вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи подполковник Ўктам Камолов ўз фикрларини билдириб ўтди.

– Йигитларимизга қўйилган асосий талаблардан бири сифатида уларнинг билим савияси, интеллектуал салоҳиятига катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга чақирувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, муҳитга шахсий мослашув имконият даражаси – руҳий ҳолати ҳам албатта инобатга олинади. Бунинг учун улар махсус тест синовларидан ўтишлари лозим. Аввало, йигитларимиз муддатли хизматга чақирув жараёни бошланишига қадар белгиланган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда маҳаллаларда бўлиб, уларнинг оилавий шароити, жамоат ишларидаги фаоллиги, қизиқишлари ва қобилияти, ҳарбий хизматга бўлган хоҳиш-истаги, одоб-ахлоқи ўрганиб чиқилади. Кўриб турганингиздек, бўлажак аскарлар ҳар томонлама етук бўлишлари шарт.

Чақирув комиссияси аъзолари вилоят ҳокимлиги вакили Шуҳратжон Деҳқонов, вилоят хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Ҳакимахон Тожибоева, вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Қобилжон Ҳасанов, вилоят ички ишлар бошқармаси масъул ходими майор Муроджон Мўйдинов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ҳудудий кенгаши раиси ўринбосари Тоҳиржон Шокиров, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими бош мутахассиси Жумамурод Собировлар билан қилган суҳбатимиз ҳам айнан чақирувчилар билан олиб борилаётган ишлар хусусида кечди. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси ўзига хос фикрлар билдириб ўтди. Аммо барчаларининг мақсади бир – Фарғона вилояти ўғлонларини Ватан олдидаги шарафли бурчга муносиб тайёрлаш.

Фарғона вилояти ҳарбий хизматга чақирув пунктидан тайёрлаган мақоламиз якунини вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Мамарайим Қодировнинг кўтаринки руҳдаги сўзлари билан якунлашга қарор қилдик.

– Йигитларимизда хизмат қилиш иштиёқи жуда кучли. Улар ҳарбий хизматга муносиб бўлиш учун астойдил ҳаракат қилишаётганига гувоҳмиз. Ишонч билдираманки, улар олдиларидаги шарафли бурчни, уларга кўз тикиб турган яқинлари ишончини албатта оқлайдилар.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**16 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда 2007 йил 12 февралдаги Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

Марказий иқтисодиёт вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳисоботларида қайд этилганидек, 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим еттита устувор вазифасини амалга ошириш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар мамлакатни макроиқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларига изчил эришилишини, солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг муваффақиятли бажарилишини, 2007 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ўз вақтида ижро этилишини таъминламоқда.

Республика Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлигининг маълумотларига кўра 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,8 фоизни ташкил қилди. Иқтисодий ўсишга саноат ишлаб чиқариши ҳажмларини 11,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини – 3,5 фоизга, пудрат қурилиш ишларини – 20,4 фоизга, чакана товар айланмасини – 18,4 фоизга, пулли хизматларни 25,2 фоизга кўпайтириш ҳисобига эришилди. Ташқи савдо айланмаси, энг аввало, экспортнинг 41,8 фоиз даражасида ўсиши ҳисобига юқори суръатлар билан кўпаймоқда. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Қулай инвестиция муҳити ва инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитларнинг яратилиши инвестициялар ҳажмининг 31,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2 баравардан ортиқ ўсишини таъминлади. Бир қатор янги йирик саноат ишлаб чиқаришлари, «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл линияси, «Зеварда» конида босимли компрессор станцияси ва бошқа объектлар ишга туширилди. Тюбегатан калийли ўғитлар конини ва «Хандиза» полиметалл рудалари конини ўзлаштириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини эркинлаштириш ва солиқ юкини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини ўтган йилнинг тегишли давридаги 39 фоиз ўрнига 43,1 фоизгача оширишни таъминлади.

Мажлисда қайд этилганидек, ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор муҳим фармонлари қабул қилинганлиги ва амалга оширилганлиги аҳолининг турли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим, кадрлар тайёрлаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида мақсадли умуммиллий дастурларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг янада кучайтирилишини муайян даражада таъминлади. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилди. Биргина «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларга 370 миллиард сўм, шу жумладан, бюджетдан 153 миллиард сўм йўналтирилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида республика ҳукумати мажлиси қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг 2007 йил 30 августда бўлиб ўтган қўшма мажлисида белгиланган асосий вазифаларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, шунингдек республика иқтисодиёти реал сектори корхоналари раҳбарларининг эътибори ишлаб чиқаришнинг барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, 2008 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ривожланиши учун ишончли замин яратиш зарурлигига қаратилди. Шу муносабат билан «Ўзкимёсаноат» (Ғ.Ибрагимов), «Ўзбекенгилсаноат» (Р.Рўзиқулов) давлат-акциядорлик компаниялари, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти (Ў.Султонов) раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Ҳар доимгидек, меҳнат ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва аҳоли турмуши сифатини ошириш масалалари мажлис қатнашчилари диққат-эътибори марказида бўлди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Хаитов, Сирдарё (М.Эркаев), Андижон (Ш.Ибрагимов), Навоий (С.Самадов) вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларида касаначиликни, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш мақсадли комплекс дастурлари амалга оширилишининг аҳволи атрофлича таҳлил қилинди. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ шу йилда 490,0 мингга яқин янги иш ўрни, шу жумладан корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича 82 мингта, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 120 мингта иш ўрни яратилди. Қорамол етиштириш билан шуғулланаётган 275 минг фуқарога меҳнат дафтарчалари расмийлаштирилди.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, муҳим ижтимоий вазифа сифатида иш билан банд этиш муаммосини ҳал қилиш тадбиркорликни, энг аввало, хусусий бизнесни ривожлантириш учун мумкин қадар қулай шарт-шароитлар яратишга, шу асосда аҳоли фаровонлигини изчил оширишни таъминлашга муайян даражада боғлиқдир.

Мажлисда қайд этилганидек, куз-қиш даврига ўз вақтида ва пухта тайёргарлик кўриш иқтисодиётнинг барча соҳалари муваффақиятли ишлаши, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун замин ҳисобланади. Мажлис арафасида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг, иссиқлик ва сув таъминоти корхоналарининг фаолиятини, улар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг аҳволини, кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифати учун ходимларни рағбатлантиришнинг аниқ-равшан механизми жорий этилишини ўрганиш шуни кўрсатдики, жойларда ўтган йилларда йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик, аҳолини иссиқлик, газ ва тегишли маиший шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминлаш учун аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, Бош вазир ўринбосарлари Н.Хонов, Э.Шоисматов, вазирликлар ва идоралар, бир қатор вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларида камчиликлар, ҳал этилмаган муаммолар очиб ташланди, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ва уларни бажариш муддатлари белгиланди. Қиш даври учун сифатли ва турли мева-сабзавотларни ғамлаш ва уларни аҳолига мақбул нархларда сотиш бўйича вазифалар айниқса маҳаллий ҳокимият органларининг ўз вақтида ҳал этишини талаб қиладиган муҳим масалалар сифатида белгиланди.

Бугунги кунда иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва умуман республикани изчил юксалтиришни ахборотлаштиришсиз, ахборот-коммуникация технологияларини, почта ҳамда телекоммуникациялар тармоқларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантирмасдан тасаввур қилиш мумкин эмас. Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов, Давлат солиқ қўмитаси (Э.Гадоев), Халқ таълими вазирлиги (Т.Жўраев), «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Ф.Сагдуллаев), Навоий кон-металлургия комбинати (Н.Кучерский) раҳбарлари ҳисоботларида ушбу соҳадаги ишларнинг аҳволи танқидий таҳлил қилинди.

Кун тартибидаги ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари ва Аппарати департаментлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларига муфассал таҳлил қилиш асосида бошқарув органларида, банк ва молия тизимларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида, қишлоқ жойларда, йирик ишлаб чиқаришларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш мезонлари ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Ушбу чора-тадбирлар 2007-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асоси бўлиши керак.

Ҳукумат мажлисида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлиги масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Республикамиз пахтакорлари томонидан 3,6 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси тайёрланди ва пахта йиғим-терими давом этмоқда. Мева-сабзавот ва узумдан яхши ҳосил етиштирилди. Уларни қайта ишлаш бўйича агрофирмалар тармоғи ривожланмоқда. Қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларнинг тизимли амалга оширилиши натижасида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш таъминланмоқда. Буни бир қатор вилоятлар фермерларининг ўзлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти билан бўлган учрашувларда алоҳида таъкидлашди.

Ушбу суҳбатлар чоғида қўйилган вазифаларни бажаришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда аграр секторда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вилоятлар ҳокимликлари, республиканинг тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳисоботларининг асосий мавзуси бўлди.

Шу билан бирга, пахта йиғим-терими мавсумини тугаллаш, кузги дон экинлари экишнинг мақбул агротехника муддатларида ўтказилишини таъминлаш ҳамда 2008 йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида ерларни шудгорлашни сифатли ўтказиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги муҳокама қилинган масалалар юзасидан республика ҳукуматининг мажлиси қарори қабул қилинди. Унда 2007 йил учун белгиланган энг муҳим устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда 2008 йилнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, марказий иқтисодиёт идоралари, барча даврат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг асосий вазифаси эканлиги қайд этилди.

**(ЎзА).**

# ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ – ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бугун халқимиз яна бир катта сиёсий воқеа арафасида турибди. Бу жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидир. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ билан суҳбатимиз Президент сайлови ҳамда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатларига оид миллий қонунчилигимизнинг моҳияти ҳақида бўлди.**

**– Мирзоулуғбек Элчиевич, суҳбатимизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишга оид миллий қонунчилигимизнинг асосий қоидаларидан бошласак...**

– Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, сайлов жараёнида жамиятдаги хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари яққол намоён бўлади.

Икки палатали парламентга ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган очиқ ва ошкора сайловлар том маънодаги демократик давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган муҳим воқеалардир.

Кейинги йилларда жамиятда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, омма ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишга қаратилган кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди. Фуқароларнинг онгу тафаккурида чинакам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг муҳимлиги шундаки, ушбу тадбирни амалга ошириш билан халқимиз ўз олдига қўйган мақсадларига, қабул қилган Конституциясига, демократик жамият қуриш борасида амалга ошираётган ислоҳотларига содиқлигини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намойиш этади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир 30 дан ортиқ халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги ва улардаги асосий принциплар миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга бўлган муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат. Марказий сайлов комиссиясининг бутун фаолияти сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга йўналтирилган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан 2007 йил 23 декабрда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди. Унга мувофиқ сайлов округларининг сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати ва округ сайлов комиссиялари жойлашган манзиллар Марказий сайлов комиссияси томонидан 9 октябрга қадар эълон қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.Ушбу қонуннинг мазкур моддасига мувофиқ Президентликка номзодларнинг умумий сони чекланмаган.

Сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Куни кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 14, 24[1]-моддаларига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳининг рўйхати марказий матбуотда эълон қилинди.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинган номзодлар ҳақидаги маълумотларни 23 ноябргача эълон қилади.

Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан бир нафардан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчилар овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида 13 декабрга қадар хабардор қилинадилар. Марказий сайлов комиссияси фуқароларни ўз фаолияти ҳақида, сайлов комиссияларининг ташкил этилиши, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилади, Президентликка номзодлар хусусидаги, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилади.

**– Сайлов жараёнида ижтимоий сўровларнинг маълумотлари тарқатиладими? Сайловчилардан улар кимга овоз берганликларини сўраш мумкинми?**

– Бунга йўл қўйилмайди. Чунки бу овоз беришнинг яширинлиги принципи ва сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларига зиддир.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида ва овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади.

**–Ҳуқуқшунослар, халқаро экспертлар Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари мукаммал тарзда кафолатланганлигини эътироф этишади. Буни нималарда кўриш мумкин?**

– Конституциямизда, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонунда, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Муҳими шундаки, айнан "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (1994 йилда қабул қилинган) қонун кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда мавжуд ва унинг қоидаларига юртимизда тўла амал қилинади. Мазкур қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига оид барча умумэътироф этилган қоидаларни ўзида акс эттирган. Хусусан, қонунга мувофиқ, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир. Улар ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган масалалар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодлар бўйича ташвиқот юритиш ҳуқуқига эга.

Муҳим кафолатлардан яна бири Қонуннинг 21-моддасида аниқ ифодаланган. Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди агитациясини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш тақиқланади. Бундай ишларни қилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**– Сайловда илк бор иштирок этувчи сайловчиларга сайлов ҳуқуқларини тушунтириш юзасидан Марказий сайлов комиссияси қандай ишларни амалга оширишни назарда тутган?**

– Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги сайловчиларнинг умумий сони ўн олти миллион икки юз тўқсон етти минг тўрт юз кишидан зиёд. Ўн саккиз ёшга тўлган ва сайловда биринчи марта иштирок этадиган сайловчилар сони 2 миллионга яқин, биз улар ҳақида аниқ маълумотларни тўплаяпмиз. Чунки 19-20 ёшлилар ичида ҳам кўпчилик бу сайловда биринчи марта ўз конституциявий сайлов ҳуқуқларини амалга оширади.

Айтиш мумкинки, сайловчиларнинг, хусусан, сайловда илк маротаба иштирок этадиган ёшларнинг сайлов тўғрисидаги билимини ошириш Марказий сайлов комиссиясининг доимий эътиборида бўлиб келган. Сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларига доир оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларимизда, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда ўтказиладиган мулоқотларимизда асосий эътиборни сайлов қонунчилигининг моҳиятини кенг оммага, хусусан ёшларимизга етказишга қаратамиз.

Бу борада турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, ўқув юртлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу галги сайлов жараёнида мазкур ҳамкорликни янада жонлантириш, самарадорлигини ошириш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан барча чоралар кўрилади.

**– Округ ва участка сайлов комиссияларини ташкил этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 3 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида сайлов округларини ташкил қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чегаралари доирасида ташкил қилинди ҳамда уларга ном ва тартиб рақами берилди. Шу билан бирга, сайлов округларининг рўйхатлари, сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ахборот матбуотда эълон қилинди.

Энди биз округ сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаб, фаолиятини йўналтириб борамиз. Бундан ташқари, округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларининг ташкил қилинишини, алоҳида жиҳозланган бинолар, зарур техник воситалар билан таъминланишини назорат қиламиз.

Қисқа айтганда, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини миллий қонунчилигимиз талаблари доирасида юксак даражада ўтказиш учун барча чора-тадбирлар, ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

**ЎзА мухбири**
**Гулом МИРЗАЕВ суҳбатлашди.**

# ЭРКИН САЙЛОВ – ЭРКИН ФИКР, ДЕМАКДИР

**Юртимизда бўлиб ўтаётган муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон республикаси президентлиги сайлови муносабати билан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида тадбир бўлиб ўтди. Унда билим юрти ҳарбий хизматчилари билан бирга Самарқанд шаҳар ҳокимияти вакиллари, жумладан, хотин-қизлар қўмитасидан Фароғат Шокирова, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими вакили Тангир Сатторов, «Камолот» ЁИҲдан Суҳроб Эргашев ва ташкилий-назорат бўлими мутахассиси Машраб Тожиевлар иштирок этишди.**



– Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, кутилаётган сайлов, унда ўз номзодлари билан қатнашаётган сиёсий партиялар, шунингдек, кўрсатилган номзодлар ҳамда сайловнинг халқаро андозаларга мос равишда ташкил этилиши билан боғлиқ масалалар ҳақида посбонларга етарлича маълумот бериш, уларнинг бу борадаги тушунчаларини кенгайтиришдан иборатдир, – дейди билим юрти масъул офицери Шуҳрат Юсупов.

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққан Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими вакили Тангир Сатторов сайловда ҳарбийларнинг ҳам ўрни муҳим эканини таъкидларкан, барчани фаолликка чақириб, жумладан, шундай деди:

– Мана, истиқлолга эришганимизга 16 йил бўлди. Ортда қолган ушбу давр ёш мустақил республикамиз учун улкан синовларни бошидан ўтказган, янаям соддароқ қилиб айтганда, ўтиш даври бўлди, десак нотўғри бўлмайди. Чунки ҳеч кимга сир эмас, бизга нисбатан ҳаммаям хайрихоҳ, ижобий муносабатда бўлмаганлигини юз берган таҳликали воқеалар, минтақамиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан ҳам кўриб баҳолаш мумкин. Марказий Осиё манфаатлар тўқнашган замин. Жаҳоннинг юқори сиёсий мавқега эга бўлган давлатлари Марказий Осиёни ҳарбий полигонга айлантирмоқчи бўлгани, террорчи гуруҳлар эса ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш учун турли хуружларни амалга оширганлиги, бундай таҳликали вазиятдан оқил, доно ва узоқни кўра биладиган Юртбошимиз етакчилигида чиқиб кета олганимиз бугун бизнинг катта ютуғимиздир. Шу боис ҳам президент сайловида номзод кўрсатишда адашмаслигимиз, ҳар томонлама муносиб номзодга овоз беришимиз, ўз тараққиётимиз ва хавфсизлигимизни таъминлашимиз демакдир. Ҳа, кўрганларимиз, бошимиздан ўтказганларимиз бизга сабоқ бўлиши керак. Бугун баралла айта оламизки, биз эркин сайловлар ўтказишга қодирмиз ва ўтказяпмиз. Эркин сайлов – эркин фикрга эга бўлиш, демакдир. Мана, мавжуд бешта сиёсий партия ўз номзодларини кўрсатди. Сайловлар ҳуқуқий-демократик йўлдан бораётган Ўзбекистонда халқаро кузатувчилар нигоҳида барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган, халқаро андозаларга мос равишда ўтишига шубҳа йўқ.

Тадбирда шунингдек, номзодларнинг ҳуқуқлари, улар билан сайловолди учрашувлар ўтказилиши ҳамда тарғибот-ташвиқот масалалари ҳақида ҳам гапирилди. Тадбир меҳмонлари посбонларимиз томонидан берилган саволларга жавоб ҳам қайтаришди.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.**
**Адҳам РАҲМАТОВ суратга олган.**

## Ҳуқуқингни биласанми, сайловчи?

**Сайлов участкаларига қанчагача сайловчи кириши мумкин?**

**Оддий аскар Жавлон БОЙМАТОВ.**

Қонуннинг сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси ҳақидаги моддада ёзилишича, сайлов участкалари қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини қандайин сайлов комиссиялари амалга ошириши ҳақида маълумот берсангиз.**

**Оддий Аскар Алишер АБДУРАҲИМОВ.**

Қонуннинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш қуйидаги сайлов комисиялари томонидан амалга оширилади: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари.

**Сафар АЛИЕВ тайёрлади.**

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Кўргазмали машғулот

# МАШҚЛАРДА ОШМОҚДА МАҲОРАТ

Жанговар шайлик, вазиятнинг ҳар қандай шароитида тегишли тадбирларни қўллай олишга тайёр туриш ҳамда олдинги чизиқда ҳаракатланаётган бўлинмага ўз вақтида қурол-яроғ, техника ҳамда бошқа зарурий воситаларни бешикаст етказиб бера олишни таъминлаш, шунингдек, ушбу топшириқни уддалаётганда ҳам ўзига хос матонат ва жасорат намуналарини кўрсатиш учун посбондан чуқур тайёргарлик, соҳани билиш, бир сўз билан айтганда, профессионал маҳорат талаб қилинади. Бунга эришиш осон эмас, албатта. Қўйилаётган талабларга мукаммал даражада жавоб бера оладиган Қуролли Кучларни шакллантиришда жанговар ўқув машғулотлари ҳамда сифатли таълим-тарбиянинг ўрни муҳимдир. Шу боис посбонлар етакчилари тайёрланадиган олий ҳарбий билим юртлари ҳамда сержантлар тайёрлаш мактабларида бугун ҳарбий таълим такомиллаштирилиб, бўлажак сардорларга фанлар чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилмоқда.

Бўлажак командирларнинг ҳар тарафлама етук, ҳарб илмидан пухта тайёргарликка эга бўлишлари, маҳоратда, матонатда, билим ва салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмасликлари учун бугун мавжуд барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бунга ўз соҳасининг моҳир билимдони бўлган офицер ўқитувчилар жалб этилган. Миллий армиямиз сафларига малакали офицерлар тайёрлаб бераётган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларни бемалол ютуқли натижалар сирасидан, деб айтсак адашмаган бўламиз.

Яқинда билим юртига қарашли жанговар ўқув машғулотлари ўтказиш марказларидан бирида муҳандислик тайёргарлиги бўйича кўргазмали ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда посбонларда жанговар кўникмаларни шакллантиришда бу каби кўргазмали ўқув машғулотларининг ҳам ўрни каттадир. Келинг, эътиборингизга ушбу машғулотдан олинган лавҳани ҳавола этамиз.

Муҳандислар қўмондонликдан тегишли вазифа олди. Унга кўра, понтон кўприк орқали шахсий таркиб ва уларга тегишли бўлган жанговар техника, қурол-яроғ ҳамда моддий таъминот воситалари сув орқали нариги соҳилга ўтказилиши керак. Белгиланган нуқтадаги вазият ўрганиб чиқилиб, ҳар томонлама баҳоланди. Машғулот раҳбари – билим юрти муҳандислик кафедраси бошлиғи офицер Олимжон Боймуродов дастлаб ишторокчиларнинг техника хавфсизлиги қоидаларини билишини алоҳида синовдан ўтказаркан, барчага тегишли вазифаларни тақсимлаб, зарур йўл-йўриқлар берди. Шахсий таркиб вазифани ижро этишга тайёрлигини билдиргач, машғулот раҳбари байроқча воситасида вазифага киришилиши ҳақида команда берди. Посбонлар ишга киришиб кетишди. Сувда ҳам, қуруқликда ҳам бирдай ҳаракатлана оладиган жанговар кузатув машинаси вазиятни ўрганиш учун очиқ ҳавзага туширилди. Сув чуқур ҳамда бир оз лойқалиги боис қуйидаги вазиятни ғаввос ёрдамида аниқлаш зарур эди. Жанговар кузатув машинасида шай турган ғаввос машинадан чиқиб, дарров сувга сакради. У керакли воситалар билан тўлиқ жиҳозланган, сув остида йўналишни белгилаб олиши учун махсус компас ҳам либосига ўрнатилган. Ниҳоят, кузатув машинаси ҳамда ғаввос сувдан чиқиб, ҳаракатланиш мумкинлиги ҳақида сигнал берди. Машғулот раҳбарининг байроқча воситасида берган буйруғига мувофиқ оғир понтон кўприкни сувга туширишга киришилди. Бу ҳолат шартли душман снайперларига кўринмаслиги ва ҳаводан зарба тушмаслиги учун кимёвий тутун воситасида ниқобланиш амалга оширилди. Мазкур вазифани офицерлар Шокир Суяров ва Шуҳрат Шерматовлар маҳорат билан уддалашди.

Машинага ўрнатилган кўприк сувга туширилгач, уни тезда ёйиб, соҳилдаги жанговар машина ҳамда моддий таъминот воситаларини ортишга киришилди. Катер билан кўмакка етиб борган ёрдамчи гуруҳ кўприкнинг кўзда тутилган мақсадда тутиб турилишини таъминлади. Мана, тезкор ҳаракатлар билан зирҳли жанговар техника кўприкка мустаҳкам жойлаштирилди. Шунингдек, бошқа воситалар ҳам ортилгач, кўприкнинг икки ён томонига қўриқловчи десантчилар жойлашди. Кўприкда ҳаракатланаётган гуруҳ бошлиғи ёш иқтидорли офицер Фарҳод Нурматов командирнинг буйруғи билан олға ҳаракатланишга команда берди. Шахсий таркиб ва уларга тегишли жанговар техника ҳамда моддий таъминот воситалари ортилган кўприк катер ёрдамида белгиланган йўналиш бўйича нариги соҳилга олиб ўтила бошланди. Бунда ҳам кимёвий тутун воситасида ниқоблаб туришни таъминлаш керак. Мабодо шамолнинг йўналиши ўзгариб қолса, муаммо юз бериши мумкин. Шу боис ушбу вазифа турли томондан амалга оширилгани кўпроқ маъқул.

Кўприк нариги соҳил томон бораркан, кутилмаганда шартли душман артиллерия билан ҳужумга ўтди. Бироқ ниқобланиш пухта амалга оширилгани боис зарба ҳаракатланаётган кўприкка эмас, сувга тушди. Энди мазкур хавфни тезкорлик билан бартараф этиш керак. Десантчиларга кечувга буйруқ бўлди. Ён томондаги қўриқчи десантчилар дарҳол сувга сакраб, соҳил томон ҳаракатланишни бошлашди. Тегишли йўриқномага мувофиқ оёқ кийимлари боғичидан белга осилган ва елкасига юк халта осиб олган десантчиларнинг қуроллари гавдаларининг тепа қисмида. Бу ҳолат ҳам уларнинг сувда қулай ҳаракатланишини таъминлаш учундир. Мана, улар шиддаткор ҳаракатлар билан соҳилга чиқиб олдилар. Шартли душман артиллериясининг овози ўчди. Кўприк нариги соҳилга бешикаст етказилди. Кўргазмали ўқув машғулоти посбонларнинг юқори жанговар тайёргарликка эгалигини яна бир бор кўрсатди.

– Машғулотда билим ва малакамизни синовдан ўтказдик, – дейди офицер Боймуродов биз билан суҳбатда. – Ўғлонларимизнинг ғайрат-шижоати чакки эмас. Айниқса, маҳоратли офицерлар – Ботир Ҳусенов, Ҳасан Мавлонов, Қаҳрамон Ғафуров, сержант Одил Мўминов, кичик сержантлар – Зафар Мўминов, Зафар Қодиров, Илҳом Шодмонов, шартнома асосидаги посбонлар – Алишер Менглиқулов, Баҳодир Муродов, Жамшид Сафаров ҳамда курсантларимиз – Йигитали Ҳамидов, Темур Атажонов, Илёс Эргашев, Замир Яҳёев, Фозил Аҳроров, Расул Норқўзиев, Асрор Худойбердиев, Хуршид Жўраев ва Фарруҳ Остоновлар вазифани сифатли адо этиб, ўз касбининг билимдони эканини исботлашди.

Кўргазмали машғулотни бевосита кузатиб турган билим юрти раҳбарияти ҳам посбонларнинг маҳоратларидан қониқиш ҳосил қилганини билдириб, уларнинг билим ва малакаси талаб даражасида эканлигини эътироф этди.

**Яшин КОМИЛОВ.**
**Майор Денис СУВОРОВ суратга олган.**



Дисциплина – основа боеготовности

# ОТ ПОДЪЕМА ДО ОТБОЯ

**В условиях армии единый распорядок дня для всех частей и подразделений имеет особое значение. Оно определяется тем, что успех в современном бою может быть достигнут только дружными, согласованными по времени действиями воинов всех видов Вооруженных Сил и родов войск. Весь характер воинской службы предполагает прочное единство и единообразие несения службы и повседневной жизни в любом воинском гарнизоне. Это хорошо понимают в части, где служит капитан Б.Раббинов. Четкое, неукоснительное соблюдение распорядка дня в каждом подразделении создает условия для рационального использования учебного и свободного времени воинов, воспитания высокой исполнительности и, в конечном счете, обеспечивает высокую боевую готовность.**

– Строгое соблюдение распорядка дня, – говорит капитан Бектимир Раббинов, – вносит в службу и боевую учебу воинов четкость, слаженность, целеустремленность, сплачивает воинский коллектив, вырабатывает у военнослужащих необходимые привычки и навыки, закаляет их волю. Это особенно заметно в первые месяцы службы. От недавнего призывника требуются определенные волевые усилия, особенно в первые месяцы службы. Привыкая к выполнению распорядка дня, солдат тренирует волю, учится управлять собой, своим сознанием и поведением. Привыкая к строгому ритму армейской жизни, он начинает ценить время, доводить начатое дело до конца, беспрекословно выполнять приказы командиров и начальников.

При сравнении поведения рядовых Фархада Тошева, Нарзуллы Джураева и других солдат срочной службы сегодня и в первые месяцы службы видно, как воинский порядок, постоянное соблюдение распорядка дня накладывают отпечаток на характер воинов. Многократное выполнение правил внутреннего распорядка (подъем и выход на зарядку, бережное ношение одежды и обуви, соблюдение правил личной гигиены, несение службы внутреннего наряда) сделало их гораздо более восприимчивыми к обучению и воспитанию. Они исполнительны, подтянуты, точны, организованно ведут себя на занятиях по боевой подготовке, ответственно относятся к несению службы по охране важных объектов. У них сформировались прочные навыки и привычки поведения, развиваются внимательность, наблюдательность, быстрота ориентировки и реакции, умение владеть собой.

В докладе Президента Ислама Каримова на совместном заседании Олий Мажлиса, Кабинета Министров, Аппарата Президента Республики Узбекистан, посвященном 16-й годовщине независимости Узбекистана, сказано: «Принципиально изменило облик, суть, содержание и боевые возможности нашей армии сокращение срока призыва на военную службу до 1 года, изменение качественного состава, порядка комплектования, боевого оснащения войск, введение службы мобилизационного призывного резерва, практическое завершение перехода к контрактной службе».

Сегодня решающую роль в поддержании уставного порядка в подразделении и части играют младшие командиры-сержанты. Они организуют учебу и службу личного состава, заботятся об удовлетворении культурных запросов и бытовых нужд воинов, проверяют несение караульной и внутренней служб, выполнение расписания занятий и распорядка дня, пресекают неорганизованность и послабления в учебе и службе.

Младший сержант Надир Дустмухамедов, рядовой по контракту Ильес Кучкаров и другие военнослужащие-профессионалы заступают в наряд дежурными по подразделению наряду с офицерами по графику, утвержденному командиром подразделения, присутствуют на подъеме, утренней физической зарядке, в солдатской столовой, проводят вечернюю поверку. Сержанты всегда рядом с подчиненными, вместе с ними преодолевают трудности воинской службы. Поэтому они хорошо знают особенности характера каждого воина, его способности, настроения, нужды и имеют возможность постоянно влиять на них.

Огромную роль в подразделении играет личный пример командиров в выполнении распорядка дня. Ведь за ними следят десятки глаз, у них учатся, им подражают. В подразделении практически не бывает случаев нарушения офицерами и сержантами регламента работы. В любом случае их дисциплинированность и пунктуальность отражаются на решении командиров о премировании по итогам месяца и других видах поощрения. Это способствует выработке у младших командиров самостоятельности и инициативы, лидерских качеств, повышает их ответственность.

Особое внимание в подразделении уделяют выполнению всех предусмотренных распорядком дня действий при заступлении в караул и во внутренний наряд. Заместитель командира подразделения по материально-техническому обеспечению сержант Аскар Чориев тщательно проводит инструктаж заступающего в наряд личного состава, сопровождая его показом практических действий, обязательно проверяет знание и выполнение лицами наряда их обязанностей.

Сегодня, когда дежурными по подразделению заступают военнослужащие-профессионалы, значительно повысилась четкость выполнения распорядка дня от подъема до отбоя. В результате у военнослужащих выработались устойчивые привычки уставного поведения. Это не просто автоматическое выполнение определенных действий в определенное время, но и внутренняя потребность вести себя именно так везде и всюду. Кто обладает этой потребностью, тот, не задумываясь, выполняет те или другие правила поведения. Всякое отклонение от воинского порядка вызывает у таких воинов угрызения совести и искреннее недовольство собственным поведением.

В подразделении с гордостью говорят о том, что в этом году его представитель рядовой Пахлован Юнусов успешно поступил в Ташкентское ВОКУ. Значит, для него воинский образ жизни стал не просто привычкой на период срочной службы, а потребностью всей жизни.

– Важно, чтобы каждый военнослужащий уяснил, что имеет значение четкое выполнение каждого элемента распорядка дня, – делится своими наблюдениями капитан Б. Раббинов. – Ежедневное повторение одних и тех же действий способствует формированию так называемых динамических стереотипов, лежащих в основе прочных навыков и привычек. Однако их закрепление происходит только при наличии в подразделении и части устойчивого воинского порядка, всякие отступления, а тем более нарушения, тормозят этот процесс.

Строгое соблюдение распорядка дня не имеет ничего общего с пассивностью и безынициативностью. Привычка военнослужащего неукоснительно соблюдать установленный внутренний порядок, после соответствующих тренировок, способствует и его быстрому переходу в активное состояние по сигналу боевой тревоги. С полной отдачей сил, понимая значение своего труда для защиты независимого Узбекистана, в тесном взаимодействии с сослуживцами приступает он к выполнению боевой задачи, что имеет огромное значение для обеспечения высокой боевой готовности части и достижения победы в реальном бою.

**Владимир КАЛОШИН.**

# ЖАМОА ФАХРИ



**Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Бауржон Жуманов ҳарбий жамоанинг энг илғор посбонларидан бири ҳисобланади. У хизмат қилаётган жамоа жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича етакчилик қилмоқда.**

– Бизнинг ҳарбий жамоада кўплаб садоқатли, ўз касбининг билимдони бўлган маҳоратли посбонлар хизмат қилишади, — дейди кичик командир Бауржон Жуманов. – Шу сабабли қатор жамоалараро турли мусобақаларда биз ҳамиша биринчиликни эгаллаб келамиз. Бунинг сабабларидан бири аҳилликда бўлса керак деб ўйлайман. Яна бир яхши жиҳати шундаки, посбонлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Посбонларнинг жисмоний чиниқишлари учун спорт шаҳарчаси, спорт зали, тренажерлар фаолият кўрсатмоқда. Бу жойлар ҳамиша гавжум. Яна бир гавжум жой бу – кутубхона. Бу ерда жанговар касбимизга доир турли илмий нашрлар билан бирга қизиқарли бадиий адабиётлар мавжуд. Сўнгги пайтларда қироатхонамизга эътибор янада кучайган. Буларнинг барчаси бирга қўшилиб биз посбонларнинг аъло хизматимизга замин яратади.

Бауржоннинг шартнома бўйича хизмат қилаётганига айтарли кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қисқа давр ичида шарафли касбни бежизга танламаганини барчага намойиш этди. Билимдон, ғайратли, вазифасини сидқидилдан бажараётган посбон жамоада ўз ўрнига эга бўлди.

У жамоанинг энг яхши спортчиси ҳисобланади. Айнан шу жиҳат ҳам уни жамоа фахрига айлантирган бўлса ажаб эмас. Болалигида Чирчиқ шаҳридаги махсус спорт мактабида тренер Виктор Галкиндан қўл жанги сирларини ўрганган. Республика миқёсида ўтказилган бир қатор турнирларда фаол иштирок этган. Бауржон Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган ҳарбийлар спорт мусобақасида муваффақиятли қатнашиб, фахрли учинчи ўринга сазовор бўлган.

Кичик командирнинг мутахассислиги сапёр. Бу иш инсондан чуқур билим, заковат талаб қилишини кўпчилик яхши билади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмайдиган, аниқ ҳаракатлар қила оладиган посбон йигит ўз касби сирларини пухта эгаллаган. Шу сабабли унинг ишида шу пайтгача бирор нуқсон топилмаган. Машғулотларнинг ойлик якунлари бўйича энг яхши кўрсаткичлар ҳам ҳар сафар айнан Бауржон Жумановга тегишли бўлади. У сафдошлари шартнома бўйича хизмат кичик сержантлар Мирзоҳид Мирзатиллаев, Баҳодир Турдиевлар билан ўзаро мусобақадош. Йигитларнинг ҳар иккиси ҳам жанговар тайёргарлик аълочилари ҳисобланишади.

Посбон йигит ҳақида командирлари офицерлар Жаҳонгир Қодиров, Орзу Қосимовлар ҳам илиқ фикрлар билдирдилар. Улар берган баҳога кўра армиямизнинг суянчи ва таянчи деган юксак эътироф Бауржон каби фидойилар хизматининг самарасидир. Кичик командирлар бу юксак эътирофни намунали хизматлари билан ҳамиша оқлайдилар.

**Инобат НОДИРШОҲОВА.**

Илғор мутахассис

# УСТОЗЛАРДАН ИБРАТ ОЛИБ

Қуролли Кучларимиз сафларида ўз йигитлик бурчини муносиб ўтаб, командирларининг олқишига сазовор бўлаётган посбонлар талайгина. Катта ҳаво радисти, катта оператор шартнома бўйича хизмат сержанти Шуҳратжон Алимов шулар жумласидандир.

Мана бир неча йилдирки у илғор учувчилар қисми жамоаси орасида кўзга кўринган тиришқоқ, аълочи ҳарбий хизматчи сифатида ҳурмат-эътибор қозониб келмоқда. Соҳа сир-синоатларини мукаммал эгаллагани учун Шуҳратжон ҳар қандай ўқув-жанговар вазифаларни бажаришга доир қийинчиликларни осонгина бартараф этади. Ўз билганларини сафдошлари билан ўртоқлашади, ҳеч кимдан сира ёрдамини аямайди. Жуда саховатпеша йигит.

– Ҳарбий транспорт самолётларида алоқачи сифатида фаолият юритиш учун тегишли билим, ўзига хос юксак малакага эга бўлиш шарт, – дейди шартнома бўйича хизмат сержанти Шуҳратжон Алимов. – Ахир само қўйнида маълум вазифани бажариш чоғида сенинг вазифангни кимдир бажариши ёки сенга кўмаклашиши амри маҳол. Шундай экан устоз-мураббийларимиз берган касбий билим ва маҳоратимизни мунтазам ошириб боришга одатланганмиз.

Синов машғулотларидан муваффақиятли ўтган илғор мутахассис янада улкан марраларни забт этишга, сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олиб, ўз касбий малакасини янада оширишга чоғланган. Биз бу йўлда унга омад тилаймиз.

**Майор Жавоҳир СОБИТОВ.**

ASKAR BO‘LAR YIGITNING MARDI

Texnika bilan tillashib

# SHAYLIK – MUVAFFAQIYATNING ASOSIDIR



**Posbonning muvaffaqiyatga erishishida uning sohani mukammal bilishi va tayyorgarligi bilan bir qatorda qurol-yarog‘ hamda jangovar texnikalarning ham ahamiyati beqiyosdir. Chunki qurol-yarog‘ posbonga qanot bo‘lsa, jangovar texnika uning mingan arg‘umog‘i sanaladi. Ushbu vositalardan mahorat bilan foydalanish hamda ta’mirlash sirlarini bilish harbiy xizmatchining chinakam professional tayyorgarlikka egaligini belgilaydi.**

Ma’lumki, har doim yaxshi qaralgan va o‘z vaqtida ta’mirlab, ko‘z qorachig‘iday asrab-avaylangan texnika hamda qurol-yarog‘ zarur paytda aslo pand bermaydi. Posbon bulardan mohirona foydalanish bilan bir qatorda texnika va qurol-aslahani saqlash va ta’mirlashni ham uddalay olishi tufayli jangovar shaylikni oshirishga hamda tejamkorlikka, eng muhimi, sarhadlarimiz daxlsizligi va osoyishtaligimizni mustahkamroq kafolatlashga, boyliklarimizni asrashga o‘z hissasini qo‘shgan bo‘ladi. Bugungi kunda Qurolli Kuchlarimiz yangi zamonaviy texnika va qurol-aslahalar bilan ta’minlanyapti. Qimmatbaho qurol hamda jangovar texnikalar yurt himoyachilariga ishonib topshirilmoqda. Ularni asrab-avaylab, o‘z vaqtida butlab, ta’mirlab, hamisha jangovar shay holatda tutish muvaffaqiyatlarga etaklashiga shubha yo‘q, albatta. Bu o‘rinda ta’mirlash xizmati fidoyilarining mehnatlariga alohida e’tibor qaratmasdan bo‘lmaydi.

Ofitser Suyumboy O‘rinboy o‘g‘li yetakchilik qilayotgan ta’mirlash vzvodida ham o‘z kasbining jonkuyari bo‘lgan posbonlar xizmat qiladi. Etiborli tomoni, soha sirlarini o‘rganib, mas’uliyatli vazifani uddalab kelayotgan o‘g‘lonlarning asosiy qismini muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan askarlar tashkil etadi.

– Mana, muddatli xizmat ham oxirlab qoldi, – deydi hademay rezervga bo‘shatilish arafasida turgan Surxondaryo viloyatining Sherobod tumanidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilgan oddiy askar Asror Safarov. – Bugun to‘la ishonch bilan ayta olamanki, armiya men uchun juda katta maktab bo‘ldi. Hayotiy va jangovar bilimlar oldim. Vatan, ota-ona va do‘st-yaqinlarimga mehrim oshdi. Sog‘inch va sadoqat nima ekanini bildim. Eng muhimi, yurt koriga yaroqli topilganim va mas’uliyatli vazifani uddalab kelganim, buning natijasida havfsizligimizni ta’minlashdek sharafli ishga mening ham kichik bir ulushim qo‘shilgani qalbimga cheksiz iftihor bag‘ishlaydi.

Darhaqiqat, Asror yuqorida aytilganidek, harbu zarb ilmi sirlarini egallash bilan birga jangovar texnikalarni ta’mirlashga ko‘maklashdi. Bunda unga o‘z ishining mohir bilimdoni bo‘lgan ofitser va kichik komandirlar hamda Qurolli Kuchlar xizmatchilari yaqindan yordam berib, soha sirlarini egallashida yo‘l-yo‘riq ko‘rsatdi. Ana shunday etakchilardan biri shartnoma bo‘yicha xizmat kichik serjanti haydovchi–o‘rgatuvchi Norbek Normurodovdir.

– Avvalo, jangovar texnikaning har tomonlama sozligi muhim, – deydi kichik serjant. – Shu bois texnikalarni sifatli butlashga alohida ahamiyat qaratamiz. Bunda sharafli sohani kasb deb bilgan ofitser, serjant va Qurolli Kuchlar xizmatchilari bilan bir qatorda ularga biriktirilgan muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan askarlarning ham mehnatlari salmoqli o‘rin tutadi. E’tiborli tomoni, askarlar xizmati davomida bu sohada bilim va malaka to‘plab borishadi va texnika ilmini o‘rganishadi. Egallaganlari kelajakda o‘zlariga qo‘l kelishini o‘ylasak, o‘g‘lonlarimiz armiyadan hayotiy bilimlar orttirganiga amin bo‘lamiz. Oddiy askarlar Zayniddin Nurimov, Bekzod O‘rishyevlarni ana shunday texnika bilimdonlaridan sanash mumkin.

– Armiyada xizmat qilib, sohaga mehrim ortdi, – deydi oddiy askar Bekzod O‘rishyev. – Kelajakda harbiy xizmatchi bo‘lishga ahd qildim. Xizmatga kelib o‘rganganlarim esa hayotda ham, xizmatda ham mudom asqotishiga shubham yo‘q.

Yuqoridagi lavha qaynoq harbiy hayotning ma’lum yo‘nalishidan bir shingil, xolos. Undagi boshqa qator yo‘nalish va vazifalardagi posbonlar ham o‘z sohalari doirasida ma’lum ko‘nikma hamda tajribaga ega bo‘lishlarini eslasak, armiya – hayot maktabi, degan iboraning naqadar o‘rinli qo‘llanganiga yana bir bor amin bo‘lamiz.

**Katta leytenant Shohrux JUMAEV.**
**Adham RAHMATOV suratga olgan.**

Kelajakka intilib

# MAQSADLARI MUSHTARAK

**Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan islohotlar sabab, bugun harbiy xizmatning nufuzi oshib, havas qilsa arziydigan sohaga aylandi. Shuningdek, yurt o‘g‘lonlari armiya saflarida xizmat qilib harbiy bilimlarni va o‘zlari uchun kerak bo‘lgan hayotiy bilimlarni ham o‘zlashtirayotgani, posbonlik davrida egallagan malaka va ko‘nikmalari ertaga katta hayotda ham qo‘l kelishi, bundan tashqari ular uchun belgilangan imtiyozlar, xizmat tufayli qo‘lga kiritish mumkin bo‘lgan imkoniyatlar er yigitning shakllanishida muhim voqea bo‘layotgani bugun barchaga ma’lum. Shu bois armiyada xizmat qilish kelajak sari ulkan orzular bilan olg‘a intilayotgan o‘g‘lonning maqsadlariga g‘oyat mushtarakdir, deb bemalol ayta olamiz.**



Ayni kunlarda kuchli, shijoatli, bilimdon va etuk o‘g‘lonlar muddatli harbiy xizmatga saralanib, hayot maktabi ostonasidan hatlamoqda. Bir yil davomida yurtni qo‘riqlab, jismonan, ma’nan va jangovarlik jihatidan chuqur saboqlar olgan hamda zimmalaridagi sharafli vazifani ado etganlar esa rezervga bo‘shatilyapti. Ularni katta hayotda ulkan ishlar kutmoqda. O‘qishni istaganlarga bilim yurtlari eshiklari ochiq, ishlayman deganlarga kvotalangan ish o‘rinlari tayyorlab qo‘yilgan. Hunar o‘rganishni xohlaydimi, marhamat. Xullas, davlatimiz rahbariyatining chuqur g‘amxo‘rliklari tufayli yurt koriga kamarbasta bo‘lgan mardu maydonlar barcha imkoniyatlardan bemalol foydalanishadi. Axir ular bunday e’zozga munosib-da. Chunki Vatan osoyishtaligini asrashdan ham nufuzliroq ish bor ekanmi! Qolaversa, bildirilgan ishonchni sharaf bilan oqlab, uylariga yorug‘ yuz bilan qaytayotgan shunqorlar endi kechagi yosh bola emas. Ularga yana bemalol mas’uliyatli vazifalarni ishonib topshirish mumkin. O‘z konstitutsiyaviy burchini ado etish tufayli Vatanga sadoqat, yurtdoshlariga nisbatan mehr-muhabbat tuyg‘ularini chuqur anglab etgan norlarimiz armiyadan ulg‘ayib, chinakam barkamol, yetuk insonlar bo‘lib qaytishmoqda. Muddatli harbiy xizmatni yakunlash arafasida turgan mardlar bilan suhbatlashsangiz, bunga yana bir bor ishonch hosil qilasiz.

**Muddatli xizmat oddiy askari Rasul JUMANIYOZOV:**

– Men Horazm viloyatining Gurlan tumanidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilganman, – deydi u. – Yana sanoqli kunlardan so‘ng qadrdonlarim bag‘riga qaytish arafasida turibman. Armiyaga kelgunimga qadar kasb-hunar kollejida hisobchilik mutaxassisligi bo‘yicha saboq olgandim. Qaytib borgach, iqtisodiyot yo‘nalishida institutda tahsil olish va yurtimiz taraqqiyoti yo‘lida xizmat qilish, niyatim. Bir yil davomida chinakam erlar kasbidan ta’lim-tarbiya oldim. Nafaqat jismonan va jangovar tomondan, balki hayotiy jihatdan ham shakllandim. Armiya menga ko‘p bilim berdi. Eng quvonarlisi, xizmat burchini a’lo darajada o‘taganlarga qo‘mondonlik tomonidan beriladigan tavsiyanomaga nomzodlar safida mening ham borligimdir.


**Muddatli xizmat oddiy askari Jamshid MAKSIMQULOV:**

– Men Surxondaryo viloyatining Jarqo‘rg‘on tumanidanman, – deydi askar. – Xizmatga qadar sportning karate-do-shatakan yo‘nalishi bilan shug‘ullanardim. Bu erda ham muntazam shug‘ullanishim uchun barcha shart-sharoitlar etarli bo‘ldi. Komandirlarimizdan soha sirlarini chuqur o‘rgandik. Mas’uliyat hissini anglash va mustaqil fikrga ega bo‘lish, eng muhimi, maqsad sari qat’iy, sabot bilan intilish kabilarni menga armiya xizmati o‘rgatdi, desam noto‘g‘ri bo‘lmaydi. Yana ham quvonarlisi, tavsiyanomaga nomzodlar safida men ham borman. Tavsiyanomani qo‘lga kiritib, neft va gaz sohasida bilim olmoqchiman. Ezgu niyatim – biz, yoshlarga bildirilayotgan ishonch va ko‘rsatilayotgan g‘amxo‘rliklarga fidoyi xizmatlarim bilan javob qaytarishdir.

Albatta, ertamiz davomchilari bo‘lgan yosh avlodga har taraflama munosib shart-sharoit yaratib berish va ularning barkamol bo‘lib voyaga etishlarini ta’minlash o‘z kelajagimizni o‘ylab qilayotgan ezgu sa’y-harakatlarimizdandir. Ular uchun belgilangan imtiyozlar hamda imkoniyatlar eshigining keng ochib berilishi yoshlarni yanayam g‘ayrat-shijoatga, izlanish va intilishlarga undashiga shubha yo‘q. Yaqinda Qurolli Kuchlarimiz Oliy Bosh qo‘mondoni, mamlakatimiz Prezidentining Farmoniga binoan joriy yi‘lning 1 oktyabridan boshlab muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan xizmatchilarning lavozim maoshlari 1,15 baravar oshirilgani ham ana shunday g‘amxo‘rlikning yana bir ifodasi sanaladi. Ushbu e’tibor ham o‘g‘lonlarni ruhlantirishi tayin.

**Sardor KOMILOV.**
**Adham RAHMATOV suratga olgan.**

# SAFLARDA TOBLANAR ASL O‘G‘LONLAR



Bugun egniga askarlik libosini kiyib milliy armiyamiz saflarida xizmat qilishni istamagan yigitning o‘zi bo‘lmasa, kerak. Chunki Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan izchil islohotlarning samarasi o‘laroq, askar sifatida yurt osoyishtaligi yo‘lida xizmat qilish yoshlarimiz uchun tom ma’noda g‘urur va faxrga aylanib ulgurgani ayni haqiqat.

Mamlakatimiz Prezidenti Islom Karimovning “Milliy armiyamiz – mustaqilligimizning, xalqimiz tinchligi va osoyishtaligining mustaxkam kafolatidir” asarida shunday deyiladi: «...Vatan va xalq o‘z xavfsizligini ishonib topshirgan mard o‘g‘lonlarimizning ma’naviy ma’rifiy tarbiyasiga alohida e’tibor qaratish eng dolzarb vazifamizga aylinishi darkor. Toki ular mana shu keng dalalar, qadrdon qir-adirlar, musaffo osmon, shu go‘zal hayotni o‘zi va oilasi, kelajak avlodlar uchun ham beg‘ubor va boqiy saqlashga mas’ul ekanini teran his eta olsin».

Olib borilayotgan keng ko‘lamli islohotlarning natijasida ayni paytda armiyamiz safida yigitlik burchini o‘tab, hayot maktabida toblangan o‘g‘lonlar o‘z o‘rnida yurt ishonchini oqlay oladigan, mas’uliyatni teran anglovchi, muhimi, mamlakatimiz ertasi uchun jonkuyar insonlar sifatida kamol topmoqda. Mas’uliyatli vazifalarni birinchi navbatda armiya xizmatidan qaytgan yigitlarga ishonib topshirish, ularni ish bilan ta’minlash, oliy o‘quv yurtlariga imtiyozli ravishda qabul qilish kabilar bugungi kunda ularning Vatan oldidagi xizmatlari uchun ko‘rsatilayotgan g‘amxo‘rliklar ifodasidir. Ha, harbiy xizmatning nufuzi salmoqli darajada o‘sdi. Ayni damda yurtimizda istiqomat qilayotgan har bir oila boshliqlari o‘z farzandini milliy armiyamiz saflarida ko‘rishdan baxtiyor ekani ham haqiqatdir.

Navoiylik oddiy askar Azim Berdiyev ham ko‘pchilik tengqurlari singari yoshligidan askar bo‘lib, o‘z tug‘ilib o‘sgan zamini osoyishtaligi yo‘lida xizmat qilishni ezgu maqsad deb bildi. Va bu yo‘lda maktabda o‘qib yurgan kezlaridan boshlab tayyorgarlik ko‘rib bordi.

–Vatanini himoya qilish har bir yigitning muqaddas burchidir,–deydi posbon Berdiyev.–Shu bois yurt sarhadlarini qo‘riqlashdan sharafliroq ish bo‘lmasa kerak, deb o‘ylayman. Qalbida vatanparvarlik tuyg‘usi bo‘lgan har bir er yigit, bu sharafli ishga oshiqadi.

Tegishli ko‘rik-tanlov hamda sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tib askarlikka munosib topilgan Azim harbiy xizmatning dastlabki kunlaridanoq mas’uliyatni his qilib, harb ilmini puxta o‘zlashtirishga kirishib ketdi. Bu yo‘lda unga komandirlari ofitserlar Nodir Kenjayev va Qobil Egamovlar yaqindan yordam berishdi. Har bir mashg‘ulotlarda mahoratini sayqallab borgan yigit jamoasining peshqadamligini ta’minlash maqsadida astoydil harakat qildi. Qarangki, natijalar yomon bo‘lmadi. Sinov mashg‘ulotlaridan birida ilg‘orlikni qo‘lga kiritgan o‘g‘longa munosib xizmatlari e’tiborga olinib Mudofaa vazirligi tomonidan «Jangovar tayyorgarlik a’lochisi» ko‘krak nishoni topshirildi. Bunday yuksak e’tibordan g‘ururlangan posbon kasb mahoratini oshirish yo‘lida yanayam olg‘a intildi. Mavsum davomida ijtimoiy-siyosiy, jismoniy va jangovar-taktik tayyorgarliklar bo‘yicha o‘z bilimlarini oshirib borib, yakuniy sinov mashg‘ulotlarini muvaffaqiyatli topshirdi va safdoshlariga o‘rnak bo‘ldi.

Harbiy qismda tavsiyanomaga talabgorlardan biri sifatida e’tirof etilayotgan Azim sportda erishgan yutuqlari bilan ham ibratga ega. Boks bilan muntazam shug‘ullanib kelayotgan shunqor harbiy qismda tashkillashtirilayotgan sport musobaqalarida hamisha yuqori o‘rinlarni band etib kelmoqda. Kelajakda oliy o‘quv yurtiga kirib, malakali mutaxassis sifatida yurtimiz taraqqiyotiga o‘z ulushini qo‘shishni istagan oddiy askar Azim Berdiyev hozirdanoq bunga harakat qilayapti.

**Komiljon HASANOV,**
**«Vatanparvar» muxbiri.**
**Komoliddin TO‘RAYEV**
**suratga olgan.**

Sarkardalar sabog‘i

# SIPOHNING YAROQ-JABDUQLARI VA ANJOM-JIHOZLARI TUZUGI

Shunday buyruq berdimki, yurish vaqtida oddiy askarlardan har o‘n sakkiz kishi o‘zi bilan birga bir chodir (xayma) olsin, har bir askar ikki ot, bir kamon, bir sadoq o‘qdon (tarkash), bir qilich, arra, bigiz, bir qop (juvol), juvoldo‘z, bolta, o‘nta igna va orqaga osiladigan charm xalta (charm po‘sht) olsin.

Bahodirlardan har besh kishi bir chodir olsin. Har biri bitta oddiy temir sovut (javshan) dubulg‘a (xo‘di), bir qilich, sadoq – o‘qdon, kamon va beshta ot olsin.

O‘nboshilardan har biri o‘zi bilan birga bir chodir, zirih, qilich, sadoq – o‘qdon, kamon va beshta ot olsin.

Yuzboshilardan har biri bir chodir, o‘nta ot, qurol-aslahadan – qilich, sadoq – o‘qdon, kamon, gurzi, cho‘qmor, koskan, zirih, bagtar olsin.

Mingboshilardan har biri o‘zi bilan birga bitta chodir, bir soyabon, qurol-aslahadan – javshan, dubulg‘a, nayza, qilich, sadoq–o‘qdon va o‘q-yoydan ko‘targanicha olsin.

Birinchi amir bir chodir, bir o‘tov, bir juft soyabon, qurol-aslahadan shu miqdorda olsinlarki, qo‘l ostidagilarga ham bergudek bo‘lsin. Shunga o‘xshash ikkinchi, uchinchi, to‘rtinchi amirdan tortib to amir ul-umarogacha; har qaysilari, o‘z martabalariga yarasha chodirdan, o‘tovdan, otlardan boshlab, to boshqa harbiy anjomlargacha saranjom-sarishta qilib qo‘ysinlar. Birinchi amir bir yuz o‘n ot, ikkinchi amir bir yuz o‘girma, uchinchi amin bir yuz o‘ttiz, to‘rtinchi amir bir yuz qirq ot, amir ul-umaroga etguncha tartib shunday bo‘lsin. U esa o‘zi bilan birga uch yuzdan kam ot olmasin.

Piyodalar bo‘lsa har biri o‘zi bilan birga bir qilich, bir kamon va ko‘targanlaricha o‘q-yoydan olsinlar. Biroq jang paytida tuzuklarda ko‘rsatilganidan kam bo‘lmasin.

**«Temur tuzuklari»dan.**

Harbiy texnika yangiliklari

# OPTIK-ELEKTRON MODULGA EGA





Yaqin masofalardagi nishonlarga qarshi ishlatiluvchi “Roland-3” rusumli zenit raketa kompleksi bundesver (Germaniya) armiyasi qurollari tarkibidan o‘rin olgan. “Evromissayl” konsortsiumi mutaxassislari tomonidan yaratilgan mazkur harbiy texnika mobil va statsionar ob’ektlarni samolyotlar hamda vertolyotlar zarbasidan himoya qilish uchun mo‘ljallangan. Ushbu jangovar mashina tarkibiga nishonlarni aniqlash stansiyasi, radiolokatsiya tizimi, raketalarni nishonga to‘g‘rilash stansiyasi, start berish jihozi va ikkita magazini bo‘lgan ishga tushirish qurilmasi, transport konteynerlariga joylashtirilgan boshqariluvchi zenit raketalari, elektron hisoblash mashinasi, yuqori o‘tuvchanlik (turli yo‘llardan) qobiliyatiga ega bo‘lgan MAN avtomobili yoki “Puma” bronetransportyori shassisiga o‘rnatiladigan mo‘ljalga to‘g‘irlash apparaturasi kiradi. Kompleks yuqori himoyalanish va jangovar ishlar avtomatikasi tizimi, optik-elektron modul va boshqariluvchi zenit raketalari bo‘lgan yangi nishonlarni aniqlash stansiyasi bilan jihozlangan. “Rodeo-3” rusumli radiolokatsiya tizimi havo nishonlarini topish va aniqlash, shuningdek, ularning koordinatalarini aniq belgilash imkonini beradi. Zarurat bo‘lganda operator nishonlarni optik-elektron moduldan foydalangan holda aniqlashi ham mumkin. Qattiq yoqilg‘i bilan ishlaydigan “Roland-3” boshqariluvchi zenit raketasi normal aerodinamik shema bo‘yicha ishlangan va yuqori -sekundiga 650 metrgacha bo‘lgan oshish tezligiga ega. Uni jangovar holatga keltirish uchun 3 daqiqa kifoya. Birinchi raketani ishga tushirishga tayyorgarlik uchun 6 soniya, keyingilari uchun esa 2 dan 6 soniyagacha vaqt ketadi. Ishga tushirish qurilmasini qayta o‘qlash revolver tipidagi barabanlardan avtomatik tarzda 6 daqiqa ichida amalga oshiriladi.

Kompleksning asosiy texnik-taktik tavsiflari: nishonlarni yo‘q qilish uzoqligi va balandligi mos ravishda 0,5-8 va 0,01-6 km., kurs parametri 5 km., nishonni bitta boshqariluvchi zenit raketasi bilan yo‘q qilish ehtimoli 0,5-0,6, nishonlarning maksimal tezligi sekundiga 550 metr.

**(«Zarubejnoe voennoe obozrenie» jurnali asosida tayyorlangan).**

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

# МЕҲР НУРИ ТАҚДИМ ЭТИБ



Меҳру оқибатли бўлиш миллатимизга хос улуғ фазилатлардан бири. Айниқса юртимизнинг байрам ва ҳайитларида бундай эзгу амаллар яққол кўзга ташланади. Андижон вилояти мудофаа ишлари бошқармасида амалга оширилган тадбир ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу йиғинга хизмат чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари таклиф этилди. Бу эзгу ҳаракатдан мақсад элимиз учун муқаддас саналган ҳайит байрами муносабати билан уларни йўқлаш – меҳру оқибат улашиш, улар доимо давлатимиз эътиборида эканликларини, тинчлигимиз, мустақиллигимиз барқарорлиги учун умрини нисор этган жасур ўғлонларимиз хотираси асло унутилмаслигини эслатиб, қалбларига таянч бўлишдир.

Бу ўзига хос байрам тадбирида дастлаб сўз олган Андижон вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Рафук Қодиров йиғилганларни байрам билан қутлаган ҳолда ёвқур йигитларимизнинг ўчмас хотирасига қисқача таъриф бериб ўтди. Шунингдек, уларнинг оила аъзолари ва яқинлари доимо эл назарида, мамлакатимиз раҳбариятининг ғамхўрлиги остида эканликларини таъкидлади.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойнисо Нодирова эса ўз сўзида давлатимиз томонидан ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига яратилган имтиёзлар хусусида тўхтатиб ўтди. Айниқса, юртимиздаги ҳар бир байрам – қутлуғ кунлар олдидан уларни йўқлаш анъана тусига кирганлигини таъкидлаб, ташриф буюрганларга Мудофаа вазирлиги ва вилоят мудофаа ишлари бошқармаси томонидан тайёрланган совғаларни тақдим этди.

Йиғин давомида сўз олган Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси вакили Муқаддасхон Абдуллаеванинг дилдан айтган сўзлари ҳам тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдиргани аниқ. Чунки ҳар бир маърузачи дил изҳорида халқимиз меҳрини, хукуматимиз ғамхўрлигини уларга етказа олди.

Совғалар тарқатилгандан сўнг, Ойнисо Нодирова етакчилигида таклиф этилганлар билан эркин мулоқот давом этди. Яъни уларнинг ҳаётидаги ечимини кутаётган турли хил муаммоларга эътибор қаратилди. Вилоят ҳокими, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ва Мудофаа вазирлиги вакиллари томонидан уларнинг ҳар бир саволларига ўринли жавоблар берилиб, муаммолари ҳал этилишига имконият яратилди, десак арзийди.

Байрам тадбирига таклиф этилган ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари ва фарзандларига эътибор бераман. Барчаларининг нигоҳида кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдорлик изҳорини англаш қийин эмас.

– Мен фарзандимнинг танлаган касби, ҳаёт йўлидан фахрланаман, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Паҳлавон Абдуллаевнинг отаси Сайдулла ака Сулаймонов. – Инсон юз йил яшаши мумкин. Лекин номи эзгулик йўлида барҳаёт қолиши осон эмас. Менинг ўғлимга шундай шарафли умр насиб этган экан, бунга фақат шукроналик келтиришим лозим. Ортида қолган уч фарзанди унинг умр йўлини муносиб давом эттиради, албатта. Ҳозирда оиласи давлатимиз томонидан уй-жой билан таъминланган, яшаш шароити кўнгилдагидек. Улар билан тез-тез боғланиб туришимиз учун бир оғиз илтимосим билан бизнинг хонадонга ҳам телефон тушириб беришди. Бундай эътибор учун Мудофаа вазирлиги раҳбариятидан беҳад миннатдорман.

– Ҳаётда оила етакчилари бўлмиш оталарнинг ҳаёти фарзандларга ўрнак бўлмоғи лозим – дейди офицер Абдусаттор Ғофуровнинг рафиқаси Хосиятхон Ғофурова.– Ўғил қизларим даларининг хотирасини жуда эъзозлашади, унга муносиб бўлишга ҳаракат қилишади. Оиламизга кўрсатилаётган ғамхўрликлар эса умр йўлдошимнинг хотирасига нисбатан катта ҳурмат белгиси. Ҳарбий хизматнинг қай даражада шарафли касб эканлигини мен янада чуқур ҳис қилиб бораяпман.

Турли хил оилалар, турлича дил изҳорлари. Лекин барчасининг мазмун-моҳияти бир хил. Яъни давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътиборга нисбатан эътироф. Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила-аъзолари учун уюштирилган ушбу тадбир ҳам уларга насбатан яна бир ғамхўрлик – қалбларига таянч, оилаларига меҳр нурини тақдим этди, десак асло хато бўлмайди.

**Зулфия НОСИРОВА.**

Заметки публициста

# СПЛОЧЕННОСТЬ СЕМЬИ – ФАКТОР ПОБУЖДАЮЩИЙ

Сегодняшний наш разговор имеет особую, можно сказать, интимную тему – о любви, браке и семье военнослужащего.

О любви сказано бесчисленное множество прекрасных слов, написаны тысячи и тысячи поэтических сборников, научных трактатов, статей, книг и брошюр. Но от этого тема любви не стала более прозрачной. Она по-прежнему остается неисчерпаемой для человеческого, особенно художественного, познания.

В деле любви трудно давать советы, рекомендации, наставления, потому что здесь главную роль играют индивидуальные особенности людей. Любовь активизирует, облагораживает человека и оказывает положительное влияние на его трудовую и общественную деятельность.

Говорят: «Весна – пора любви, осень – пора свадеб». А еще, мы с вами это точно знаем, осень – пора лейтенантов. Не стала исключением и нынешняя осень – пора свадеб, заключения брачных союзов двух красивых молодых людей – лейтенанта и его избранницы. Не будем отрицать,*многие девушки с нетерпением ждут так называемую свою осень и буквально охотятся за военнослужащими. И что греха таить, некоторые из них кроме красивой внешности, блестящей парадной формы и надежной материальной обеспеченности в будущем ничего не видят и не представляют всех сложностей офицерской жизни.

И нередко случается так, что романтика добрачной любви оказывается беззащитной перед натиском наступившего после свадьбы быта, особенно если он, что нередко случается, плохо организован. Встретив такой натиск, женщина теряется, опускает руки, перестает следить за своей внешностью, забывает о своем духовном развитии, появляются пересуды, недовольство судьбой и невнимание к мужу. Кто-то может сказать, что это мелочи жизни, стерпится – слюбится. Мелочи. Но не надо забывать, что маленький подземный родник может так же легко разрушить здание, как и стремительный бурный поток. Для семейного счастья очень важно в любых условиях бережно сохранять все светлое, чистое, хорошее.

Может быть и другая проблема. Молодой лейтенант, который уже обзавелся семьей и служит в столичном гарнизоне, вдруг получает назначение (на то она и военная служба) в другой, отдаленный гарнизон. Жена заявляет решительно: «Не поеду». Может еще добавить: «Не хочу свою жизнь коротать в песках». Проблема? И не простая, одним махом ее не разрешить. Бывают ситуации и посложнее. Получив назначение в другой гарнизон, офицер оставляет жену в этом городе. И в силу недостаточно крепких моральных устоев через какое-то время на новом месте службы заводит новую семью. Ситуация может быть и обратной. Опять проблема, опять раздоры и опять развод. Я специально придумал эти, можно сказать, крайне острые семейные ситуации. Потому что жизнь полна и более сложных коллизий, а мы должны учиться у жизни. Она для нас – самый главный учитель.

Мы прекрасно знаем, что в любви участвуют двое и появляется третий. Во всех этих и подобных им ситуациях полбеды, когда этот третий еще не появился. Но уж совсем беда, если в такой семье есть ребенок. В случае раздора, развода он может «потерять» отца или мать, это уже трагедия из ряда вон выходящая. Кто-то может сказать: «Ну, кто ж тут виноват, ведь лейтенант сам выбирает себе спутницу жизни». Да, сам. Но вспомните, как сказал поэт: «И только тех мы женщин выбираем, которые нас выбрали уже». И лейтенант должен был, как шахматист, просчитать на много ходов вперед, потому что он выбирает спутницу всей своей жизни и службы. Не зря жен офицеров называют боевыми подругами. В слове «боевая» заключен глубокий политический смысл. Жена офицера должна прежде всего осознавать священность воинского долга мужа. И часть забот мужа принять на себя. Она должна осознавать и трудности армейской жизни. Быть женой офицера – это не должность, а призвание. Она должна ощущать себя частичкой самой благородной и самой ответственной должности – Родину защищать.

А как же любовь, скажете вы. Любовь как любовь. Но в этой любви необходимым условием семейного счастья должна быть общность интересов мужчины и женщины. Общность интересов прежде всего в том, что они оба патриоты родной страны, что они оба приверженцы идеалам независимости, у них примерно одинаковый культурный уровень, у них совпадают цели и помыслы, они вместе строят свое общее счастье. Это совсем не значит, что у них не может быть разных мнений на те или иные житейские проблемы. Но все решает взаимопонимание. Для людей, воспитанных в духе высокой нравственности, характерна серьезность в личных отношениях. Любовь таких людей – красивое, возвышенное чувство, которое и выступает основой устойчивого брака.

Разговор о семье мы начали далеко не случайно. В нашей стране созданы все условия для того, чтобы все семьи были счастливыми, здоровыми и крепкими. Такими же должны быть и семьи военнослужащих, несмотря на сложности армейской жизни. К чему я веду разговор? К тому, что нельзя это важнейшее социальное событие в жизни молодого офицера отдавать на откуп случайным людям и первым чувствам любви. И, пожалуй, даже не любви, а только влюбленности. Этот огромный политической значимости вопрос должен находиться в центре внимания наших командиров и органов воспитательной работы.

За свою многолетнюю службу в армии я встречал немало командиров, начальников, которые умело строили работу с молодыми офицерами, молодыми семьями. Главными формами работы с ними были опыт старших товарищей, задушевные беседы за пиалой чая. Особенно ценными для невесты были рассказы жен старших офицеров, в которых она «попадала» в мир неведомого, поистине сказочного и в какой-то мере понимала, что ее ожидает в будущем, в этом ответственном и почетном звании жены офицера. Были случаи, когда командир или заместитель по воспитательной работе, знакомясь с избранницей офицера, по мелким деталям внешности, по манере держать себя, по жестам, по взглядам и другим, казалось бы, мелким штрихам, которые порой остаются незамеченными, составлял о ней свое мнение – настоящей боевой подруги из нее не получится. И тогда начиналась очень тонкая, ювелирная работа по возвращению молодого офицера из мира грез на реальную почву.

Хочется особо подчеркнуть, что в основе крепости семьи лежат чувство любви и чувство долга. А с чувством долга естественно связаны такие моральные качества, как совесть, честь, достоинство человека. Мы должны заботиться о крепости семьи военнослужащего потому, что она выступает, образно говоря, тылом военнослужащего. А чем крепче тыл, тем сильнее, спокойнее военнослужащий, тем он устремленнее в службе, в решении задач, поставленных перед Вооруженными Силами. Мы должны заботиться о крепости семьи потому, что семья – основа общества. «У большинства узбекистанцев, – писал в книге «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса» Президент И.А.Каримов, – на первом месте находится забота не о своем личном благополучии, а о семье, родных и близких, соседях. И это – нравственная ценность самой высшей пробы, золото человеческой души». Мы должны заботиться о крепости семьи и потому, что истоки человеческого характера находятся, как правило, в семье и формирование личности тоже начинается в семье. Семейная жизнь – не прямая, проведенная по линейке. Ее путь извилист и тернист. Наверняка вы помните эти поэтические строки: «И слякоть будет, и пороша, ведь вместе надо жизнь прожить. Любовь с хорошей песней схожа, а песню нелегко сложить». Семья, семейное счастье, супружеские связи – очень хрупкие состояния. И потому мы с особой тщательностью и заботой должны подходить к такому важному событию в жизни молодого офицера, сержанта, военнослужащего-контрактника или солдата срочной службы, как создание семьи, семьи прочной, духовно богатой, нравственно и физически здоровой, памятуя о том, что огромная роль в создании прочной семьи, ее становлении и укреплении принадлежит командирам и заместителям по воспитательной работе, их вниманию и заботе о судьбе военнослужащего, о прочности семейных уз, о росте благосостояния семьи и ее процветании. Заботиться так, как это делает глава нашего государства, заботясь о семьях, детях, о подрастающих поколениях, о всех нас, живущих на этой прекрасной и благодатной земле.

Мы строим правовое, демократическое государство, гражданское общество. А это знаменует собой более высокую ступень нашего развития. Поэтому мы уже сейчас должны настойчиво работать над совершенствованием своей личности, расти духовно и профессионально, закаляться морально-психологически и физически, развиваться гармонично. Потому что это будет новое общество, новый уклад нашей жизни, новым будет и сам человек. И убежден – наступит эра самой прочной и дружной семьи.

**А.КУРГАНОВ.**

Дил изҳори

# УЧ ЎҒЛИМ – УЧ ТАЯНЧИМ



**Аёл учун, она учун фарзандининг улғайиб қаторга кирганини, айниқса, элу юрт корига ярайдиган бўлганини кўришдан ҳузурлироқ бахт йўқ, назаримда. Мен бунга ўғилларимни ҳарбий хизматга кузатаётганимда яна бир карра амин бўлдим.**

Куни кеча ўғлим Беҳзодбек Хўжамбердиевни Ватан чорлови билан хизматга жўнатдим. Яширмайман, ўғлимнинг алп қоматли йигитлар сафида мағрур ботирлардек турганини кўрганимда ҳаяжонландим, бироз йиғлаб олдим. Аммо бу кўз ёшларим фахрдан, ғурурдан эди. Бунгача тўнғич ўғлим Шуҳратбек хизматга бориб, Ватан олдидаги бурчини бир ярим йиллик хизмат билан бажариб қайтган эди. Ўтган 2006 йилнинг октябрида ўғлим Ўткирбек ҳарбий либос кийиб хизмат бошлади. Кўп ўтмай, 2007 йил 14 январда намунали хизмат қилаётгани учун туман мудофаа ишлари бўлимига чақириб менга Раҳматнома ва қимматбаҳо совғалар ҳам тақдим этишди. У ҳозир десантчилар қисмида хизматда. Ҳадемай хизмат муддати тугаб қайтади. Энди эса учинчи бор мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктига, тантанали кузатиш маросимига келиб, Беҳзодбекни оқ фотиҳа, дуолар билан кузатяпман.

Шу кунгача уччала ўғлим ҳам элдан фақат раҳмат ва ташаккурлар олиб беришди. Насиб қилса Беҳзодбегим ҳам аъло, намунали хизмат қилишига ишонаман. Чунки у ҳам акаси ва укаси сингари мулоҳазали, билимли йигит. Бу йил Тошкент автомобиль йўллари институтини имтиёзли диплом билан тамомлади. Унинг кўксида Ватанга, элга муҳаббати бисёрлигига ишонаман. Кузатув тантаналарида ўғлимнинг мағрур туришидан, чақноқ кўзларидан сездим, бу муҳаббатни. Она сифатида яна фахрландим. Ва ҳис қилдимки, Ватан муқаддас. Муқаддас Ватанга хизмат қилиш, унинг ишончига лойиқ бўлиш, ҳурлигини, тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек сақлаш ҳар бир ўғлон учун катта бахт!

Ўғлимнинг қалбига чексиз шодлик, ғурур бахш этган тантанада қатнашар эканман, она бўлганимга шукур қилдим. Кўнглимда янги шеър туғилди:

## ҲАРБИЙМАН МЕН

Улуғлардан дуо олган йигитдурман,
Кўнгилларга фахрдурман, умиддурман.
Ҳар қарич ер, ҳар бир зарра тупроқ учун,
Зийрак нигоҳ лочиндурман, бургутдурман.
Кенгликларга ошиқ ишқи сахийман мен,
Кенгликларни асрай деган ҳарбийман мен.
Ёғий келса элнинг мушти, зарбиман мен,
Ўзбекистон ўғлониман, ҳарбийман мен.

Осмон тиниқ, замин яшил чоғлар гўзал,
Олча оппоқ гуллаб берган боғлар гўзал.
Ўғилларин таянч билган онахонлар
Келин қилай деб танлаган моҳлар гўзал.
Гўзалликка ошиқ ишқи сахийман мен,
Гўзалликни асрай деган ҳарбийман мен.
Ёғий келса элнинг мушти зарбиман мен,
Ўзбекистон ўғлониман, ҳарбийман мен.

Алп бобомдан қолган азиз туғим Ватан,
Икки кўзда икки қорачиғим Ватан,
Онажоним берган меҳр-оқ сут ҳаққи
Мулким Ватан, менинг бору йўғим Ватан.
Униб ўсдим муҳаббатда сахийман мен,
Шу Ватанни асрай деган ҳарбийман мен.
Ўзбегимнинг ўзбекона зарбиман мен,
Ўзбекистон ўғлониман, ҳарбийман мен.

**Замира РЎЗИЕВА, шоира.**

Мулоҳаза учун мавзу

# РЎМОЛЧАДА ЯШИРИНГАН СИР

Мастура холамнинг уйларига ҳар гал борганимда сервант устидаги гулдонга ёпилган каттагина рўмолчага кўзим тушади. Бир сафар қизиқиб, уни олиб кўрдим. У рўмолчадан ҳам кўпроқ кичик санъат асарига ўхшарди. Четларига кунгурадор қилиб тўқилган шакллардан чиройли шокилалар осилиб турарди, бир бурчагида тумшуғида гул шохчасини тутган булбул, иккинчи учига эса атиргул расми ипак билан тикилган. Бир четига оч яшил ипакда «Сизни дерман умрим борича» сўзлари ёзилган эди.

Рўмолчани қизиқиш билан томоша қилаётганимни кўрган поччам кулдилар ва:

– Бу холангизнинг менга илк совғаси, уни 45 йилдан бери сақлашимнинг сабаби шунда, – дедилар.

Бу гапларни айтар экан, ёши бир жойга бориб қолган поччамнинг кўзларида нимадир йилт этгандай бўлди. Бу узоқ йиллик муҳаббатли ҳаётидан миннатдорчилик туйғуси эди, назаримда.

Дарҳақиқат, ҳаё ва ибо аталмиш покиза туйғулар асираси бўлган қизларнинг ўз муҳаббатини пинҳон тутиб, туйғуларини, меҳрини рўмолчада акс эттиришлари унча узоқ бўлмаган ўтмиш. Бу ўтмишда нақадар сирли кўринишган улар йигитлар учун, нақадар қадрли бўлишган.

Мактабни битириб, олийгоҳга ўқишга кирдим. Университетга борар эканман, мен тенги қизлар автобус, троллейбус ёки трамвайга чиқсалар, агар ёши катта одам бўлмаса, йигитлар дарҳол туриб жой бўшатишларининг гувоҳи бўлардим. Бу ҳам йигитлардаги ғурур, қизларга бўлган ҳурматнинг бир кўриниши эди, аслида. Ҳозир-чи? Аксарият йигитларимиз (Аллоҳга шукур тарбияли, иззатини биладиган йигитлар кўп) нафақат қизлар, балки ёши улуғроқ аёлларга ҳам жой бўшатишмайди. Уларнинг хотиржам ўтиришларига, атрофидаги аёлларга эътибор ҳам бермасдан турли ножоиз сўзларни гапиришларига, сўкинишларига қараб, ўйланиб қоламан: йигитларимиз нафақат Ватан посбони, балки опа-сингиллари, оналари, улар тенги барча аёллар шаънини, обрўсини ҳимоя қилувчи зотлар эмасми? Нега улар буни тушунмайдилар? Ва ғарб маданиятига тақлидан кийинган қизларни кўриб, йигитларнинг лоқайдлиги сабабини тушунгандай бўламан. Зеро, ҳурмат-эҳтиромга эришмоқ учун аввало унга муносиб бўла билмоқ керак. Биз нозик идроки-ю, латофати, шарму-ҳаёси, зукколиги, билимдонлиги билан Ғарбни-да лол қолдирган Шарқ аёлларининг авлоди эканлигимизни, Абу Али ибн Сино, Беруний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Мотурудий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Бобур каби буюк зотларни дунёга келтирган оналарнинг меросхўри эканлимизни унутмайлик. Олма дарахтининг тагига олма тушади, дейишади. Шундай экан, момомерос иффатни, покизаликни, шарму ҳаёни ўзимизга либос қилсак, қанчалар гўзал иш бўларди.

**Муборак МИРКАМОЛОВА.**

## ЛИМОН – ҚАДОҚНИ ЙЎҚОТАДИ

Лимондан қўлда ёки оёқда бўладиган қадоқни (мазоль) йўқотишда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қадоғи бор оёқ ёки қўл кечқурун ухлашдан олдин иссиқ сувга 15-20 дақиқа давомида солиб ўтирилади. Сўнг яхшилаб артилади ва пўсти билан қадоқ жойга лимон бўлагининг магзи бойлаб қўйилади. Эрталаб қадоқ иссиқ сувга ботирилиб секингина кўчирилади. Муолажани икки-уч марта такрорласангиз қадоқдан осонгина қутуласиз.

## САРИМСОҚПИЁЗ ФОЙДАСИ

Қадимий Хитойда янги тўғралган саримсоқ бўлакчаларидан яра-чақаларни тузатиш учун фойдаланилган. Саримсоқ таркибидаги эфир мойи дезинфекция қилиш хусусиятига эга ва ҳуснбузарлардан қутулишга ёрдам беради. Юзга энди-энди ҳуснбузар тоша бошлаши билан саримсоқ суви билан артаверинг. Ҳуснбузарлар дарҳол қурийди ва тез орада тўкилиб тушади.



## САБЗИ БИЛАН...

Бир дона сабзини қирғич билан қирасиз, унга 2 ош қошиқ картошка (крахмали) уни ва тухум сариғини қўшасиз. Уларни аралаштирасиз ва ҳосил бўлган озиқлантирувчи ниқобни тоза юз терисига суртасиз. 20 дақиқадан сўнг иссиқ, кейин совуқ сув билан ювиб ташланг.

## 22 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Япониянинг ёввойи табиати».
9.15 «Болалар сайёраси».
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диёрим табиати».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.05 «Экспедиция».
13.50 «Она юрт наволари».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Топталган туйғу». Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг спектакли.
15.35 «Минг бир ривоят».
15.40 «Топталган туйғу». Спектакль. 2-қисм.
16.40 «Ҳаёт ва қонун».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Ўзбекистон қўриқхонаси». 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.45 «Бир кун».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси (Туркия).
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Оқ халатдаги қора доғлар».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал премьераси (Корея).
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
00.35 «Чемпион сирлари».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Муқаддас қадамжолар».
01.50 «Муҳаббат синовлари». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.40 Тонги наволар.

### ЁШЛАР

17.55 Дастурнинг очилиши.
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми». Ҳажвий дастур.
18.25 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
18.30 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
18.45 «UzEX хабарлари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
20.20 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.30 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
20.40 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 – 23.55 «Таскин».

### ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.25 «Мусиқа-SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл». Телесериал.
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Ва-банк».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.30 «Регенерация». Документальный фильм.
11.25 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины.
18.00 Болалар спорти.
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «На пути к сердцу». Сериал.
20.50 «Спортимиз маликалари».
21.10 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Детектив на экране: «Мегрэ и дом судьи». Художественный фильм.
23.25 ПрофРИНГ.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 23 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Япониянинг ёввойи табиати».
9.15 «Болалар сайёраси».
10.25 «КиноТеатр».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.05 «Заковат».
16.05 «Бир кун».
16.30 «Ҳаёт манзаралари».
16.40 «ИИВ хабарлари».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Олтин мерос».
17.20 «Ўзбекистон қўриқхонаси». 2-қисм.
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар–яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Талваса». Видеофильм.
18.35 «Агар Сиз»
19.00 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Талваса». Видеофильм.
23.55 Кўрсатувлар дастури.
24.00 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
00.20 «Қишлоқ ҳаёти».
00.40 «Рангин дунё».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.35 «Янги кун».
02.25 «Самарқанд жавоҳирлари».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.40 Тонги наволар.

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Сеҳрли тун». Фильм-эртак.
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Чемпион сирлари».
10.30 «Интерфутбол».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Леонардо да Винчи.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Истиқбол тимсоллари».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Yoshlar» анкетаси.
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Аёл қалби».
10.30 «Саломат бўлинг» (рус.).
10.40 «Интервью» (рус.).
10.50 «Туризм ҳақида» (рус.).
11.20 «ТВ-юрист» (рус.).
11.30 Кино: «Ва-банк».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Репортаж».
21.30 «Пойтахт».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Ва-банк-2».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Эйнштейн». Сериал.
11.15 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.45 Регби. Кубок мира. Финал.
18.00 «Мир детского спорта».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18,50 «Путешествия натуралиста».
19.15 Каратэ. Ўзбекистон кубоги.
19.40 Футбол. Чемпионлар лигаси кундалиги.
20.50 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати.
21.30 Футбол. Чемпионлар Лигаси. ЦСКА (Россия)–«Интер». Италия.
23.20 Футбол мундиал.
23.40 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. «Динамо» (Киев, Украина)–«Манчестер Юнайтед» (Англия).
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 24 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Япониянинг ёввойи табиати».
9.15 «Болалар сайёраси».
10.00 «Интилганга толе ёр».
10.20 «Агар Сиз»
10.40 «ИИВ хабарлари».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Дўппи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Экспедиция».
15.10 «Шахсий фикр».
15.45 «Дунё манзаралари».
16.10 «Олов – тилсиз ёв».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Талваса». Видеофильм.
18.40 «Мардлар мактаби».
19.00 «Ҳаёт манзаралари».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Талваса». Видеофильм.
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Буюк ипак йўли».
00.20 Фильм-концерт.
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Ватанпарвар».
03.30 «Одамлардан бири».
03.50 «Мисли гавҳар».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».
05.40 Тонги наволар.

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
9.20 «Радиодан кўрсатамиз!»
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «Journal» (инглиз тилида).
10.50 «KINOMANIYA».
11.20 «Эрта сўнган юлдузлар». Ҳожиакбар Нурматов.
11.45 «Матонат».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Рембрандт ван Рейн.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.20 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Yoshlar» анкетаси.
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Ҳимоя».
10.25 «Репортаж».
10.35 «ТВ-юрист» (рус.).
10.45 Кино; «Ва-банк-2».
17.55 Мультфильм: «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Эртамиз эгалари».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Престиж».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Эйнштейн». Сериал.
11.15 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.45 Плавание. Этап Кубка мира.
12.25 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.20 «Сизнинг адвокатингиз».
18.30 «Ахборот» (рус тилида).
18.50 «Хабарлар» (рус тилида).
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Талваса». Видеофильм.
24.00 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
00.20 «Қишлоқ ҳаёти».
00.40 «Рангин дунё».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.35 «Янги кун».
02.25 «Самарқанд жавоҳирлари».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».
05.40 Тонги наволар.

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
9.20 «Радиодан кўрсатамиз!»
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «Journal» (инглиз тилида).
10.50 «KINOMANIYA».
11.20 «Эрта сўнган юлдузлар». Ҳожиакбар Нурматов.
11.45 «Матонат».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Рембрандт ван Рейн.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.20 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Yoshlar» анкетаси.
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.35 «Афиша».
10.00 «Истеъдод».
10.20 Кино: «Аршин мололан».
12.35 Мультфильм: «История игрушек». Премьера.
14.00 «Мысли вслух».
14.05 Кино: «Сокровища нации».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.20 «Сизнинг адвокатингиз».
18.30 «Ахборот» (рус тилида).
18.50 «Хабарлар» (рус тилида).
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Талваса». Видеофильм.
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Буюк ипак йўли».
00.20 Фильм-концерт.
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «Назм ва наво».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Ўзбегим ўғлонлари».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».
05.40-05.55 Тонги наволар.

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Қувноқ сеҳргарлик». Фильм-эртак.
9.20 «Истиқбол тимсоллари».
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «ВАТАНПАРВАР».
11.30 «Қонун ижроси».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Рафаэл Санти.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.20 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Yoshlar» анкетаси.
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 – 23.55 «Таскин».

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Муқаддас қадамжолар».
10.25 «Эртамиз эгалари».
10.40 «Интервью».
11.00 Кино: «Престиж».
17.55 Мультфильм: «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «O'zbektelefilm» мақсулоти: «Мафтункор кабутарлар».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Миф».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Эйнштейн». Сериал.
11.15 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.45 Плавание. Этап Кубка мира.
12.25 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Жасорат».
19.10 Каратэ. Ўзбекистон кубоги.
19.40 «Спорт–менинг ҳаётим».
20.00 «На пути к сердцу».
20.50 «Учрашув».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси.
23.25 Смешное кино: «Розовая пантера». Художественный фильм.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 26 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Япониянинг ёввойи табиати».
9.15 «Болалар сайёраси».
9.45 «Жондан азиз». Видеофильм.
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Миниатюра ранг тасвири».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Экспедиция».
15.15 «Оҳанрабо».
16.00 «Қишлоқ ҳаёти».
16.20 «Қорақалпоқнома».
16.40 «Тарих кўзгуси».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили. «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги наволар».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
00.10 «Ўзбекистон дурдоналари». «Хива».
00.25 «Етти гўзал». Рақс-спектакль.
1.00 «Ахборот». (рус.).
1.30 «Олтин мерос».
1.35 «Янги кун».
2.25 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
4.00 «Ахборот».
4.35 «Олтин мерос».
4.45 «Минг бир ривоят».
4.50 «Турмуш чорраҳаларида».
5.40 Тонги наволар.

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Семурғ». Фильм-эртак.
9.20 «Мурувват».
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Чемпион сирлари».
10.30 «Интерфутбол».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Сандро Ботичелли.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.20 «Болалар табассуми». Ҳажвий дастур.
18.25 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Ёш оилалар – давлат ҳимоясида».
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
10.15 «Интервью» (рус.).
10.25 «Иқтисод-ревю» (рус.).
10.45 Кино: «Миф».
17.55 «Афиша» (рус.).
18.30 «Пойтахт».
18.45 «Анонс».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Громобой».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Эйнштейн». Сериал.
11.15 «Спорт салтанати».
11.35 Настольный теннис. Суперкубок Европы.
12.15 Германия чемпионати шарҳи.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «На пути к сердцу». Сериал.
20.50 «Рондо». Ток-шоу.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Новая экономика».
22.10 «Ледниковый период».
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 27 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Болалар дунёси».
9.10 «Шифокор қабулида».
9.35 ТВ анонс.
9.40 «Мусиқа дунёси».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 1.«Чинсен». 2. «Маўрит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Бекат».
14.45 «Кузги марафон». Бадиий фильм.
16.15 «Ҳаёт манзаралари».
16.25 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Минг бир ривоят».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 – демократия кўзгуси».
20.35 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.00 «КИНОТАҚДИМ».
22.25 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.35 «Катта». Бадиий фильм.
00.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».
00.55 ТВ анонс.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «КИНОТАҚДИМ».
02.55 «Тараннум».
03.40 «Дунё таомлари».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Минг бир ривоят».
04.40 «Ганг дарёсининг қизи». Бадиий фильм.
05.50 Тонги наволар.

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
9.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Солиқ хизмати хабарлари».
11.40 «Дилроз». Азиз Бекмуродов.
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Чингиз Ахмаров.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Эверест». Интеллектуал ўйин.
16.50 «Самарқанд жавоҳирлари». Ҳужжатли фильм.
17.25 «Таълим ва тараққиёт».
17.40 «Чемпион сирлари».
18.00 «Камолот» хабарлари.
18.10 «Сиз билган ва билмаган Малайзия». 1-қисм.
18.30 «Каталог».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Дунё таомлари».
20.00 «УЙ МАСАЛАСИ».
20.35 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.50 Жаҳон киноси: «Азизим Фрэнки.»
00.30 «Таскин».

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.35 «Маърифат фидойилари».
10.30 «Саломат бўлинг».
10.40 «Нима учун?»
11.20 «Репортаж» (рус.).
11.30 «Афиша» (рус.).
11.50 Кино; «Громобой».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Мысли вслух» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 Анонс.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Сокровища нации».

### СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 Мультфильм.
9.25 «Смак».
10.00 «Шарқ якка курашлари».
10.20 «Жаҳон спорти юлдузлари».
10.40 Настольный теннис. Суперкубок Европы.
11.20 «Военное дело».
11.40 «Вокруг света».
12.25 Формула-1.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Файзли ошхона».
19.30 Стиль.
19.45 Антракт.
20.00 «На пути к сердцу».
20.50 «Звёздный матч».
21.10 «Спортколлекция».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
22

# МАДАНИЙ НУТҚ ТАРБИЯСИ

**(Давоми. Боши 1- бетда).**

Шу донишманд Шарқ бағрида бундан беш минг йиллар бурун дунёга келган энг «кекса» муассасалардан бўлмиш илк мактабларнинг бош вазифаларидан бири ҳам болани тўғри, аниқ гапириш ва ёзишга ўргатишдан иборат бўлганлиги, айни вазифанинг бизнинг кунларимизга қадар ҳам ўша мавқеини йўқотмай келаётганлиги ҳар қандай жамиятда тил ва нутқ нуфузининг нечоғли ўрин тутишининг шаҳодатидир.

Таниқли сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраев ўзининг «Агар огоҳ сен...» (Тошкент: Ёзувчи, 1998) номли китобида ҳақли равишда ёзганидек, «цивилизация дунёнинг турли минтақаларида турлича юз бериб, муайян ҳудудлар аҳолиси дунёқараши ва турмуш тарзига чуқур ўрнашган. Цивилизация, жумладан, Юнонистонда нафасот, Ҳиндистонда дин, Оврупода моддий-техника тараққиёти, Туронда эса ахлоқ шаклида вужудга келган... Қадимий Туронда ахлоққа катта эътибор билан қарашган. Юксак инсоний фазилат, инсонни миллатидан қатъи назар, барча мавжудотларнинг сарвари сифатида қадрлаш, маънавий камолот ва етуклик, адолат, инсоф, диёнат ва иймон каби хусусиятлар тирикликнинг бош мазмуни сифатида тушунилган» (106–107 бетлар).

Бизнинг асрларни аллалаган юртимизда ахлоқ бениҳоя серқамров, мағзи тўқ, қиёси йўқ тушунча сифатида ардоқлаб келинади. Маънили ва бежирим гапира билиш, нутқ дарёсидаги мақбул ва номақбул тўлқинларни илғай олиш, сўзнинг орқаўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиш, нутқий фаҳму фаросат, тарҳли нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган.

Тўққиз асрдан буён бутун Ғарбу Шарқ мутафакирларининг эътиборидан тушмай келаётган «Қобуснома»да Кайковус фарзандига шундай насиҳат қилади: «Эй фарзанд, сўзинг юзин ва орқасин билғил ва уларга риоя қилғил, ҳар на сўз десанг, юзи била дегил, то сухангўй бўлғайсан. Агар сўз айтиб, сўзинг нечук эканин билмасанг, қушга ўхшарсанки, уни тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзнинг маъносин билмас. Сухангўй шул киши бўлғайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай. Бундай кишилар оқиллар қаторига кирғай, йўқ эрса, ул инсон суратида мавжуд бўлғон бир ҳайвондур».

Улуғ аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб «Одобнинг боши тилдир» деб бежиз айтмаган. Халқимизнинг оғзаки ва ёзма сўз хазинасидаги нутқий хулққа оид бундай пурмаъно ҳикматларнинг санаб саноғига етиш мушкул. Нотиқлик, хотиблик, воизлик бизда қадим замонлардан санъат даражасига кўтарилган.

Тилимиз ва дилимиз истибдод исканжасида ингараган яқин ўтмишимизда минг йиллик анъаналаримиздан бўлмиш расо нутқ одоби парвариши, маънавий-маърифий тарбия масалаларига нописандлик билан қаралди. Бунинг мудҳиш оқибати сифатида миллий ўзликнинг моҳияти хиралашди. Шунинг учун ҳам Президентимиз маънавий-маърифий ислоҳотларга фавқулодда муҳим аҳамият бермоқда, бу соҳада бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифаларни олдимизга кўндаланг қилиб қўймоқда. Ана шу лўнда талаб ва кўрсатмалар асосида тарихан қисқа бир фурсатда чинакам ўзгаришларга эришилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Юртбошимиз «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида биз эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш орзуси билан саъй-ҳаракат қилаётганимизни яна бир бор таъкидлаб, хусусан, шундай дедилар: «Бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз замонамизга татбиқ этиш лозим.Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур».

Миллий ҳамият ва умуминсоний қадрият, миллий ўзлик идрокининг устуворлиги, миллий онг ва тафаккур, миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат каби маънавий камолотнинг ўзагини ташкил этувчи тушунчаларни она тилидан айро ҳолда тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам аллома аждодларимиз она тилини ана шу мўътабар тушунчаларни инсон шуурига муҳрламоқнинг энг таъсирчан воситаси деб билганлар.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, табиат ва жамиятда инсон тилидай мураккаб, серқирра, серқатлам, сервазифа, шакл ва мазмун таносиби таранг ҳодиса камдан-кам топилади. Тил дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаришига қарамасдан, асосий эътибор унинг кишилар ўртасидаги алоқани таъминлаш вазифасига қаратиб келинди. Тилни фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатидагина талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу бениҳоя мураккаб ва муҳташам ҳодисани, энг ками, жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-руҳий заминдан мутлақо мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли «тил»га баравараштиришдан бошқа нарса эмас. Агар тил фақат алоқа воситасигина бўлганда эди, у жуда оддий, содда ва қашшоқ бир нарсага айланган бўларди. Ҳолбуки, тил бемисл бой, сеҳру синоатга, руҳу руҳониятга, кўрку комилликка лиммо-лим бир хилқатдир.

Чинакам нутқ маданияти эса тилни ана шундай зангин ва рангин хилқат тарзида идрок этиш асосида шаклланади.

Аниққи, нутқ маданияти жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Ҳақиқий маънодаги маданий нутқ шахс умуммаданий савиясининг фавқулодда муҳим унсурларидан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб эълон қилинган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари, фарзандларимизнинг нутқий маданий кўникмалари ва малакаларини ошириш, таълим жараёнларининг барча босқичларида маданий нутқ муаммоларини етарли даражада назарда тутиш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этганлиги бежиз эмас.

Республикамизнинг «Давлат тили ҳақида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлари, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ва бошқа жуда кўплаб ҳужжатларда маънавий-маърифий тарбия, тил масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар қандай мутахассис, замон билан ҳамқадам кадр, энг аввало, ўз она тилининг садоқатли соҳиби бўлмоғи лозим.

Фикрни она тилида мустақил, равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмоқ учун одамда нутқий маданият етарли даражада шаклланиши керак, бусиз, зотан, она тилига соҳиблик деган тушунча ҳам маънога эга эмас. Чунки нутқ маданияти тилдан бемалол ва мақсадга ўта мувофиқ тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами демакдир.

Нутқнинг маданийлигини таъмин этадиган тўғрилик, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилик, бойлик (ранг-баранглик), софлик каби бир қанча сифатлар мавжуд. Ана шу коммуникатив сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган нутқ маданий ҳисобланади.

Албатта, нутқнинг тўғрилиги, яъни унинг адабий тил мезонлари (талаффуз, сўз урғуси, сўз ясалиши, морфологик, синтактик, услубий мезонлар)га қатъий мослиги маданий нутқнинг асосий, марказий сифатидир. Аммо ҳар қандай тўғри нутқ маданий бўлавермайди, у зикр этилган бошқа коммуникатив сифатларга ҳам эга бўлгандагина чин маънодаги маданий нутқ рутбасини ола билади. Шунга қарамасдан, таассуфки, узоқ вақтлар бизнинг таълим тизимимизда, асосан, нутқнинг ана шу коммуникатив сифатига, яъни нутқнинг тўғрилигигагина диққат қилинди, шу сифатни ўстиришга зўр берилди.



Шуни ҳам таъкидламоқ жоизки, мактабда бола тўғри нутқ тузишга ўргатилар экан, яъни унинг онгига адабий тил мезонларига риоя қилиш тажрибалари сингдирилар экан, бу мезонларнинг кучли ва кучсиз типлари мавжудлигини назарда тутмоқ лозим. Она тили таълими жараёнларида, болада нутқ маданиятини тарбиялашда асосий диққатни кучсиз мезонларга қаратиш мақсадга мувофиқ, чунки нутқ амалиётида кучли мезонлар деярли бузилмайди, кучсиз мезонлар эса нутқ тузувчининг иккиланишига ва демак, нутқий нуқсонга кўпроқ йўл очади. Масалан, эга ва кесимнинг шахс ва сонда мослашуви кучли синтактик мезон, бу мезон боланинг тили чиқаётган палладаёқ унинг мурғак шууридан муқим жой олади. Шунинг учун ҳам ҳеч ким адашиб, «Мен келдинг» шаклида жумла тузмайди. Қаратқич ва тушум келишикларнинг қўлланиши билан боғлиқ мезонлар эса кучсиз мезонлар бўлиб, бу мезонлар болага яхшги ўргатилмаса, адашиб, «-нинг» ўрнида «-ни» қўшимчасини ишлатиб, «мени дўстим» тарзида нотўғри бирикма тузиши мумкин. Шундай экан, она тили таълимида адабий мезонларнинг айни шу кучсиз типларини ўргатишга кўпроқ вақт сарфлаш ҳам мантиқли, ҳам фойдали бўлади. Аммо бу муҳим жиҳат узоқ йиллар етарли даражада инобатга олинмай келди.

Нутқнинг аниқлиги, мантиқийлиги, ифодалилиги, бойлиги, софлиги каби тилнинг тириклиги, таъсирчанлиги ва жозибадорлигини таъмин этадиган сифатлар билан сўзловчини, ўқувчини яқиндан ошно этишга қаратилган ишлар она тили таълимида ўзининг муносиб ўрнини эгалламай қолгани ачинарлидир. Бунинг натижасида, грамматик жиҳатдан тўғри, аммо руҳсиз, жонсиз, тароватсиз, ширасиз жумлалар мақбул нутқ намуналари сифатида тақдим этилдики, булар болаларнинг сўз сезгисини ўстиришга эмас, балки ўлдиришга кўмаклашди, оқибатда она тили дарслари бола кўнглига тил завқини олиб киролмай қийналди... Агар одамда тил завқи, назокатли сўз сезгиси, она сўздан ҳузурланиш ҳисси бўлмас экан, унда нутқ маданияти малакаларини балоғатга етказишга уриниш беҳуда машғулотдир.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор.**

**(Давоми бор).**

# ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДАГИ МОҲИЯТ

**(Давоми. Боши 1- бетда).**



Ўғлини муддатли ҳарбий хизматга кузатганию, ҳарбий Қасамёд тантанасигача – таассуротларни гапирди. Гапларидаги ҳаяжон оҳанги оддий бир фуқаронинг ислоҳотларимизга нисбатан муносабати эди. «Армиямиздаги шарт-шароитиларни кўриб, очиғи яшариб кетгим, хизмат қилгим келди. Посбонларнинг ўзаро муомаласидан билдимки, маънавий-маърифий ишлар ҳам юксак даражада. Ўғлимга, фарзандларимизга ҳарб илмини, ҳаёт мактаби сабоқларини ўргатаётган офицерлар, сержантлар билан суҳбатлашдим. Амин бўлдимки, миллий армиямизнинг кадрлари ҳарбий хизматни Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурч санайдиган ўғлонлар экан».

Бу гаплар, бу фикрлар аскар отасининг юрак-юрагидан, қалб қўридан отилиб чиқди.

Дарҳақиқат, бугун бундай фахр ва ғурур кўпчилик юртдошларимиз қалбларида жўш уриб турибди. Негаки, Президентимиз раҳнамолигида замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлигимизни таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кўлами ва моҳияти жиҳатидан улкан ишларни барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Аскар отаси, аскар онаси, жамоатчилик муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган фарзандларга яратилаётган шарт-шароитларни яхши билишади. Жорий йилнинг баҳорида ҳарбий Қасамёд тантанасида иштирок этдим. Қисм қўмондонлиги ота-оналар, жамоатчилик учун аскарлар таъминоти бўйича кўргазма ташкил қилибди. Улар бугун посбонларимиз кундалик озиқланиш меъёрларига турли шарбатлар, сут маҳсулотлари, дармондорилар қўшилганини, бошқа маҳсулотларнинг ҳам миқдори оширилганини кўришди. Аскар дастурхони миллий таомлар – палов, манти, турли мева, сабзавотлар, витаминга бой сара маҳсулотлар билан бойитилганининг гувоҳи бўлишди. Ҳайрат, ҳавас, қувонч, фахр кўзларда, юзларда акс этиб турибди. «Ҳа, аскари бақувват юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг аскари бақувват бўлади», деганлари шу бўлса керак-да,–дейди аскар амакиси Иброҳим Ҳожиев ҳаяжонини яшира олмай.

Шундан сўнг барча қулайликларга эга ётоқхоналар, замонавий спорт тренажёрлари, аскарлар учун мўлжалланган маиший воситалар билан танишишди. Қисқаси, улар ислоҳотларнинг амалдаги самарасини ўз кўзлари билан кўришди. Миллий армиямизда изчил кечаётган ислоҳотлар армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган кучга – Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган инсонларга қаратилганини англашди.

Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллик тўйи муносабати билан Президентимиз Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозимлигини таъкидлаб ўтганини яхши биламиз. Қувонарлиси шундаки, ўзига хос дастуриламал ҳужжат ҳисобланувчи табрикдан келиб чиқиб, айнан шу йўналишда жорий йилда кўплаб ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Буни Президентимизнинг биринчи октябрдан эътиборан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари 1,15 баравар оширилгани билан боғлиқ Фармонлари ҳам яна бир карра исботлаб турибди. Аниқроғи оммавий ахборот воситаларида яқинда эълон қилинган мазкур Фармон ҳарбий хизматчиларга қаратилган изчил, доимий эътиборнинг яна ёрқин бир намунаси бўлди. Хўш, бунинг замирида нима ётади?

Таъкидлаш лозимки, биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган миллий армияни шакллантириш йўлидан боряпмиз. Демак, бу ўринда моддий-техник, ижтимоий-маиший таъминотга улкан эътибор қаратилиши турган гап. Негаки, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масала миллий армиямиз мудофаа қудратини оширишда муҳим омиллардан ҳисобланади-да.

Шу кунларда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар хизматдан резервга бўшашга тайёргарлик кўришмоқда. Улар уйларига янги ҳарбий, спорт либосларида кириб боришади. Мудофаа вазирлиги кийим-кечак таъминоти бошқармаси, тажриба-конструкторлик бюроси вакиллари ва саноат корхоналаридан иборат ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ушбу либослар замонавий, ҳар томонлама ихчам, қулай ва сифатли ҳисобланади. Ватан олдидаги бурчини ёруғ юз билан ўтаган посбонларимиз республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берувчи тавсияномаларга эга бўлишади. Резервга бўшаётган ҳар бир аскарга энг кам иш ҳақининг 16 баробари миқдорида пул берилади. Хуллас, бундайин имтиёзу қулайликлар борасида узоқ тўхталиш мумкин. Буларнинг бари юқорида таъкидлаганимиз – домий эътибор, ғамхўрлик, ҳарбий хизматни муқаддас бурч санайдиган мардларимиз меҳнатининг муносиб рағбатидан.

Дарвоқе, Бобоқул ака ҳам ўғлининг муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшашини кутяпти. Энг муҳими ўғли сабаб ислоҳотлар жараёнидаги бир нарсани тўла англаб етди: Ватан ҳимояси йўлида миллати, тили, динидан қатъи назар шу юртнинг сувини ичиб, тузини татиган, шу муқаддас заминда тарбия топган, вояга етан баркамол ўғлонларга суянишимизни, ўз тақдири, ҳаётини юрт ҳимояси билан боғлаганлар доимо қадр топишини, давлатимиз бу йўлда бор куч-имкониятларини аямаслигини, миллий армиямиз халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган анъаналари, қадриятларини ўзида мужассам этаётганини.

**Майор Алижон САФАРОВ.**

# «ШЕВРОЛЕ» ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

**(Давоми. Боши 1- бетда).**

Музокаралар якунида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти, «General Motors Europe» ҳамда «GM Daewoo Auto & Tehnology» компаниялари раҳбарлари тегишли битимни имзолади.

Ушбу воқеага бағишланган матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларига янги қўшма корхонани ташкил этиш мақсадлари ва унинг ишлаб чиқариш қувватини ривожлантириш бўйича истиқболдаги режалар ҳақида маълум қилинди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлардан бирига айланди. Асакада ишлаб чиқарилаётган «Матиз», «Нексия», «Дамас» ва «Ласетти» машиналари юқори сифати ва юксак техник хусусиятлари туфайли кўплаб давлатларда харидоргир. Бу ерда ишлаб чиқариш мунтазам такомиллаштирилиб, замон талабига мувофиқ модернизация қилиб борилмоқда. Энди эса Асакада бир неча русумдаги дунёга машҳур «Шевроле» автомобиллари ҳам ишлаб чиқарилади.

– «GM Ўзбекистон» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижасидир, – деди матбуот анжуманида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Улуғбек Розиқулов. – Қисқа вақт ичида барча тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши муҳим омил бўлди. «General Motors» жаҳон автобозорида ишончли ҳамкор, автомобиллар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича йирик корхоналардандир. «General Motors»нинг илғор технологияларини сўнгги йилларда Ўзбекистонда тўпланган ишлаб чиқариш тажрибаси билан бирлаштириш, шубҳасиз, юксак натижаларга эришиш имконини беради. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бир қаторда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир мавжуд лойиҳаларни кенгайтиришни ўз ичига олган бундай ҳамкорлик мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

«General Motors Europe» президенти К.П.Фостер Ўзбекистон раҳбарига янги йирик қўшма корхонани ташкил этиш жараёнида кўрсатган ҳар томонлама ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этди. «GM Ўзбекистон» қўшма корхонасининг ташкил этилиши Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. «General Motors» ва Ўзбекистоннинг ресурсларидан фойдаланиш «Шевроле» русумидаги машиналарни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш имконини беради. Қўшма корхона биринчи навбатда учта русумдаги «Шевроле» – йил охиригача 2 мингта «Captiva», «Epica» ва «Tacuma» машиналарини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Кейинчалик эса бундай русумдаги автомобиллар сони янада кўпайтирилади.

– Келажакда қўлга киритадиган муваффақиятларимизга Асакада катта ишлаб чиқариш қуввати ва юқори малакали кадрларга эга замонавий корхонани ташкил этган ўзбекистонлик автомобилсозлар томонидан асос солинди,–дейди «GM Daewoo Auto & Tehnology» компанияси президенти М.Гримальди. –Янги русумдаги «Шевроле» автомобилларига дунёда талаб катта. Ўзбекистонда қўшма корхонанинг ташкил этилиши Марказий Осиё ва Шарқий Европада ушбу русумдаги автомобиллар бозорини кенгайтириш имконини беради. «General Motors» бу жараёнга ўз тажрибаси ва «ноу-хау»сини жалб этади, бу ерда меҳнат қилаётган мутахассислар малакасини оширишни йўлга қўяди ва эксперт-лар ёрдамини тақдим этади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобиллар «Шевроле» талабларига тўлиқ мос келишини кафолатлайди. Бугунги Ўзбекистон –иқтисодиёти ичил ривожланиб бораётган мамлакатдир. Бу ўзаро фойдали ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратади.

Бундан ташқари, матбуот анжумани иштирокчиларига «GM Ўзбекистон» қўшма корхонаси «General Motors»нинг ишлаб чиқариш, харид қилиш ва етказиб бериш бўйича глобал тизимига киритилиши ҳақида маълум қилинди. Йилига 200 мингта автомобиль ишлаб чиқарадиган Асака заводининг қуввати яқин вақт ичида 250 мингтага етказилади. Бундай автомобиллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширади. Бу эса Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ушбу эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Шу куни «Ўзэкспомарказ»да «Шевроле»нинг «GM Ўзбекистон» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган янги ва замонавий русумдаги автомобилларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**



Обуна – 2008

# БИЗ «ВАТАНПАРВАР»НИ ТАНЛАЙМИЗ




Мудофаа вазирлигининг қисм ва муассасаларида 2008 йилнинг I ярим йиллиги учун газета ва журналларга, шу жумладан, Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибдаги обуна бошланди.

«Ватанпарвар» газетаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларининг фаолияти ҳақида кенг кўламда ҳикоя қилувчи ягона нашрдир. «Ватанпарвар» газетаси саҳифаларида нафақат турли қўшин турларида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ўқув жараёни ҳақида, шунингдек, уларнинг турмуши, озиқ-овқат ва моддий таъминоти, маданий дам олишлари борасидаги ишлар, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига берилаётган имтиёзлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар бериб борилади. Таҳририят журналистлари ва жамоатчи мухбирлари бўлажак Ватан ҳимоячиларининг ўсиб келаётган авлодини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Ёшлар мавзуси – ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш мавзуси газетамизнинг энг асосий, устувор йўналишларидандир. Шу сабабдан ҳам республикамиздаги рангли даврий нашр бўлмиш «Ватанпарвар» газетаси газетхонларнинг кенг доираси учун қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Обуна компаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, ўқитиш ва тарбиялаш ишида, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий ва ахлоқий-жанговар сифатларни, ватанпарварлик, уюшқоқлик ва интизомлиликни шакллантиришдаги улкан ва муҳим аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини офицерлар, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари шунингдек чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, муқобил хизматни ўтаётган ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиш ишларини уюштиришлари зарур.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим. Ҳар бир минтақада обуна ишлари билан ўрта ҳисобда 2 тадан 5 тагача компания шуғулланаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу сабабли обуна қилиш ва етказиб бериш борасида энг арзон нархларни таклиф қилаётган компанияни танлаш лозим.

Газетани етказиб беришдаги сарф-харажатлар жойларда турлича бўлганлиги сабабли «Ватанпарвар» газетасига 2008 йил учун обуна мамлакат бўйича ўртача Тошкент шаҳрида 25956 сўмдан Андижон вилоятида 37512 сўмгача қилиб белгиланган. Ҳар бир тарқатувчи обуна нархини ўз сарф-харажатларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Обуна компаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш зарур.

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.**

2007 йил - Ижтимоий ҳимоя йили

# ДАСТУР ИЖРОСИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириб юборди. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ Фарғона вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

– Мазкур дастурда белгиланган ҳар бир вазифа ижросини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқдамиз, – дейди вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий масалалар бўйича котибият мудири М. Ҳақиқов. – Албатта, бу ишларга қатор ташкилот ва корхоналар, ҳомийлар ўз улушини қўшиб келмоқда.

Вилоятдаги учта меҳрибонлик уйи ҳамда саккизта махсус мактаб - интернат тарбияланувчиларига Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 11 та замонавий автобус тортиқ қилинди. Фарғона шаҳридаги 2-сонли ҳамда Бағдод туманидаги 88-мактаб-интернатлар мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Ногирон ҳамда имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш ҳам доимий эътиборда. Фурқат, Бешариқ, Охунбобоев туманларида 20 дан ортиқ ногирон болага компьютер ва ўқув жиҳозлари олиб берилди. Бу ишларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бўлимлари бош-қош бўлаётир.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Вилоятнинг барча шаҳар, туманларидаги эҳтиёжманд оилаларга бир ярим миллиард сўмликдан зиёд қорамол тарқатилди. Кўп болали оилаларга бир миллиард 419 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. «Автоойна» ОАЖнинг 23 нафар ишчи-хизматчисига 10 миллион 500 минг сўм миқдорида микрокредит берилди.

Аҳоли саломатлигини сақлаш – муҳим вазифа. Шаҳар ва туманларда, чекка жойларда бу борада ҳам салмоқли ишлар қилинди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданият савиясини ошириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 50 нафардан зиёд уруш ногиронлари, кам таъминланган фуқаролар, ёлғиз пенсионер ва ногиронларга бепул сунъий кўз гавҳари қўйилди. Шаҳар ва туманлардаги 1684 нафар ишчи ходимлар тиббий суғурта полислари билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктларига 251 минг 757 АҚШ доллари қийматига тенг бўлган тиббий жиҳоз ҳамда мебеллар келтирилди. Уч мингдан ортиқ кексалар, пенсионер ва ногиронлар мамлакатимиздаги сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди.

Қандли диабет касаллиги билан оғриган 151 нафар болани глюкометр аппарати билан таъминлаш мақсадида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи томонидан 15 миллион сўм ҳомийлик маблағи ажратилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 380 миллион сўм ипотека, 2 миллиард сўм микрокредит, 850 миллион сўм истеъмол кредитлари ажратилди.

Марғилон шаҳридаги "Янги боғ" маҳалласида ёлғиз кексалар, ногиронлар учун кундузги дам олиш маскани иш бошлади. Шаҳар ҳокимлиги ҳамда ҳомийларнинг кўмаги билан қад ростлаган мазкур масканда якка-ёлғиз кексалар учун барча шарт-шароит яратилди.

– Биз бундай ғамхўрликдан хурсандмиз, – дейди А.Навоий кўчасида яшовчи Эргашали ота Мамажонов. – Ҳар бир байрам ва турли тадбирларда биз, кексаларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Айниқса, Ижтимоий ҳимоя йилида бу эътибор янада кучайди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 93 нафар ногиронга махсус аравачалар олиб берилди. Ҳозирда вилоятда аравачага муҳтож одам қолмади. Шунингдек, 500 нафардан ортиқ киши протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминланди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг ижроси учун шу ўтган давр мобайнида вилоят бўйича 33 миллиард сўм миқдоридаги ишлар амалга оширилди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# СОВРЕМЕННЫЕ СИСТЕМЫ СВЯЗИ

**В Ташкенте состоялась Международная научно-практическая конференция «Актуальные проблемы развития инфраструктуры и услуг связи и электронного документооборота». Ее организаторами выступили Узбекское агентство связи и информатизации (УзАСИ) и Федеральное агентство по информационным технологиям России.**

В форуме приняли участие представители государственных органов, научных организаций, деловых кругов Узбекистана, зарубежных фирм и компаний – производителей и поставщиков информационных технологий.

На конференции отмечалось, что в нашей стране по инициативе Президента Ислама Каримова принята и реализуется целевая программа развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий (ИКТ). Информатизация общества идет ускоренными темпами, и поэтому сегодня у многих государственных и негосударственных структур растет потребность в использовании систем электронного документооборота.

Докладчики и выступающие подчеркивали, что основным условием повышения эффективности информационного взаимодействия в любом государстве является развитие инфраструктуры связи с использованием современных IT-технологий. А информационное взаимодействие основано на электронном обмене информацией, происходит активный процесс перехода от бумажного документооборота к электронному.

29 апреля 2004 года в Республике Узбекистан был принят Закон «Об электронном документообороте». Главная его задача – установление юридической силы электронного документа, который приравнивается к документу на бумажном носителе и имеет одинаковую с ним юридическую силу. Сейчас в республике возможно широко применять электронный документооборот.

В настоящее время в Республике Узбекистан ведется большая работа по переходу к современному электронному обмену информацией. В 2006 году создана и развивается национальная инфраструктура применения электронной цифровой подписи, использование которой необходимо при осуществлении электронного документооборота.

На форуме рассматривались наиболее актуальные проблемы развития электронного документооборота, в том числе международного, состоялся обмен опытом в этой области. Обсуждались вопросы, связанные с состоянием и развитием ИКТ в Узбекистане, инфраструктуры и услуг связи, стандартизацией и обеспечением информационной безопасности в области электронного документооборота. Об этом говорили в своих выступлениях начальник отдела информационных ресурсов и информационных систем УзАСИ У.Аъламов, первый заместитель директора Центра научно-технических и маркетинговых исследований Р.Исаев, руководитель департамента ООО «ТехноСерв АС» (Россия) М.Романов и другие.

По словам представителя Росинформтехнологии (Россия) И.Загорского, Узбекистан является одним из активных участников международного взаимодействия в сфере ИКТ на пространстве СНГ, занимает лидирующие позиции в области внедрения центров регистрации ключей электронной цифровой подписи и электронного документооборота. Об этом свидетельствует тесное научное и деловое сотрудничество российских специалистов с узбекскими коллегами.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**корр. УзА.**

Саломатлик – туман бойлик

# ҲАЁТ ШАРБАТИ



**Саховатли табиатнинг инъомларидан бири бўлмиш асал нечоғли шифобахш хосиятлари, шифобахшлиги ҳамда унинг ҳаёт шарбати эканлигини барчамиз яхши биламиз. Ширинликлар султони ҳисобланувчи асални одамзот ўзининг илк даврларидан бошлаб истеъмол қилиб келади.**

Қадим замонларда яшаган олим ва фозил кишиларнинг асарларида асалнинг шифобахш хосиятлари баён этилган. Масалан, машҳур юнонистонлик олим Пифагор: «Узоқ умр кўраётганимнинг боиси муттасил асал истеъмол қилиб туришимдандир», деб таъкидлаган. Қадимги юнон файласуф донишманди Демокрит узоқ умр кўриш учун «ични асал билан таъминлаб, сиртдан мойли муолажа қилиш зарур» деган. Тиббиёт илмининг султони Ибн Сино асалнинг хосиятларини санаб ўтиб, асал мижозни тозалайди, томирлар йўлини равон қилади, кўз хиралигини кетказади, шунингдек, ёш навқиронлигини сақлаш учун асални доимий истеъмол қилиш лозим, деб таъкидлаган. Унинг тавсиясига кўра, айниқса ёши 45 дан улуғ кишилар асалдан тез-тез истеъмол қилиб туришлари керак. Муҳаммад Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Оқилий ўзининг «Даволар хазинаси» («Маҳзанул адвия») китобида асал мияни ортиқча ва зарарли нарсалардан мусаффо этади, фалаж, сариқ касалликларида даво бўлади, дея баҳо берган.

Асалнинг серхосият хислатларидан халқ табобатида кенг фойдаланилади. Жумладан, асалли чой балғам кўчирувчи, шамоллашга даво берувчи, бундан ташқари бедармонликда қувват бағишлайдиган табиий неъматдир. Айниқса, асалли сув билан оғиз бўшлиғи чайқаладиган бўлса, у томоқда мавжуд бўлувчи йирингли яраларни сўрилиб кетишига ёрдам беради. Дарвоқе, бир ой мобайнида уч-тўрт марта тишга асал суртиладиган бўлса, тишни оқартирибгина қолмай, балки милкни ҳам янада мустаҳкамлайди.

Асал юракка қувват бағишловчи омил сифатида ҳам қадрланади. Маълумки, глюкоза мушак тўқималарига қувват бериб, мустаҳкамлайди. Айни шу мақсадда беморга қайноқ чой билан асал бериш тўғри келмайди. Чунки, юрак фаолияти кескин ортиб кетади, бадандан ортиқча тер ажралиши кучайиб, натижада юрак зўриқиб қолиши мумкин.

Шу боисдан, мутахассислар юрак хасталиги бор беморларга асални озоддан истеъмол қилишни тавсия этадилар.

Олимларнинг маълумотларига қараганда, муттасил асал истеъмол қилинса, одам организмининг иммунобиологик реактивлиги ортаркан. Асл асал бинойидек уйқу бағишловчи неъмат ҳисобланиб, 1 ош қошиқ асални 1 стакан илиқ сувда эритиб, уйқу олдидан ичиладиган бўлса, унда тинимли, чуқур уйқу ўз қучоғига олади.

Кўҳна замонларда юнонлар асални «ёшлик шарбати» деб аташган. Шунингдек, ўша даврда Олимпия ўйинлари қатнашчиларига асал ичириш ҳам одат тусига кирган эди. Тарихий манбаларда ёзилишича, Александр Македонскийнинг жасади узоқ юртлардан асалга солинган ҳолда келтирилган. Шу ўринда, олимларнинг узоқ йиллик тажрибалари ҳам шуни кўрсатдики, тоза асалда тиф бактериялари 8 соат, паратиф бактериялари 24 соат, ичбуруғ (дизентерия) бактериялари 10 соатгача чидаши мумкин. Демак, мутахассисларнинг айтишича, асалга «экилган» (кўпайтириш учун) сил таёқчалари ҳам умуман кўпаймайди.

**БУ ҚИЗИҚ**

Асаларичиликка қизиқувчи Белгия қироличаси мамлакатдаги ёш болаларга ҳар куни давлат ҳисобидан бир қошиқ асал бериш ҳақида фармойиш чиқарган.

●

Иллинойс университети олимлари ҳар куни тўрт қошиқ асал солинган сув ичишни тавсия этадилар. Сабаби – асал таркибида кўп миқдорда антиоксидант мавжуддир.

●

Канадада диабет касаллигига йўлиққан кишиларни, шунингдек, инсулин препаратига боғланиб қолган болаларни асал билан даволай бошладилар. Бунинг учун таркибида сахароза 0,2 фоиздан кўп бўлмаган табиий асалдан фойдаланилмоқда.

●

Манука деб аталувчи Янги Зеландия чой дарахтидан олинган асалнинг антисептик хусусияти шунчалик кучлики, ҳатто стафилококкнинг энг оғир кўринишини ҳам даволайди.

**Ф.АЛИЕВА.**

# МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



## Заданная цель поражена

Учебная головная часть межконтинентальной баллистической ракеты (МБР) «Тополь», запущенной с космодрома Плесецк, с заданной точностью поразила условную цель на полигоне Кура на Камчатке. Об этом сообщили в Службе информации и общественных связей Ракетных войск стратегического назначения (РВСН) России.



## Ликвидирован полевой командир

Военное командование США объявило о ликвидации полевого командира группировки «Каида аль-джихад в Ираке». Убитого несколько дней назад в Мосуле боевика идентифицировали, как находившегося в розыске террориста по прозвищу Абу Духа, передает ИТАР – ТАСС.



## Год имени картофеля

Генеральная Ассамблея ООН провозгласила 2008 год Международным годом картофеля, обратив тем самым внимание мировых держав на роль этого богатого витамином С овоща. По мнению Генассамблеи, картофель играет огромную роль в обеспечении продовольственной безопасности, сообщает AFP. Массовое употребление продукта будет способствовать искоренению нищеты и поможет в достижении согласованных на международном уровне целей в области развития, считают в ООН.



## Объявлено чрезвычайное положение

Чрезвычайное положение объявили власти Коста-Рики в связи с наводнениями. Соответствующий документ был подписан президентом центральноамериканского государства Оскаром Ариасом. Интенсивные осадки, продолжающиеся в стране уже 10 дней, привели к гибели по меньшей мере 18 человек. Большинство из них стали жертвами схода селевых потоков и выхода рек из берегов.



## Разоружены наркоторговцы

Двенадцать человек погибли в результате полицейской операции, проведенной в фавеле (трущобном районе) на западе Рио-де-Жанейро. Среди погибших один полицейский и четырехлетняя девочка, попавшая под перекрестный огонь, сообщает Reuters. Остальные убитые – наркоторговцы, которые пытались воспрепятствовать операции правоохранительных органов по их разоружению. В операции участвовали 500 полицейских. Поддержку им обеспечивали вертолеты и бронированные машины. В преддверии этой акции расположенные в районе магазины и несколько школ были закрыты.



## Доллар упал

Доллар упал к евро до нового минимума. Толчком послужили ожидания, что негативные данные по промышленному производству в Филадельфии усилят необходимость в новом уменьшении базовой процентной ставки в США, сообщает агентство Bloomberg. В ходе торгов курс опустился до 1,4305 доллара за евро.



## Портативный анализатор ДНК

Компания «NEC» в сотрудничестве с компанией «Aida Enginering» разработала первый в мире портативный анализатор ДНК для быстрой идентификации генетического материала, сообщает 3DNews. Портативный анализатор ДНК предназначен, прежде всего, для сотрудников криминалистических служб. Его габариты 500x400x200 мм. Такой прибор может быть быстро перевезен с одного места исследования на другое. Время одной процедуры, от изъятия образца до идентификации ДНК, занимает всего 25 минут. Массовое производство анализатора намечено на 2008 год.



## Вежливый попугай

В Далласе, штат Техас, злоумышленник проник в частный дом. Однако хозяина, который держит в доме несколько птиц, разбудил его мексиканский красноперый попугай по кличке Сальвадор. При появлении незнакомца птица стала настойчиво здороваться с незваным гостем: «Привет! Привет!» Благодаря системе наблюдения разбуженный хозяин обнаружил грабителя, после чего выстрелил в него, пояснили в полиции. Налетчик скончался в больнице.

(www.NEWSru.com).

## БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

IV Всемирные военные игры

# ПЕРВЫЕ МЕДАЛИ СООТЕЧЕСТВЕННИКОВ

В индийском городе Хайдарабаде проводятся IV Всемирные военные игры, где впервые участвует расширенная делегация Узбекистана.

В воскресенье, 14 октября, состоялась церемония открытия Игр. В ней приняли участие первые лица государства. Праздничное шоу открыли самолеты и вертолеты ВВС Индии, затем на стадион приземлились парашютисты из Агры, развернув в воздухе флаги Индии и CISM. Парадом прошли все страны-участницы, где равными среди равных прошли атлеты Узбекистана. Право зажечь огонь Игр предоставлено серебряному призеру Олимпийских игр полковнику Ражавадхану Сингху Праторе. С первых дней Игр основная борьба за командное первенство развернулась между атлетами России и Китая. К исходу вторника пока впереди россияне – за счет отрыва в плавании.

Первые медали есть и у наших земляков. На дистанции 800 м серебряную медаль завоевала Анна Сидорова, а рядовой Анастасия Журавлева завоевала «бронзу» в прыжках в длину, уступив только олимпийской чемпионке из Греции и чемпионке мира из России. Провели первые поединки семеро наших боксеров, из них пятеро одержали победы. Улугбек Холмуродов переиграл Нгуен Тронга (Вьетнам), Равшан Худойназаров победил Мейсона Бойда (США), Рахманбек Тошматов чисто обыграл Усаму Хосни (Тунис), Шароф Хусанов – Эндрю Термина (Тринидад и Тобаго), Абдугаффор Умаров – Катисо Тсеноли (Лесото, технический нокаут), Фаррух Мадаминов уступил Джошуа Ндере (Кения), и Зокир Артиков – Алексею Зубок (Россия). В финальном забеге на 100 м седьмое место у Олега Журавлева.

Соревнования продолжаются.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**Индия, Хайдарабад.**
**(Подробный отчет читайте в следующем номере).**



# ОРЗУЛАРИ УЛКАН ПОСБОН

**Офицер Саловат Исмоилов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда спортга катта эътибор бериб келинаётганлиги боис, бу ерда спорт бўйича юқори чўққиларни забт этаётган посбонлар ҳам кўплаб топилади. Мана шундай билаги зўр, жисмонан бақувват ўғлонлардан бири оддий аскар Дилшод Раҳимовдир. Ўтган йил кузги чақирувда жамоага келиб қўшилган посбон қисқа вақт ичида ўзининг касбига бўлган фидойилиги боис сафдошлари орасида обрў қозониб улгурди.**



Табиатан анча киришимли ва тиришқоқ бўлган навоийлик Дилшод Раҳимов ёшлигидан спортга ошно тутинган. Дастлаб шаҳардаги «Динамо» спорт мажмуасида миллий кураш ва дзюдо билан шуғулланган ўғлон ёш бўлишига қарамай вилоят миқёсидаги кўплаб мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. 2002 йил Навоий шаҳрида вилоят миқёсида миллий кураш бўйича бўлиб ўтган мусобақада у анча муваффақиятли иштирок этди. Ўз вазни тоифасида мусобақанинг финалигача етиб борган Дилшод сўнгги беллашувда фақат очколар ҳисобидагина рақибига имкониятни бой берди. У ўн беш ёшидан бошлаб, спортнинг анча мураккаброқ тури бўлган қўл жанги билан ҳам шуғулана бошлади. Мазкур спорт тури йигитлардаги довюраклик, матонат сингари фазилатларни шакллантиришини кўпчилик яхши билса керак. Шу боис ҳам унинг ота-онаси фарзандининг хоҳишига қаршилик қилишмади, аксинча фарзандини қўллаб-қувватлашди. Муддатли ҳарбий хизматга қадар қўл жанги бўйича тажрибасини орттирган йигит ушбу спорт тури бўйича ҳам бир қатор мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. Армия сафида эса у ўзининг севимли спорт турларини ташлаб қўймади, аксинча янада жиддийроқ шуғулана бошлади.

– Оддий аскар Дилшод Раҳимов ҳарбий жамоамизнинг етакчи посбонларидан, – дейди офицер Нодир Кенжаев. – У ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик бўйича машғулотларда фаол иштирок этиши билан бир қаторда спорт мусобақаларида ҳам биринчиликни қўлдан бой бермай келаётган шунқорлардан ҳисобланади.

Ҳа, ўзига нисбатан анча талабчан бўлган Дилшод спорт билан бирга ҳарб илмини ҳам мукаммал ўзлаштириб борди. Дала шароитида олиб борилган ўқув машғулотлари эса йигитнинг маҳоратини янада сайқаллади. Август ойида ҳарбий қисмда жанговар тайёргарлик ва спорт бўйича бўлиб ўтган синов машғулотида у энг юқори кўрсаткич қайд этиб, Мудофаа вазирлиги томонидан «Жанговар тайёргарлик аълочиси» ҳамда «Спортчи посбон» деган кўкрак нишонларини қўлга киритди. Бундай юксак эътироф посбоннинг касбига бўлган қизиқишини янада орттирди.

Айни пайтда якуний синов машғулотларида ҳам оддий аскар Дилшод Абдураҳимов муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Сафдошларига ҳар томонлама намуна бўлган посбон ҳарбий қисмда тавсияномага талабгорлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Хизматдан сўнг Навоий педагогика институтида таҳсил олиб, мамлакат ёшларини тарбиялашдек улкан вазифани зиммасига олишни мақсад қилган бу йигитга омад тилаб қоламиз.

**Сейман НАЗАРОВ.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**

# КУРАШДА ТЕНГСИЗ ЎҒЛОН

Айни пайтда ўзбек полвонларининг халқаро ареналардаги обрў-эътибори ошиб бораётганлиги барчамизни бирдек қувонтиради, албатта. Бунда ҳарбий спортчиларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ана шундай алпкелбатли ўғлонларимиздан бири лейтенант Олимжон Худойқулов бўлади. Айни пайтда у офицер Т. Холиқов етакчилик қилаётган ҳарбий жамоадаги энг илғор шунқорлардан бири ҳисобланади. Жанговар гуруҳ командирининг ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келаётган сурхондарёлик Олимжон ўқув мавсумидаги жанговар ютуқлари билан бир қаторда дзюдо ва самбо бўйича кўплаб нуфузли мусобақаларда ҳам ғолибликни қўлга киритган.

– Болалигимдан спорт билан шуғулланаман, – дейди посбон биз билан суҳбатда. – Ёшлигимда дадам курашга бўлган қизиқишимни сезиб, Термиз шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасига олиб борди. У ерда қисқа вақт ичида тажрибали мураббийлардан ўзбек миллий курашининг сирларини пухта ўзлаштирдим. Туман ва вилоят миқёсида ўтказилган турли мусобақаларда иштирок этиб, тажриба орттириб бордим. Айниқса, ҳарбий хизматга келганимдан сўнг посбонлар ўртасида уюштириладиган спорт мусобақаларида қатнашиб, ўз маҳоратимни янада шакллантирдим. Бунинг учун эса устозларим республика дзюдо федерацияси бош мураббийи ўринбосари Рустам Аметов ва катта лейтенант Сергей Петрянинларга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсам камлик қилади.

Устозларининг сабоқларини ҳамда унга билдирган ишончларини бугунги кунда



Олимжон муносиб даражада оқлаб келмоқда. Посбон яқинда Италиянинг Тарсенто шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳам юқори натижани қайд этди. 90 килограмм вазнда гиламга чиққан вакилимиз барча рақибларини бирин-кетин доғда қолдириб, турнирнинг олтин медалини қўлга киритди. Ҳа, Қуролли Кучларимиз сафларида Олимжон Худойқулов сингари енгилмас, жасур ўғлонларимиз қанчалик кўп бўлса, миллий армиямиз шунчалик мустаҳкам ва кучли бўлиб бораверади.

**Катта сержант Б. ЛУТФИЛЛАЕВ.**

Футбол

# ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

**2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари Осиё қитъасида бу сафар анча барвақт бошланди. Куни кеча Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари мазкур босқичдаги илк учрашувларини Хитой Тайпейи терма жамоасига қарши ўтказдилар.**

Гарчи ушбу ўйинда футболчиларимизнинг ғалаба қозонишларига ҳеч ким шубҳа қилмаган бўлса-да, ўйинда қайд этилган натижани кўпчилик кутмаганди. Ўйиндан аввал мухлислар ва мутахассислар билан ўтказилган сўровда улар терма жамоамиз уч-тўрт, нари борса беш тўп фарқи билан ғалаба қозонади, деб таҳмин қилишган эди. Аммо футболчиларимиз биринчи бўлимдаёқ 5:0 ҳисобида олдинга ўтиб, барча таҳминларни йўққа чиқардилар. Тайпейлик футболчиларнинг бунчалик бўш ўйин кўрсатишларини ҳеч ким кутмаган эди. Чунки баҳорда мазкур жамоа билан ўтказилган ўртоқлик учрашувида ҳамюртларимиз 1:0 ҳисобидагина ғалабага эришолган эдилар.

Майдонга шу кунга келиб энг яхши формада бўлган футболчиларни туширган Р.Инилеев биринчи босқич масаласини деярли ҳал қилди, дейишга тўлиқ асосимиз бор. Бунга жамоа аъзолари кўрсатган уюшқоқ, ҳамжиҳатликдаги ўйин ҳам далил бўла олади.

Эйди ўйин тафсилотларига қайтадиган бўлсак, биринчи бўлимда қайд этилган йирик ҳисобдан сўнг ҳам ўйинчиларимиз ўйин суръатини пасайтирмадилар. Натижада иккинчи бўлимда ҳам рақиблар дарвозасини тўрт марта аниқ нишонга олган футболчиларимиз 9:0 ҳисобида йирик ғалабага эришдилар. Тўпларни М.Шацких (5 та), Т.Копадзе, В.Карпенко, У.Бақоев ва Ш. Саломовлар киритишди.

Мазкур ғалаба жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида тўртинчи маротаба иштирок этаётган миллий терма жамоамиз тарихидаги илк энг йирик ҳисобдаги ғалабадир. Тўғри, бунгача футболчиларимиз 1998 йилда Мўғулистон терма жамоасини 15:0 ҳисобида енгишган эди. Аммо бу учрашув Осиё ўйинлари доирасида ўтказилган эди.

Яна бир қизиқарли томони шундаки, Максим Шацких терма жамоа ўйинчиларидан биринчи бўлиб бир учрашувда рақиб дарвозасига 5 та тўп йўллади. Бунгача С.Лебедев ва Ж.Ирисметовлар бир ўйинда 4 тадан тўп киритишга муваффақ бўлган эдилар.

Мазкур ўйин футболчиларимиз учун ўқувйиғин машғулоти вазифасини ўтаб берди, десак ҳам муболаға бўлмайди. Рақиб кучли бўлмаса-да, футболчиларимизнинг яна бир бор биргаликда тўпланиб, уюшқоқ, чиройли ва сермаҳсул ўйин намойиш этганликлари терма жамоа ўйинларини соғиниб қолган мухлисларни ҳам қувонтирди, футболчиларнинг ўзлари учун ҳам руҳий жиҳатдан мадад бўлди. Дастлабки ғалаба кейинги муваффақиятлар учун дебоча бўлади, деб умид қиламиз.

Эслатиб ўтамиз, жавоб ўйини 28 октябрь куни Хитой Тайпейида бўлиб ўтади.

**С.ПЎЛАТОВ.**

Борьба на поясах. Чемпионат мира

# УЗБЕКИСТАНЦЫ – ВТОРЫЕ В МИРЕ

С каждым разом узбекистанские атлеты по различным видам спорта показывают высокие результаты на мировой арене, тем самым достойно защищая спортивную честь нашей Родины.

И вот очередной успех наших соотечественников на VI чемпионате мира, проходившем в городе Уфе, столице Башкортостана, по борьбе на поясах.

Сборная Узбекистана завоевала 2-е общекомандное место среди 57 стран, принявших участие в соревнованиях.

В активе узбекистанцев одна золотая, четыре серебряных и семь бронзовых медалей.

«Золотым» в весовой категории до 81 кг стал Захид Ортиков, которому и в финальном поединке удалось продемонстрировать красивую атакующую борьбу. Четыре наших кураши-ста – Угилой Латипова (57 кг), Абдукадыр Умирзаков (66 кг), Шухрат Бозоров (100 кг) и Шавкат Амануллаев (+100 кг) – лишь в финальных схватках незначительно уступили своим соперникам.

Бронзовыми призерами в своих весовых категориях стали Фарход Тураев, Чингиз Байматов, Тимур Шакиржанов, Нуритдин Махаматов, Зохид Жумакулов, Насиба Бекмуродова и Сахобат Шералиева.

**Наш корр.**

Армрестлинг. Чемпионат мира

# В АКТИВЕ – 13 МЕДАЛЕЙ

Четыре золотых, четыре серебряных и пять бронзовых медалей завоевали узбекистанские спортсмены на чемпионате мира по армрестлингу, прошедшем в городе Велико-Турнова (Болгария). Завоевав 6-е общекомандное место из 43 стран-участниц, сборная Узбекистана вошла в десятку сильнейших команд мира.

Золотых наград по правой руке удостоились Бобур Бекчанов (80 кг), Умиджон Ахмедов (90 кг), по левой руке «золото» в активе Шохруха Нуритдинова (50 кг) и Фарида Усманова (+110 кг). Следует отметить, что Умиджон Ахмедов, победив на этих соревнованиях, стал восьмикратным чемпионом мира.

И по правой и по левой руке серебряным призером стал Мирзахид Шарапов, выступавший в весовой категории до 55 кг. Также серебряные медали завоевали Фарход Худояров (100 кг, левая рука) и Фарид Усманов (+110 кг, левая рука).

Весомый вклад в копилку сборной Узбекистана внесли и Гульхаё Зайнутдинова (45 кг) с Викторией Савчиц (50 кг), ставшие бронзовыми призерами чемпионата по левой руке. Выступавшим по правой руке Шохруху Нуритдинову, Фарходу Худоярову и Руслану Салихову (60 кг) досталась «бронза».

**Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.**

## СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

9-15 октябрь кунлари Уфа (Россия) шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар 1 та олтин, 4 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритиб, 57 мамлакат вакиллари орасида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Жумладан, белбоғли кураш ва сирим кураши бўйича қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси вакилларидан классик йўналишда З.Ортиқов олтин, Қ.Умрзоқов, Ш.Бозоров кумуш, Н.Маҳаматов, Т.Шокиржонов бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Эркин йўналишда эса Ш.Омонуллаев кумуш, Ф.Тўраев, З.Жумақулов ва Ч.Бойматов бронза медаллари билан тақдирланишди.

Қизларимиздан Ў.Латипова кумуш, Н.Бекмуродова ҳамда С.Шералиевага эса бронза медаллари насиб этди.

●

Қибрайда шахмат бўйича жаҳон кубоги баҳсларига йўлланма берувчи нуфузли мусобақа бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё давлатлари шахматчилари ўзаро куч синашдилар.

Эркаклар ўртасида жаҳон кубоги баҳсларининг финал босқичига бериладиган икки йўлланманинг бири ФИДЕ устаси Антон Филипповга насиб этди. У билан бир хил – 11 имкониятдан 8 очко жамғарган Анвар Исмагамбетов (Қозоғистон) эса иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Кейинги йилларда қатор харқаро турнирларда юқори кўрсаткичларга эришаётган яна бир вакилимиз Тимур Гареев эса пешқадамлардан атиги ярим очко кам тўплади.

●

Болгарияда армрестлинг бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси юртимизга қайтиб келди.

Ўзбекистонлик армрестлингчилар чемпионатда тўртта олтин ва бешта бронза медалини қўлга киритишди. Тўққон килограммгача бўлган вазн тоифасида баҳс олиб борган Умид Аҳмедов учун галдаги олтин медаль жаҳон чемпионатларидаги еттинчиси бўлди. Оғир вазнда кураш олиб борган яна бир спортчимиз Фарид Усмонов ҳам олтин медални қўлга киритиб, фаолияти давомида уч карра жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди.

Бобур Бекжонов ва Шоҳруҳ Нуриддинов ҳам мусобақанинг илк кунидаёқ биринчиликни қўлга киритишди.

Ёш спортчилардан Ф.Ҳудоёров, М.Шаропов, Р.Солиҳов, В.Сафчик ҳамда Г.Зайниддиновалар совриндорлар сафида мусобақани якунлашди.

●

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) раҳбарияти қарорига кўра, ўзбекистонлик ФИФА рефери асистентлари – Баҳтиёр Тоғаев ва Абдуҳамидулло Расулов ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг саралаш босқичи учрашувларида ён ҳакам сифатида иштирок этадилар.

Ҳамюртларимиз жорий йилнинг 27 октябрь – 27 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган «С» саралаш гуруҳидаги учрашувларни бошқаришда Баҳрайн, Қатар, Иордания, Сурия ва Уммон давлатларидан келадиган рефериларга кўмаклашадилар.

Атлетический клуб будущего воина


# РАЗВИВАЕМ НИЖНЮЮ ЧАСТЬ СПИНЫ

## Дедлифт или дедлифт с напряженными (неподвижными) ногами (со штангой или гантелями)

Дедлифт – упражнение, создающее нагрузку на мышцы нижней части спины, бедер, средней части спины, подколенные полусухожильные и трапециевидные мышцы.

**Выполнение дедлифтов.** Встаньте, касаясь голенями грифа штанги. Наклонитесь и возьмитесь за гриф, при этом ладонь одной руки должна быть обращена к себе, другая – от себя (попеременный хват). Попеременный хват позволит вам развить мощь хватательных движений руки. Затем выпрямитесь. Чтобы выполнить это движение, используйте мощь ног, бедер и спины. Когда вы поднимаете вес с пола, держите прямо руки и, насколько это возможно, спину. Не сутультесь. Поднимая штангу до уровня бедер, держите гриф как можно ближе к телу. Затем медленно опустите штангу.

Модификация дедлифта, так называемый дедлифт с напряженными (неподвижными) ногами, создает изолированную нагрузку на нижнюю часть спины, а также на полусухожильные мышцы. Используйте более легкий вес при выполнении этого усложненного упражнения. Сосредоточьтесь на хорошей технике.



ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

# ТЕАТР – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

**Яқинда Республика Ёш томошабинлар театри ўзининг янги 79 - театр мавсумини очди. Мавсум очилиши анъанага кўра меҳрибонлик уйлари, ногирон ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун катта байрам тадбирига айланиб кетди. Тадбирда Фотима ва Зуҳра Зиямуҳамедовалар раҳбарлигидаги «Тантана» болалар мусиқий жамоаси кичкинтойлар учун ўзларининг ажойиб томошаларини тақдим этдилар. Айтиш жоизки, ушбу томошалар ва театр жамоаси ижро этган саҳна кўринишлари болажонлар кўнглидан чуқур жой олди.**




Бугунги кунгача ранг-баранг саҳна асарлари билан халққа беминнат хизмат қилиб келаётган ёш томошабинлар театри бу йил 79 ёшни қарши олди. Театр тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур театр 1929-йилнинг 25 майда рус ёш томошабинлар театри таркибида ўзбек труппаси сифатида ташкил этилган эди. Ушбу труппани ташкил этишда театр санъати жонкуярлари Нурхон Ишмуҳаммедов, Афандихон Исмаилов, Етим Бобожонов ва рассом Шоназар Шораҳимовларнинг хизматлари катта бўлган. Труппа ўзининг дастлабки фаолиятини ўзбек халқ эртакларини саҳналаштиришдан бошлади. Томошалардаги образларни ижро этиш учун иқтидорли актёрлар билан бир қаторда ёш режиссёрлар ҳам жалб этилди. Режиссёрлар О. Салимов, В.Умаров, Б.Абдураззоқов ва О.Хўжақулов каби фидойи инсонлар театрнинг ижодий имкониятларини янада кенгайтиришди. Натижада эса ҳеч қанча вақт ўтмай труппа ўз мавқеини тиклаб олди. Театр биносига талайгина ўзгаришлар киритилиб, кичкина бўлса ҳам, бежирим саҳнага, қулайликларга бой фойега, репетиция хоналарига эга бўлди. Артистлар учун гримхоналар янгитдан таъмирланиб, замонавий жиҳозланди. Бу ерда энди театр томошалари билан бир қаторда фойеда хилма-хил тасвирий санъат, бадиий дизайнерлик ва шу каби кўргазмалар,тақдимот маросимлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш мумкин.

Юртимиз Мустақилликка эришгандан сўнг театрларнинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнига алоҳида эътибор берилиши, ижодий ютуқларни янада кўпайтирди, десак муболаға қилмаймиз. Ўтган давр мобайнида театр жамоасининг репертуари янада бойиди, янги саҳна воситалари кашф этилди. Натижада эса театр ўз саҳнасида турли мавзуларда яратилган саҳна асарлари билан ёш томошабинларни хушнуд қилиб келмоқда.

Ўтган мавсумдан бошлаб ўзбек тилида саҳналаштирилган томошалар билан бир қаторда рус тилидаги саҳна асарлари ҳам театр репертуаридан жой олди. Даставвал, ушбу томошалар ўзбек тилидаги эртакларнинг рус тилидаги вариантлари сифатида тақдим этилган эди. Эндиликда эса машҳур рус ёзувчиларининг асарлари асосидаги спектакллар томошабинлар диққатига ҳавола этилиб, юксак баҳоларга сазовор бўлмоқда. Шу билан бирга ўтган мавсумда театр қошида илк бор истеъдодли мутахассислар тайёрловчи мактаб-студия ташкил қилинди. Айни пайтда студиячилар театрнинг ижодий ҳаётида фаол қатнашиб, спектакларда ҳам бевосита иштирок этмоқдалар.

79-мавсум томошабинлар учун яна бир эзгу иш билан очилди. Театрда ногирон болаларнинг томошаларни бемалол кўришлари учун қўшимча қулайликлар яратилди. Энди ногиронлар Ёш томошабинлар театрида бошқа болалар каби ўзларини бекамукўст ҳис қилишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Республика Ёш томошабинлар театри юртимизнинг энг кекса театрларидан бири бўлса-да, ҳали катта имкониятларга, режаларга эга. Бу имконият ва режаларни, ғайрат ва шижоатни юзага чиқариш учун театрда ўз ишига фидоий артистлар ҳам етарли. Янги мавсум эса театр жамоасининг томошабинларни ўзларининг янги спектакллари, янги халқаро лойиҳалари билан хушнуд этиб, янги марраларни забт этишга чорлайди.

**Наргис МАҲКАМОВА,**
**театр бадиий ва адабий бўлими мудири.**

ТАҲРИЯТ ПОЧТАСИДАН

# ЯНГИ АВЛОД – ИШОНЧИМИЗ, ФАХРИМИЗ

«Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга», дейди Юртбошимиз Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида. Шуни қувонч билан таъкилашни истардимки, бу борадаги ислоҳотлар мени қувонтиради. Ёшларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар эртанги кунимизга ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Мен узоқ йиллар давомида ҳарбий соҳада хизмат қилиб, полковник унвонида истеъфога чиқдим. Очиғи миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотларни кузатиб, фахр, ғурур туйғулари кўнглимни тўлдиради. Ўғлонларимизни зўр тантана билан Қуролли Кучларимиз сафларига жўнатяпмиз, байрамона тарзда кутиб оляпмиз. Уларга давлатимиз эътибори, ғамхўрлиги борасида-ку узоқ тўхталиш мумкин. Яқинда Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган Фармонларини олайлик. Унга кўра, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг – ўғлонларимизнинг лавозим маошлари 1,15 баравар оширилди. Буни таъкидлаётганимнинг сабаби ёшларимизга бундайин эътибор, ғамхўрликка муносиб бўлишларини айтиш. Нафақада бўлсам-да, ёшлар, жамоатчилик орасида кўп бўлишимга тўғри келади. Негаки Тошкент шаҳар фуқаро муҳофазаси фахрийлар уюшмасининг раисиман. Тажрибаларимдан келиб чиқиб, ёшларга доимо панд-насиҳатлар қиламан. Сабаби ёшлар биз бошлаган эзгу ишларимизнинг муносиб давомчиларидир. Суҳбатларда уларни мустақиллигимизни асраб-авайлашга, юртни эъзолашга, Ўзбекистон номини дунёга ёйишга, демакки фидойи бўлишга даъват этаман. Ёшларимиздаги замонга хос шижоат, ғайрат, интилишни, юксак интеллектуал салоҳиятни қадрлайман. Хуллас, шулар ҳақида фикр юритганда, Президентимиз бошчилигида истиқлолнинг дастлабки одимлариданоқ кадрлар тайёрлаш, келажагимиз эгалари бўлган ёшларни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган эътибор ўз самарасини бераётгани хаёлдан ўтади.

**Шароф РАҲМОНОВ.**

# ВЗАИМНЫЙ ИНТЕРЕС

**Недавно в здании Международного бизнес-центра в Ташкенте состоялась видеоконференция. Она была организована по инициативе представительства Фонда «Форум культуры и искусства Узбекистана» в Японии в сотрудничестве с головным офисом Японского агентства международного сотрудничества (JICA) при содействии Посольства Узбекистана в Японии, Узбекско-Японского центра развития людских ресурсов, оргкомитета японских специалистов по проведению выставки «Древность и современность в архитектуре Узбекистана».**

Видеоконференция «Ташкент – Токио» стала одним из уникальных совместных проектов Фонда «Форум культуры и искусства Узбекистана» и японских партнеров.

В видеоконференции с японской стороны приняли участие эксперты и представители ведущих университетов Японии, а также Японское агентство международного сотрудничества (JICA), члены Архитектурного института Японии, профессиональные дизайнеры и эксперты по городскому планированию.

Эта видеоконференция является частью мероприятия фонда в Токио, в рамках которого также пройдет семинар на тему: «Культурное и историческое наследие Узбекистана», презентация туристического потенциала Узбекистана на примере города Хивы, а также презентация международной деятельности Фонда «Форум культуры и искусства Узбекистана».

Стоит напомнить, что делегация японских специалистов в области архитектуры уже дважды посещала Узбекистан. Тогда же прошла первая встреча делегации с активистами Центра молодежных инициатив и студентами Ташкентского архитектурного института. По итогам визитов в марте 2007 года в Токио была организована масштабная выставка «Древность и современность в архитектуре Узбекистана», которая стала основой для дальнейших проектов и начинаний по углублению двусторонних культурных связей между нашими странами.

**Эналида ТЯН.**

ХАФТА ГЎЗАЛИ



Азиза Қаҳҳорова 2-Тошкент юридик коллежининг ўничи босқич ўқувчиси. У ўзининг тиришқоқлиги, ҳар томонлама билимдонлиги ва фақат аъло баҳоларга ўқиши билан тенгдошлари ҳурматини қозонган, устозлар назарига тушган. Азиза фақат ўқиш билан чекланиб қолмаслан компьютер графикаси билан ҳам жиддий шуғулланади. Ҳозирда у янги компьютер дастури ҳамда қизиқарли интелектуал ўйинлар яратиш устида бош қотирмоқда. Иқтидорли ўқувчининг орзуси, етук мутахассис сифатида юридик соҳада фаолият олиб бориш.

# ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Қиз боланинг кўрки – тилининг ширинлигидир. Шунинг учун ҳар қандай инсонга у хоҳ катта, хоҳ кичик ёшли бўлсин, ширинзабонлик билан муомалада бўлинг. Тилни кўнгил ойнаси ҳам дейишади. Шундай экан, бировларнинг дилини оғритадиган эмас, кўнгилларига ёруғлик олиб кирадиган сўзларни гапиришга одатланинг.

Ўзбек киноси

# «РОБИЯ» – ГРАН-ПРИ СОВРИНДОРИ

Барча жабҳаларда бўлгани каби, мустақиллик йилларида миллий кино санъатимиз ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўтган давр мобайнида мавзуси ва жанри жиҳатидан бетакрор бўлган кўплаб бадиий, илмий-оммабоп, ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар яратилиб, улар нафақат юртимизда, балки халқаро кинофестивалларда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Жумладан, яқинда Қирғизистонда ўтказилган нуфузли халқаро кинофестивалда режиссёр Мансур Абдухолиқов томонидан яратилган «Робия» қисқа метражли бадиий фильмининг «Кумуш тундуқ» Гран-при совринига сазовор бўлгани фикримизнинг яққол тасдиғи бўла олади.

– Йигирма дақиқа давом этувчи мазкур фильмда ёш ўзбек оилаларининг ҳаёт тарзи миллий кўринишда гавдаланади, – дейди фильм муаллифи. – Мазкур фестивалда бош мукофотни қўлга киритишни ўйламаган ҳам эдик. Фикримча, фестиваль ҳайъати фильмда ёш оила ҳаётининг ўзига хос муаммолари ишонарли, содда ва тўлақонли кўрсатилгани учун «Кумуш тундуқ» мукофотига лойиқ, деб топишган. Оилавий муаммолар четдан қаралганда оддийдек кўриниши мумкин, бироқ биз фильмда ўша муаммоларнинг оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

Кейинги йилларда ўзбек киноси жаҳон кинематографчилари томонидан эътироф этилиб, кўплаб халқаро фестивалларга таклиф қилинмоқда. Шунга яраша кино ижодкорларимиз ҳам ўз фильмлари билан совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Жорий йилнинг ўзида Австралиянинг Брисбен шаҳрида ўтказилган ўн олтинчи халқаро кинофестивалда таниқли режиссёр Қамара Камолованинг «Йўл бўлсин» бадиий фильми совриндорлар қаторидан жой олди. Россиянинг Ставрополь шаҳрида бўлиб ўтган халқаро «Золотой витязь» кинофорумида «Ватан» фильми ҳам эътирофга сазовор бўлиб, актриса Раъно Шодиева шу фильмдаги Гунафша роли учун «Энг яхши аёл роли ижрочиси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Бундан ташқари, Ҳиндистоннинг Жайпур шаҳрида қисқа метражли фильмлар бўйича ўтказилган халқаро кинофестивалда тажрибали режиссёр Раул Ботировнинг «Қўғирчоқ театри» деб номланган ҳужжатли фильми фахрий диплом билан тақдирланди.

Сентябрь ойида ҳам бир қатор ўзбек фильмлари халқаро кинофестивалларда иштирок этди. Жумладан, режиссёр Собир Назармуҳаммедовнинг «Соғинч соҳили», Бако Содиқовнинг «Мурувват», Аюб Шаҳобиддиновнинг «Ўтов» фильмлари Россиянинг Анапа шаҳрида ўтказилган «Киношок» фестивалида муваффақият билан намойиш этилди. 23–29 сентябрь кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилган «Евроосиё-IV» халқаро кинофестивалида ҳам айнан ушбу учта фильм қатнашди.

**С.ПЎЛАТОВ.**

Қатралар

## БАЙРАМГА

Акромжон 1 сентябрь келишини орзиқиб кутди. Ҳар куни ойиси «Мустақиллик байрамида киясан», деб олиб берган кўйлагини бир кўздан кечириб қўяди. Ҳар замонда кийиладиган туфлисининг гардини артади.

Ниҳоят кутилган кун келди. Акромжон тонг саҳарданоқ кийиниб, кўчага чиқиб олган. Гўё Мустақиллик майдонида ўтадиган сайлга кеч қоладигандек. Сайлга олиб боришга ваъда берган буваси тезроқ чиқавермаганидан хуноб бўлди.

– Тезроқ бўлинг, буважон! – қичқирди у.

– Ҳозир, ҳозир.

Акромнинг баридир юраги ҳапқиради. Уст-бошини кўздан кечиради. У ер-бу ерини тузатган бўлади.

Бир пайт буваси чиқиб келди. Устида оҳорли костюм. Кўксида орден ялтирайди. Орденда Ўзбекистон гербининг тасвири. «Меҳнат шуҳрати», деб ёзиб қўйилган.

– Қани, кетдикми? – деди буваси

– Сал кутиб туринг, бува, – деди Акром.

У бувасини таажжубга солиб, ичкарига югуриб кириб кетди. Бироз ўтмай қайтиб чиқди. Энтикканича, бувасига боқди. Акромнинг қўлида Ўзбекистоннинг кичкинагина байроғи ҳилпираб турарди.

– Ана энди кетдик, – деди Акром ғурур билан

Бува билан набира бир-бирларига мамнун боқишиб, намойишкорона йўлга тушишди.

## ДАРАХТЛАР

Туни билан довул тинмади. Кучли шамол томларни учирди, дарахтларни йиқитди. Эрта билан юз тубан ётган дарахтларга тикиларканман, бувам деди:

– Кўряпсанми, дарахтлар тиз чўкишни билмайдилар. Улар тик туриб ўладилар.

Ҳа, қатъиятни дарахтлардан ўрганмоқ керак.

## СЕВГИ

Севги нима дейсанми, дугонажон? Нима десам экан? Бир сўз билан таърифлаш мушкул-да.

Биласанми, севгини ҳаёт булоғи, деса бўлади. Шу булоқ борки, меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат, шу билан бирга ҳижрон ва алам, айрилиқ ва изтироб бор. Лекин, сен булоқнинг лойқаланишига йўл қўйма. У фақат покизалик билан тирик.

Севгини баланд чўққига ҳам ўхшатиш мумкин. Қийинчилик ва машаққатларни енгиб, ўшал чўққини забт этсанг, демак бахтлисан. Фақат чиқишда эҳтиёт бўл. Тойиб кетма.

Севги қишда очилган гул. Жуда нозик. Аёзлардан асраб-авайламасанг нобуд бўлиши тайин. Ҳа. севги – қалб чечаги.

Севги…

Эй, унга тўкис таъриф бериб бўлармиди?

Бир севиб кўр, ана ўшанда биласан севги нималигини

## КАМАЛАК


Сим-сим ёғаётган ёмғир тинди. Кун сатҳида Қуёш жилва қилиб, камалак пайдо бўлди. У зангори тўнга боғланган беқасам белбоққа ўхшайди. Камалак жилосига қараб завқланишнинг гашти бошқача.

Қаранглар, турнақўз булоқнинг юзига қаранглар! Унда камалак акси жимирлаяпти!

Ниманидир эслатади у? Нимани экан?

Ҳа, топдим! Ахир бу атласнинг андозаси-ку!

Ҳой, камалак, шоҳи атласнинг ижодкори сен экансан-да!



**Гулшода ҚУРБОНОВА.**

## АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН**
На этой неделе желательно ставить перед собой четкие, конкретные задачи, учитывая сложившуюся вокруг вас ситуацию. Удачными обещают быть знакомства. Обостренная интуиция подскажет правильные решения.

**ТЕЛЕЦ**
Нежелательно отклоняться от намеченных целей, сколь бы велики ни были соблазны. У вас может появиться желание быть впереди всех – и для этого будет много шансов. Желательно проявить такт и терпение.

**БЛИЗНЕЦЫ**
На работе и дома госпожа Фортуна будет на вашей стороне. Так что начинайте осуществлять свои честолюбивые замыслы. Вероятно многообещающее знакомство. Не взваливайте на себя слишком большой объем работы.

**РАК**
Все ваши проекты окажутся успешными. В начале недели возможна деловая поездка с налаживанием новых контактов, которые впоследствии могут оказаться чрезвычайно полезными. Есть шанс заключить удачное соглашение.

**ЛЕВ**
Ваши честолюбивые замыслы могут воплотиться в жизнь. Не перекладывайте решение жизненно важных вопросов на чужие плечи. Заранее приготовьтесь к вероятным неудачам, встречайте их во всеоружии.

**ДЕВА**
Вас, скорее всего, оценят по достоинству: наладятся очень хорошие отношения с коллегами. Неплохо было бы как раз сейчас отправиться в деловую поездку. Таким же удачным будет и оформление документов.

**ВЕСЫ**
Создалась благоприятная ситуация для решения старых проблем и задач. Вы окажетесь в центре событий: постарайтесь сохранить нейтралитет и не принимать все близко к сердцу. Только не перестарайтесь с самоконтролем.

**СКОРПИОН**
Наилучшим образом будут даваться задачи, связанные с учебой и развитием творческого потенциала. Сохраняйте спокойствие и уверенность – все у вас должно получиться. Хорошо наладить крепкие деловые связи.

**СТРЕЛЕЦ**
Вы только выиграете, если проявите такое качество, как терпение. Карьерные устремления начинают проявляться в виде первых результатов. Ваша предусмотрительность позволит расширить горизонты возможностей.

**КОЗЕРОГ**
Эту неделю нужно начать с разборки дел и планирования последовательности их осуществления. По возможности разберитесь с долгами – попытки отложить эту проблему ни к чему хорошему не приведут.

**ВОДОЛЕЙ**
Нынче у вас все будет спориться в руках, и даже мелкие трудности не смогут испортить замечательного настроения. Идеи будут сыпаться из вас, словно из рога изобилия. Вспомните о своих обещаниях и постарайтесь их выполнить.

**РЫБЫ**
Инициатива и настойчивость позволят вам преодолеть все подводные камни недели. Возможно, в ваши планы ворвется некая путаница, которая до неузнаваемости их изменит. Не расстраивайтесь – все изменения к лучшему.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

70 ёшда

# ТИНИБ-ТИНЧИМАС ИЖОДКОР

ИСКАНДАР РАҲМОН



Искандар РАҲМОН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Соғлиқни сақлаш аълочиси Искандар Раҳмоннинг исм-шарифи кўпчиликка яхши таниш. Чунки тиниб-тинчимас бу инсон асли ҳарбий шифокор бўлса-да, шеърият ва адабиёт шайдоси. Ҳар йилда биттадан китоб ёки рисола чоп эттирмаса, кўнгли жойига тушмайди.

Етмиш ёшни оралаётган Искандар Раҳмон ҳамон жанговар сафда, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфидаги Фуқаро муҳофазаси институтида катта ўқитувчи, қирчиллама йигитлардай чаққон ва бақувват.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ёзганидек, киндик қони тўкилган муқаддас тупроғни ардоқлаш шу Ватан фуқаросининг инсоний бурчидир. Аммо, Ватанни ҳар ким ҳар хил севади, эъзозлайди. Деҳқон тупроғи билан тиллашса, боғбон ниҳолига ниҳол қўшади. Кимдир тили билан, бошқаси дили билан мадҳ этади. Элу юрти тинчи, ободони ўз сукутида жони қадар асрагувчилар бор. Ватан майсаларининг сон-саноғи йўқ, унинг гул-чечаклари ҳам ранглар жилосига сиғмайди. Ватан гўзаллиги боқий гўзаллик. Шу боис унинг куйчилари ҳам бисёр. Ҳар ким Худо берган тилда ўз билганича куйлайди. Умрида бир сатр шеър ёзмаган инсон ҳам завқи келганида ҳайрат ва ҳавас насимлари кўксини тўлдирганида ҳеч бўлмаса ўзи учун ниманидир хиргойи қилиб юради. Кимгадир куйлашни тақиқлаш яшашни тақиқлаш билан баробардир.

Собиқ ҳарбий шифокор Искандар Раҳмон чин маънода ватанпарвар, элу юрт қадрига кўксини қалқон қилиб яшаган инсон. Чунки умрини ҳарбий хизматга бахшида қилган одам тинчлик осмондан тушмаслигини, уни жонни фидо қилиб асраш кераклигини яхши билади. Шу боис Искандар Раҳмон ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида содда, халқона, яйраб ёзади...

Унинг "Меҳрибонлар", "Дардинг билан яшайман, дунё!", "Ўзбекистонлик шифокорлар уруш йилларида", "Оқ либосли халоскорлар", "Оловли гулдаста", "Ҳарбий шифокор хазинаси", "Асолат юлдузи", "Шонли йўл сабоқлари", "Умр зарварақлари", "Исми «Қ» ҳарфли қариндош", каби ҳужжатли қиссалар, очерклар, ҳикоялар, ҳажвиялар тўпламлари, шунингдек, "Йўллардаги гуллар", "Ўзбекистон аскарларимиз", "Жоним фидо Ватанга!", "Мард меҳри-Ватан сеҳри", "Асра болам, ўзингни", "Ҳарбийча алифбо", "Болажоним, ҳушёр бўл!" номли шеърий китоблари чоп этилган.

Искандар Раҳмоннинг ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги 50 дан зиёд шеърлари қўшиқ, марш бўлиб «Ўзбекистоним – Ватаним маним", "Аскар қўшиқлари" кўрик-танловларида ғолиб деб топилган, республика аҳамиятига молик катта байрам тантаналари, телерадио дастурларидан ўрин олган, қўшиқсевар халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Булар жумласига: "Ўзбекистон аскарларимиз!", "Ҳар баҳор, ҳар кузда", "Туркистон фарзандимиз", "Етти баҳодир марши", "Ўзбекистон лочинларимиз", "Ҳарбийлар қўшиғи", "Ассалом Тошкентим!", "Фидокорлар марши", "Эй, посбонлар, бўлинг саломат!", "Ватан қизи", "Муқаддас туйғу" ва бошқалар киради.

Шуни алоҳида фахр ва ифтихор билан таъкидлаш жоизки, Республикамиз мустақиллиги шарофати билан ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги, сафларда жўровозлик билан айтиладиган мардонавор, тантанавор, жанговар куй, қўшиқлар, маршлар яратиш, ижро этишга катта аҳамият берилмоқда, уларни халқ яхши кутиб олмоқда. Бироқ, афсуски, ҳақиқий ҳарбиёна, ўзбекона куй, қўшиқлар, маршлар яратаётган ижодкорлар бармоқ билан санарли холос.

Бу соҳада фаоллик кўрсатаётган ижодкорлар сирасига таниқли шоирлардан: Назармат, Жуманиёз Жабборов, Анвар Обиджон, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Иқбол Мирзо, Хуршид Даврон ва бошқаларни киритиш мумкин. Назаримизда, бу борада Искандар Раҳмон ҳам анча самарали меҳнат қилмоқда.

Маълумки, ҳарбий-ватанпарварлик ғоялари сиёсий-ижтимоий ҳаётимиздагина эмас, балки маданий-маърифий, ахлоқий-руҳий камолотимизда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар томонлама етук инсонни вояга етказиш иши бевосита Ватан тушунчасини теран англаш, севиш, ардоқлаш ва энг муҳими, уни жасурлик, мардлик билан ҳимоя қилишга даъват этадиган воситалардан унумли ва оқилона фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги мардонавор, жанговар куй, қўшиқ, маршлар ана шу воситаларнинг энг қудратлисидир, энг таъсирчани ва энг яшовчанидир. Бундай қўшиқлар, маршлар яратиш учун эса, энг аввало яхши шеър, гўзал ва жозибадор, азиз ва пурвиқор матн керак. Искандар Раҳмон ана шундай қўшиқлар, маршлар яратаётган сермаҳсул ижодкорлардан. Унинг шеърлари ҳақиқий Ватан фидоийлари ҳис-туйғуларини ўзида мужассам этади. Кишини яхшиликка, фидойиликка даъват этади. Ўзининг оҳангдорлиги, самимий ва халқоналиги билан тез ва осон куйга тушади.

Бошқача қилиб айтганда, Искандар Раҳмон шеърлари табиий ҳолда ўз мусиқаси билан туғилади. Яхши қўшиқнинг куйи унинг мағзида бўлади, дейишгани бежиз эмас, албатта. Яхши ҳарбий қўшиқлар, маршлар нафақат ҳарбийлар, балки барча ёш ва турли касбдаги кишиларнинг қалбига кўтаринкилик бахш этади, руҳини кўтаради. Искандар Раҳмоннинг ижодида ана шундай яхши фазилатлар бор. Ҳозирги нотинч замонда халқнинг руҳини кўтариш, уни огоҳлик, хушёрликка даъват этиш эса, катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга.

Мақоламизни Искандар Раҳмоннинг 2005 йили Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Ҳарбийча алифбо" тўпламига ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиз билан мухтасар қилмоқчимиз. Ўзи кичкина бўлса ҳам ичига бир олам маъно, мазмун сиғдира олган бу мўъжазгина китобчадаги шеърлар қисқа, равон ва лўнда бўлиб, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун жуда қулай, ҳаётий услубий қўлланмадир. Уларни ўқиш ҳам, уқиш, ёдлаш ҳам осон. Бироқ, асар мавзусига оид рангли, кўргазмали плакатлар мажмуи ишлаб чиқилса, нур устига аъло нур бўларди. Бу борада халқ таълими, Мудофаа вазирлигининг тегишли соҳаси мутасаддилари ўзаро келишиб, "Тасвирий ойна" ижодий жамоаси билан яқин ҳамкорлик қилишади, деган умиддамиз.

Бу муаммоларнинг ечими пировард натижада миллий истиқлол мафкурасининг энг муҳим қисми бўлган ватанпарварлик, ватансеварлик, Ватанга, бурчга садоқат, фидоийлик каби мусаффо ҳис-туйғуларни ёшлар онгида шакллантириш, уларни мардона асраш, авайлаш, куйлаш билан амалга оширилади.

Шу эзгу мақсадлар йўлида Искандар Раҳмон ўзининг "Баётларим-қанотларим" номли янги тўпламига кирган "Муқаддас туйғу" деган маршида ёзади:

Мусаффо туйғуларни
Асраш қарзу фарзимиз.
Гар бой берсак уларни
Бекор лабзу ваъзимиз!

Туйғуларнинг аълоси –
Асраш Она Ватанни!
Оламда йўқ баҳоси:
Иймон, забон, жон-танни!

Посбон айлаб киприкни
Кўзимизни асрайлик!
Қалқон айлаб кўкракни
Ўзимизни асрайлик!

Огоҳ бўлиб, дурдона
Тилимизни асрайлик!
Озод, обод юрт – Она
Элимизни асрайлик!

"Асралганни асрайди
Аллоҳ!"– демиш кексалар.
Кимки ҳушёр измида
Илгарилар, юксалар!

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ муддатли ҳарбий хизматдан сўнг ҳам йигитлардек меҳнат, ижод қилиб, ўзининг қутлуғ етмиш ёшини нишонлаётган, ҳамиша изланишда бўлган Искандар Раҳмонга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, катта ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

**Билол АМИНОВ,**
**элшунос олим,**
**Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,**
**журналист.**

# САРИЁҒ МАХСУМ

## Митти ҳажвия

Кейинги пайтларда улфатлари унга «Сариёғ махсум», деб лақаб қўйиб олишди. Нима қилсин, шу лақабни ўзига ўзи сотиб олди. Уч-тўртта одам тўпланган ерга Махсум келиб қолса, ўз-ўзидан суҳбат мавзуси сариёққа бориб тақалади. Бир ерга меҳмонга борса, еса-емаса, олдига сариёғ келтириб қўйишади:

– Озгина сариёғдан олинг, буёғи яхши кетади!...

Бунинг бошланиши бундай бўлган эди. Бир куни улфатлар жам бўлиб, шакаргуфторлик бошланганда, Махсум «кашфиёт» ини ўртага ташлади:

– Аввал бир бўлак сариёғни ютсанг, кейин қанча ичсанг мойдек кетавераркан, – деди у.

– Бунақасини биринчи бор эшитишимиз, – ажабланишди улфатлар.

– Хўп денглар, сариёғда хосият кўп, – фикрини давом эттирди Махсум.

– Қанақа хосият?

– Бирор каттароқ жойга бошлиқ бўлдингиз, – деди Махсум. – Ҳар куни турли хил одамлар билан ўтирасиз. Ўтиргандан кейин ана ундан бўлмаса, гап гапга қовушмайди. Меҳмондорчилик кўп бўлади. У ерда ҳам албатта, ичкилик бўлади. Кўзингиз қиймайди, олишга мажбурсиз. Шунақа пайтда бир бўлакча сариёғни ютиб юборсангиз, олам гулистон! Сариёғ ичакларни мойлаб, сув юқмас қилади. Кейин ҳар қанча ичсангиз-да, маст бўлмайсиз.

– Буни қаердан биласиз? – деб сўрашди улфатлар.

– Биттаси ўргатди-да, отини сўраб нима қиласизлар! – деди Махсум иддао билан. – Мана, мен неча марта синадим, дуруст. Энди уйдан сариёғ аримайди. Бугун, бу ерга келишдан олдин совутгичга қарасам, сариёғ йўқ. Болалар нонга суртиб, пок-покиза туширибди. «Ҳой, – дедим, – сариёғни есаларинг енглар, лекин менинг тегишимга тегманглар!»

– Ёпирай?

– Ҳа, шунақа, дўстларим!

Махсумнинг айтганига кириб, ўртага сариёғ тортилди. Кейин нима бўлди, денг? Махсум ҳаммадан олдин чўзилиб қолди. Эҳтимол, у сариёғдан камроқ егандир?

# ОТЕЛЛОГА ЎХШАЙМАНМИ?

## Ҳангома

Машҳур ҳарбий шифокор, хушчақчақ инсон Зикрилла ака Эгамбердиев билан қарийб сирдош эдик. У киши билан тез-тез учрашиб, фикр алмаштириб турардик. Ёзнинг иссиқ кунларидан бирида уйларига борсам, ўзлари ёлғиз. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ҳовлининг ўртасига катта тоғорада сув қўйиб, ювиниб, офтобда қораймоқчи бўлиб турган эканлар.

– Ўзингиз қорасиз-ку, яна қаерингизни қорайтирмоқчисиз? – деб ҳазиллашдим.

– Ҳа, бир оз қорайишим керак экан. Ҳурбибидан ҳар куни гап эшитяпман.

– Шунда сочларингиз ҳам қораядими?

– Йўқ, жингалакроқ бўлади, – дедилар ҳурпайган оппоқ сочларини қўллари билан тараган бўлиб. Кейин қорайиб, терлаб кетган юзларини бирдан тундлик қоплади. Кўзларини катта очиб, қўлларини белга тираб, дедилар:

– Нима, мен қораманми? Баъзи олифталар сингари чиройли, сип-силлиқ сўзлай олмайманми? Дездемона, қани рўмолча, сенга совға қилган рўмолчани бер! Агар тезда бермасанг, фалокатга йўлиқишинг муқаррар!

Мен аввалига эсанкираб қолдим. Кейин Зикрилла аканинг машҳур актёр Аброр Ҳидоятов қиёфасига кириб, Отелло ролига тақлид қилаётганини сезиб қолдим.

Зикрилла ака тезда асл ҳолатларига қайтдилар ва:

– Қалай, қулоғимга сирға тақиб олсам, Отеллога ўхшайманми? – дедилар кулимсираб.

Гулом КАРИМ

# НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

## (тарихий романдан парча)

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

– Ҳа, Муқаннанинг иштаҳаси карнай. Чағониён ҳам унинг қўлига кирай деб турибди. Бу вилоятларни у биров билан бўлишмаса керагов! Хоқон ўз мадади учун нимага эга бўлди?

– Чоч шимолидаги даштларда эркин кўчиб юрадиган бўлдик. Вилоят ҳунармандлари ясаган буюмларнинг бари олдингидек Бағдодга олиб кетилмасдан, катта қисми савдогарлар орқали бизга чиқариладиган бўлди. Ахир, қадимдан ҳар туркнинг чочий камони ва отида чочий эгар бўлган. Бошқа жойда бунақасини ясашмайдур. Энг улкан ютуқ – Туронзаминнинг яна бир вилояти истибдоддан халос бўлди.

– Аммо менинг халифадан қутулиб, Муқаннага тутилиш учун курашга қўшилиш ниятим йўқ.

– Такрор айтаменки, сизни иттифоқчи сифатидагина курашга даъват этмоқдамиз. Чоч тудунининг аждодларини бир пайтлар турк хоқони Истами тайинлаган. Сизнинг сулолангиз эса асл ва қадимийдир. Бироқ эл эркли бўлсагина, эр тахтли бўлур. Бобомерос тожу тахтга ҳақингиз борлигини исботлаш фурсати келди. Сиз ошкора кураш йўлига ўтсангиз, халифанинг Мовароуннаҳрдаги ҳокимияти батамом дарз кетадур.

Аммо мулоҳазакор Бунёт ҳали бундай фурсат етди, деб ўйламасди. Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Чағониёнда араблар етарли ҳарбий кучга эга. Бу шаҳарлар эгалланса гина, Мовароуннаҳрнинг озодлик тонги отди, дейиш мумкин.

– Мен, албатта, хоқонга ва Муқаннага содиқ иттифоқчимен, – деди Бунёт бадгумонлигидан ранжигандек бошини қуйи солиб ўтирган элчига. – Ҳозирча ёғийнинг ишончидан фойдаланиб, унинг сир-асроридан, айниқса, ҳарбий режаларидан дўстларимизни воқиф қилиб юрамен. Мақбул фурсат келгани ҳамоно ошкора кураш йўлига ўтамен. Акс ҳолда, кўк кирсин, қизил чиқсин!

Гарчанд иттифоқлик шартлари қоғозга ёзилиб, муҳр босилмаган бўлса-да, бухорхудотнинг қадим туркий удумга кўра: «агар аҳдимга хиёнат қилсам, тиғ танимга кўк кириб, қонга беланиб, қизил чиқсин», дея қасам ичиши элчига етарли эди.

– Тил тугмишин, тиш язмас[1], – деди у хоқон томонидан зиммасига юклатилган катта юмушлардан бирини адо этганидан мамнун ҳолда.

Элчи ва уни кузатиш учун чиққан мулозим хонани тарк этгач, Бунёт кўза тагидаги майни қадаҳга қуйиб сипқорди-да, гоҳ аламли, гоҳ сархуш хаёлларга берилди. Нотинч ва жолиб ўйлар алмашинувига қараб, унинг юз ифодаси ҳам дам-бадам ўзгарарди.

Даҳлизда енгил қадам товушлари эшитилди ва эшик унсиз очилиб, ҳарир либосларга бурканган бир париваш кирди. У Бунётнинг хотини, Ҳусайннинг синглиси Хадича эди. У ҳамон жойида ўтирган эрига салом берди-да, эгилиб таъзим қилди. Эгилганида қимматбаҳо тақинчоқлари шалдираб кетди. Хадича киргач, унинг ял-ял ёнаётган зар либослари ва турли рангда товланаётган ялтироқ тақинчоқларидан хона янада чароғон бўлиб кетгандек туюлди. Атир ҳиди гуркираб, ҳатто май исини босиб кетди. Бунётнинг ҳамма ташвишлари бир зумда ғойиб бўлди. У соҳибжамол хотинига гўё биринчи бор кўраётгандек ҳайрат билан қараб турарди. Хадича сарвқомат, синалари дуркун, оқиш юзидаги қай бир жиҳатлар билан акаси Ҳусайнга ўхшаб кетарди. Лекин Ҳусайннинг нигоҳи доимо совуқ ва шубҳали бўлса, буниқи латиф ва мулойим эди. Кенг этаги товонига тушиб турган гулдор оқ ипак кўйлак устидан кийган заррин нимчаси белини ва сийнасини сириб турарди. Бошида тилларақош ва бухороча зар дўппи, қизғиш-қора сочларига эса заркокиллар тақилган. Эрининг ҳам ҳайрат, ҳам савол назари билан қараб турганини кўриб, инжу тишларини кўрсатиб жилмайди ва деди:

– Маъзур тутинг, хўжам, ҳузурингизга беижозат кирдим. Мажусий элчи келиб-кетганини эшитиб, жуда қизиқдим. Қарасам ҳали ухламагансиз.

Бунёт унинг махфий учрашувни сезганини билиб, деди:

– Ҳа, бугун хоқон элчиси билан бир оз суҳбатлашдим.

– Қизиқ гаплар айттандир, қайси юртдан келибдур? Ўшал юртнинг қандай ғаройиботлари бор экан?

«Оббо, бу бир нарсанинг тагига етдимикан», – ташвиш билан ўйлади Бунёт. Акасига гуллаб қўймасин-да».

Лекин Хадичанинг юзида шубҳа аломатлари кўринмас, ёлғиз қизиқиш ифодаси бор эди.

– Элчининг ўз мамлакати ҳақидаги ҳикоясини, сафардаги саргузаштларини тингладим, – деди Бунёт. – Аларнинг юрти Хитойга яқин. Бир қанча камёб буюмлар олиб келибдур. Сенга ҳам хитойи либослар совға қилди.

Шундай дея элчи қолдирган зар бўғчани олиб, хотинига узатди. Чиний либослар дарагини эшитиб, Хадичанинг ҳеч бир аёл мустасно бўлмаган буюм ва безакларга бўлган шавқи уйғониб, бошқа ҳамма нарсани унутди. Бўғчани очиб, совғаларни кийиб кўриб, ўзига қанчалик ярашишини билиш учун канизаклар олдига югурди.

Ярим кўчманчи эл бўлмиш қарлуқлар диёри ҳақида хотинига сўзлаб бериш мажбуриятидан қутулган Бунёт яна ўз ўйларига берилди. Уйқуси келмас, ора-сира кўзи илинганда ҳам ўзининг катта қўшинни бошлаб бораётгани, аркдаги тахтда ўтириб, сулҳ истаб келган халифа элчисини қабул қилаётгани каби манзараларни кўрар, нохос ниқоб кийган бир кимса пайдо бўлиб, уни тахтдан тортиб туширмоқчи бўлганида, чўчиб тушарди.

Бухорхудот тонг саҳарда сафар кийимларини кийди. Кўнглида турли ўй-ҳислар ғужғон ўйнар, Бухорода қолгиси келмас, бутун борлиғи Варахша томон талпинарди. У ҳовлига чиққанда, буйруқ олган бир гуруҳ навкарлар отланишиб, жўнашга шай бўлиб турарди.

Бунёт хотини билан хайрлашиш учун ичкари хонага кирди. Хадича аллақачон чин либосларини кийиб, тўй кечасидаги келинчакдек ясаниб олган. Эрининг бир неча кунга Варахшага кетаётганини эшитиб: "Мен ҳам ўғлим билан бораймн, хўжам" – деди эркаланиб.

Беш ёшлардаги ўғли Холид уйғониб, югуриб келиб, дадасининг тиззасини қучоқлади.

– Ҳали сизлар учун уйлар битмаган, – деди Бунёт ўғлини эркаларкан. – Мен қурилиш ишларини кўздан кечириб қайтурмен.

– Нима бўпти, сарой бўлиши шарт эмас, чодирда ҳам яшайверамиз.

– Хавфли ҳозир, оқ кийимлилар изғиб юрибди ҳамма ёқда.

– Сиз билан бирга бўлсам алардан қўрқармидим, – деди Хадича эри унамаётганидан йиғлагудек бўлиб.



– Хўш, бу гал ҳам қол, кейинги гал борурсен, – деди Бунёт бошқа баҳона тополмай. – Унгача сизлар учун бир уйни ҳозирлатиб қўямен.

Бунёт навкарлари билан шаҳар дарвозасидан чиқди ва Варахша йўлидан отларини елдириб кета бошладилар. Йўлнинг икки чеккасида қишлоқлар қорайиб кўринади. Ҳосили йиғиштириб олинган далага моллар ёйилган. Йўл сокин бўлиб, унда-бунда бозор-ўчар учун шаҳарга келаётган, эшак ва от қўшилган араваларга узум, сабзи-пиёз тўла саватлар ёки пахта тўлдирилган қанорларни юклаб олган деҳқонлар кўринади.

Ваҳоланки, бир пайтлар бу қадимий савдо йўлидан карвонлар кети узилмай турнақатор ўтиб турган. Бу йўл Варахшадан ўтиб, Қизилқумни кесиб Хоразмгача борарди. Хазар ва Булғор тожирлари ҳам Мовароуннаҳрга шу йўлдан келарди. Араблар босқинидан сўнг қатнов тўхтаб, қудуқлар ва карвонсаройларни қум босди. Хароб ҳолга келган ва тамом унутилиб кетаёзган бу кўҳна йўлнинг Варахшагача бўлган қисми Бунётнинг шарофати билан сўнгги йилларда қайта тикланганди.

**(Давоми бор).**

Театральный сезон

# ТВОРЧЕСКИЙ ВЕЧЕР ПЕВИЦЫ

**Состоялся первый творческий вечер ведущей солистки ГАБТа имени А. Навои Сайёры Хайруддиновой (сопрано). Выпускница Государственной консерватории любима многими почитателями оперного искусства. С. Хайруддинова хорошо знакома зрителям театра как Мими из оперы «Богема» Дж. Пуччини, Леонора из оперы «Сила судьбы» Дж. Верди и как исполнительница других значительных и интересных партий из опер, входящих в постоянный репертуар театра.**

Нынешний творческий вечер получил название «На крыльях музыки и слова». Надо сказать, что Сайёра Хайруддинова была рада представить зрителям свои новые достижения, новые роли. Она по своей творческой сути человек, который жаждет пробовать и экспериментировать независимо от сложности поставленной цели. В подтверждение этого факта стоит упомянуть ее дипломную работу. Тогда она выбрала непростую как с вокальной, так и с психологической точки зрения работу – партию Флоры из «Тоски».

На вечере С. Хайруддинова была в роли Кармен из оперы «Кармен», Виолетты из «Травиаты», Леоноры из оперы «Сила судьбы», была и в образе Лейли из «Лейли и Межнун», а также исполняла арии из «Аиды» и других опер. Переживая судьбу своих героинь, она старалась выразить все чувства покинутой Сантуцци («Сельская честь»), яркой и живой мадам Баттерфляй и страдающей Виолетты. Многоликость образов и судеб сделала вечер искрящимся и живым. В самом разгаре действа свой подарок сделал Аваз Раджабов, исполнив партию Хаджи-Дарга из оперы «Проделки Майсары». В программе вечера также прозвучали арии и дуэты и с другими выдающимися солистами ГАБТа.

Хочется отметить, что среди зрителей творческого вечера Сайёры Хайруддиновой были также курсанты военных училищ Министерства обороны. Они восторженно отзывались о силе голоса и таланте нашей соотечественницы. Зал рукоплескал не единожды. Талант выдающейся певицы заставлял думать, сопереживать. В этом и есть сила искусства.

**Т. ЭНАЛОВА.**

**Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.**

**Шу сонга масъуллар: майор Шуҳратбек Маҳамматович ҲОШИМОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.**

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

**Газета жума куни чиқади.**

**Телефонлар:**
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

**Таҳририят манзили:**
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

**«Ватанпарвар»** газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
**«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.**
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

**Нашр кўрсаткичи** 114. **Буюртма** № G-4190. **Адади** 23800.